

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма хуқуқида  
УДК: 93/930.26+720

**Қодирова Раънохон Маъмиржоновна**

**Ўрта Зарафшон воҳасининг суғорма  
дехқон жамоалари томонидан  
ўзлаштирилиши тарихи**

5A 120301-Ўзбекистон тарихи магистр академик даражасини олиш учун

**МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар: т.ф.д., проф. М.Ҳ.Исомиддинов

**Фаргона – 2016**

МУНДАРИЖА:

КИРИШ .....	3-12
<b>I БОБ.</b> <b>Ўрта Зарафшон воҳасининг тарихий – топографик таснифи.....</b>	<b>13-23</b>
I.1. Зарафшон дарёси ва воҳасининг табиий-географик ҳолати.....	13-15
I.2. Самарқанд ва унинг атрофлари қадимги манбаларда....	16-23
<b>II БОБ.</b> <b>Энг қадимги дехқон жамоаларининг пайдо бўлишида маҳаллий ва яқин атрофлардаги маданиятларнинг таъсири.....</b>	<b>24-37</b>
II.1. Самарқанд воҳасининг тош даври қабилалари томонидан эгалланиши.....	24-28
II.2. Зарафшон дарёсининг юқори оқимларини энеолит даврининг дехқон жамоалари томонидан эгалланиши....	29-37
<b>III БОБ.</b> <b>Зарафшон водийсининг илк темир, антик ва ўрта аср дехқон жамоалари томонидан эгалланиши босқичлари.....</b>	<b>38-75</b>
III.1. Илк темир даври дехқон жамоаларининг Зарафшон водийсини ўзлаштирилишидаги тутган ўрни.....	38-47
III.2. Самарқанд воҳасининг антик давр дехқон жамоалари томонидан эгалланиши.....	47-57
III.3. Самарқанд воҳасининг илк ўрта ва ривожланган ўрта аср дехқон жамоалари томонидан эгалланиши.....	57-75
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>76-83</b>
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	84-90

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ўзбек халқининг давлатчилиги тарихи анъаналарини, маданиятини ҳар томонлама чуқур ва объектив ўрганишни, ўзбек халқининг қадимги тарихини ўрганишни давлат сиёсати даражасига қўтарилиганини, буни тарихчилар олдига катта вазифа қилиб қўйилганлиги тўғрисида бир неча мартараб гапирган эди<sup>1</sup>. Зарафшон воҳасининг асосий дурдонаси Самарқанд шахри тўғрисида гапирап экан, “Самарқанд ўзининг бой тарихи, буюк маданияти, ўзининг бетакрор маданий обидалари билан инсоният цивилизацияларининг бешикларидан бири бўлиб хизмат қилди ва бугунги кунда ўзининг салоҳияти, бетакрор қиёфаси билан дунёдаги минг-минглаб одамларни ҳаяжонлантиради ва бутун халқимизни фахри ҳисобланади”<sup>2</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам пайдо бўлганига яқин 3000 йил бўлган, қадимги Рим тенгдоши Самарқанд, Зарафшон водийсида пайдо бўлган қадимги цивилизацияларнинг энг йиригидир. Шунинг учун бу водийнинг тарихига ва ўтмиш маданиятига бўлган қизиқиш XIX асрнинг ўрталаридан ва айниқса Ўрта Осиё ҳудудлари Чор Роосияси томонидан босиб олингандан кейин бошланган. Аммо, бу дастлабки Россиядан келган “археологлар” ҳақиқатдан ҳам археолог эмас эдилар. Бу даврда бизнинг ҳудудимиздаги пахса, хом ғишт ёки гувалакдан ясалган иморат қолдиқлари қазиб олиниш усулларини у даврларда умуман ҳеч ким билмас эди. Шунингдек, бу тўғрисида, яъни археологик қазишмаларни олиб бориш ва уни тўғри таҳлил қилиш усуллари бўйича бирон-бир кўрсатма, ёки йўриқнома тайёрланмаган эди. Шунинг учун бу даврда олиб борилган қазишма ишлари жуда ҳам малакавий жиҳатдан паст даражада эди. Биз ушбу ишда археология фанининг ilk тонгидаги қўлга киритилган муваффақиятлар ва йўл қўйилган хатолар тўғрисида батафсил

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантия прогресса. и стабильности развития. По пути безопасности и стабильности развития. Ташкент.: «Узбекистан». 1998. Т. VI. С. 29-244.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Одамлар истаги билан яшаш – бизнинг олий бурчимиз. Т.: 2001.

гапирмоқчи эмасмиз, аммо бу соҳада бир қанча адабиётлар борлигини айтиб ўтишимиз керак<sup>3</sup>.

Зарафшон воҳасининг ўрганилиши ва унинг дехқон жамоалари томонидан ўзлаштирилиши бўйича археологик изланишлар чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини босиб олган давридан бошланди. У ҳам бўлса Зарафшоннинг энг йирик шаҳар харобаси археологик қазиши маишлари олиб борилди. Афросиёбда олиб борилган археологик ишларни ҳаммасини санаб ўтишнинг имконияти йўқлиги сабабли биз бу ишни энг асосийларини санаб ўтамиз. 1893 йил Афросиёбда полковник Черняев буйруғи билан В.В.Крестовский, кейинроқ Н.И.Веселовский, 1894-1895 йилларда француз сайёхи Шафанджон, В.Л.Вяткин, В.В.Бартольд каби шарқшунос олимлар археологик қазиши маишларини олиб бордилар<sup>4</sup>. В.Л.Вяткиннинг ишлари Санкт-Петербург олимларининг, айниқса, В.В.Бартольдинг эътиборини тортди. Энди унга 1896 йилда Самарқандда қайта очилган музейга мудирлик қилиш топширилади.

В.Л.Вяткин ниҳоятда иқтидорли тарихчи-ўлкашунос ва ёзма манбаларнинг ўткир билимдони бўлгани боис, у Самарқанд вилоятининг тарихий географияси бўйича ёзма манбаларни тўплаш бўйича катта ишларни бошлаб юборди ва шу билан бирга, археологик коллекцияларни ҳам тўплай бошлайди. Давлат музей фондини тўлдириш учун археологик ва бошқа коллекцияларни сотиб олишга катта маблағ ажратмас эди. Бунинг оқибатида ноёб коллекциялар хорижга чиқиб кетиб, турли мамлакат музейлари экспонатларини тўлдирди.

1903 йилда В.В.Бартольдинг таклифи билан Самарқандни тарихий-монографик ўрганишга қарор қилинди, бунинг учун Самарқанднинг аниқ топографик харитаси ва нивелировкасини тузиш, Самарқандни ўраб турган

<sup>3</sup> Якубовский А.Ю. Из истории археологического изучения Самарканда//ТОВЭ, Л., 1940. –с.285-337, Шишキン В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей. Сб.Афрасиаб. Вып. I. Ташкент.: 1969. С.3-121.

<sup>4</sup> Шишキン В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей. Сб.Афрасиаб. Вып. I. Ташкент.: 1969. С.3-121.

барча девор ва қўргонлар қолдиқларини, унинг атрофидаги барча масжидлар, мадраса ва қадимий обидаларни унга киритиш кўзда тутилди. Бу ишларни бажариш В.Л.Въяткинга топширилади, у 40 километрлик деворнинг сақланиб қолган қисмларини тадқиқ қилди ва у ҳақда ёзма манбалардан айrim маълумотларни йигишга муваффақ бўлди.

В.В.Бартольд 1904 йилда Афросиёбга келди ва у X аср географлари томонидан таърифланган “ички шаҳар” эканига қатъий ишонч ҳосил қилди. Шу билан бирга, у шаҳарнинг сув таъминоти билан қизиқди. Унинг илтимосига кўра қўргончанинг нивелировкаси олиб борилади ва сув қувури Афросиёбдаги Ҳазрат-Хизр масжиди ёнидаги “ун бозори” яқинидан ўтказилгани аниқланади<sup>5</sup>.

Шу йили ёк В.В.Бартольд ўз ҳаётидаги биринчи ва охирги қазилма ишларини олиб боради, бу ишлар Самарқанднинг мўғуллар босқинигача Жоме масжида ўтказилади. У ўзининг олиб борган археологик қазишмаларидан қониқмаганлиги сабабли қайтиб археологик қазишмаларда қатнашмаслигини эълон қилди.

Шу йили В.Л.Въяткин Афросиёб харобаларидан ғарбга томон – Номозгоҳда қазилмалар бошлайди. У шуни ҳам тахмин қиласиди, “Номозгоҳга будда бутхонаси “бехар”, “Вехар” ёнида асос солинган, чунки Афросиёбнинг Новбаҳор деб аталган ғарбий дарвозаси қаршисида жойлашган.

В.Л.Въяткин Самарқанд ва Самарқанд вилояти бўйича, тарихий манбаларни ўрганиш бўйича жуда катта ишларни амалга оширди. У Ўрта Осиё, айниқса Самарқанд археологияси соҳасида катта нуфузга эга мутахассис эди. Бироқ бу даврда Ўрта Осиёнинг барча худудларида археологик қазишмалар олиб бориш учун услубий қўрсатмалар йўқ эди.

Аммо, бутун Зарафшон водийсини ўзлаштирилиши тарихи билан бевосита шуғулланган олимлардан бири А.Ю.Якубовский бўлиб, унинг сай

<sup>5</sup> Шишкін В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей. Сб.Афрасиаб. Вып. I. Ташкент.: 1969. С. 22.

ҳаракатлари билан бу воҳадаги археологик обидаларни ўрганиш бўйича Давлат Эрмитажининг экспедицияси уюштирилди. Ўтган асрнинг 30-йилларидан И.А.Сухарева ва Г.В.Григорьев Талли Барзу ёдгорлигига жуда аниқ стратиграфик шурф солади ва бу иш билан бутун Самарқанд Суғдининг тарихий тараққиёти ва айниқса милоднинг биринчи асрларига оид моддий-маданият қолдиқлари бўйича мукаммал ишларни ёзиб қолдирган.

1945 йилдан бошлаб Самарқанд археологик базаси тузилади ва бу базанинг раҳбари этиб А.И.Тереножкин тайинланади. А.И.Тереножкин жуда талантли археолог бўлиб, ўша йиллари жуда қийинчилик даври бўлишига қарамасдан Афросиёб ёдгорлигининг жарликлари, ёмғир сувлари ювиб кетган жойларини, эски қазишмалардан қолган кесмаларни қайта тозалаб, қисқа давр мобайнида Самарқанд шаҳрининг ривожланиш тарихи бўйича “колонка” яратди. А.И.Тереножкиннинг бу тузган даврлаштириши ҳозирги кунгача ўзининг катта аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб асосий мутахассислар Самарқанд шаҳрининг ёши масаласи, шаҳарларнинг ҳажми, шаҳарларнинг ўсиш динамикаси, мудофаа тизимини тараққиёти ва х.к. тўғрисидаги кўпроқ Афросиёб ёдгорлигини ўрганиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш бўйича ишларни амалга оширдилар. Айниқса, Ш.С.Тошхўжаев Афросиёбнинг ўрта аср қатламларидан топилган барча ўрта асрларга оид кулолчилик буюмларини санъатшунослик томонидан талқин қилди<sup>6</sup>. Археологлардан М.Н.Фёдоров эса, Афросиёбнинг шимолий томонидан топилган қорахонийлар даврига оид қалъа харобаларини Самарқанд шаҳрининг ривожланишидаги ўрни ва унинг тарихий аҳамиятини ўрганди<sup>7</sup>. Ўтган асрнинг 60-йилларидан Афросиёбда иш бошлаган Н.Б.Немцева олиб борган археологик тадқиқот ишлари асосан шаҳарнинг энг қадимги қатламларини, айниқса жанубий томонларини ўзлаштирилиши, қадимги

<sup>6</sup> Ташходжаев Ш.Р. Вопросы исторической классификации поливной керамики Афрасифба. –В сб.: Из истории великого города (к 2500-летию Самарканда). Ташкент, 1972.

<sup>7</sup> Федоров М.Н. К вопросу о последнем караханидском дворце на Афрасиабе. СА. М.: 1965. С. 239-242.

шаҳарни суғорилиши тарихи билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди<sup>8</sup>. М.И.Филанович Афросиёбнинг шимолий-ғарбий қисмларида изланишлар олиб бориб, шаҳарнинг арк қисмига кирувчи йирик ҳовуз билан мудофаа деворининг ўртасига солинган шурфдан топилган материалларни ўрганиш асосида қадиги шаҳарнинг ёши масаласида ҳақиқатга яқин хулосаларни олишга, яъни шаҳарнинг қадимги қатламларида милоддан илгариги VII-VI асрларга оид қатламлар бўлиши мумкинлигини айтишга муваффак бўлди<sup>9</sup>.

Афросиёбни ўрганилиши тарихи бўйича жуда катта ишларни ёзган В.А.Шишкун эса, Самарқанд хукмдорларининг қалъси мавзусида ҳам йирик мақола ёзишга муваффак бўлди<sup>10</sup>. Шу билан бирга В.А.Шишкуннинг қизи, Г.В.Шишкина ҳам Афросиёб ёдгорлигини ўрганиш бўйича шу кунга қадар ишлаган тадқиқотчиларнинг энг йириги ҳисобланади. Чунки, у ёзган мақола ва китобларнинг жуда катта қисми Самарқанд шаҳрини қадимги тарихи ва унинг моддий маданиятини ўрганилиши тарихига бағишлиланган<sup>11</sup>.

Самарқанд воҳасида ишлаган энг йирик тарихчи ва археологларни ишларига берилган қисқача тарифдан шу нарса кўринадики, олиб борилган илмий тадқиқот ишлари асосан қадимги шаҳар тарихини ўрганишга бағишлиланган бўлиб, Самарқанд воҳасини ўрганилиши масаласи иккинчи даражали машғулотга айланиб қолган эди. Шунинг учун Самарқанд воҳасини ўзлаштирилиши тарихи, унинг дехқон жамоалари томонидан босқичмабосқич эгаланиши шу куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг хронологик чегаралари.** Мавзу илк дехқон жамоалари билан боғлиқ масала бўлгандан кейин Самарқанд воҳасидаги дехқончиликнинг бошланган даври милоддан илгариги III минг йилликнинг бошлари ва II минг йилликнинг ўрталарига (Саразм маданияти) тўғри келади. Воҳанинг дехқон жамоалари томонидан ўзлаштирилиши масаласи асосан

<sup>8</sup> Немцева Н.Б. Стратиграфия южной окраины Афрасиаба. Сб. Афрасиаб. Вып. I. Ташкент.: 1969. С. 153-205.

<sup>9</sup> Филанович М.И. К характеристике древнейшего поселения на Афрасиабе. Сб. Афрасиаб. Вып. I, Ташкент.: 1969. С. 206-220.

<sup>10</sup> Шишкун В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей. Сб. Афрасиаб. Вып. I. Ташкент.: 1969. С. 122-152.

<sup>11</sup> Шишкина Г.В. Эллинистическая керамика Афрасиаба. СА. М.: 1975.

археологик ёдгорликларни ўрганилиши билан боғлиқ масала бўлганлиги учун ҳам археологик ёдгорлик сифатида сақланиб қолган тепалар XIII асрнинг бошлари билан белгиланади. Чунки, Марказий Осиёдаги барча археологик тепа шаклида сақланиб қолган тураржой маконлари муғуллар истилосидан кейин ташлаб кетилган. Демак, тадқиқотнинг хронологик чегаралари милоддан илгариги III минг йилликнинг бошлари ва II минг йилликнинг ўрталари билан белгиланса, тадқиқотнинг якуний қисми XIII асрнинг бошлари билан белгиланади.

**Ўрганилиш даражаси.** Юқорида айтилганидек, Самарқанд воҳаси бўйича яхлит, бутун водийни дехқон жамоалари томонидан ўзлаштирилиши тарихи билан таништирадиган асар ёзилган эмас. Аммо, воҳанинг қайси қисмида қандай археологик обидалар бўйича у ёки бу тарзда ўрганиш бўйича бир қатор илмий ишлар қилинган ва улар тўғрисида мақолалар ёзилган. Шулардан энг дастлабкиси А.Ю.Якубовскийнинг 30 йилларнинг бошларида уюштирган экспедицияси бўлиб, унинг иш фаолияти натижасида Бухоро воҳасидан Каттақўрғонгача бўлган археологик обидаларнинг энг иирикларини илмий таснифини берган. Булар асосан ёдгорликларнинг пайдо бўлган даври, уларнинг қисқача тарихи, ёзма манбаларда эслатилган ёки эслатилмаганлиги тўғрисидаги маълумотлардир<sup>12</sup>.

Самарқанд шаҳри ва унинг атрофлари бўйича В.Л.Вяткинни катта сай ҳаракати билан ёриқ дунёга келган катта иш бўлиб, бу Абу Тохирхўжанинг “Самария” китобининг таржима қилиб чоп этилишидир<sup>13</sup>. Айнан шу китоб Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларини тарихий топографиясини ўрганиш бўйича қилинган катта ишдир.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида бир гуруҳ олимлар Самарқанд вилояти ҳудудидаги тепаларни ўрганиш бўйича турли туманларга разведкаларга чиқишиб вилоятдаги археологик обидаларни ўрганиш бўйича иш қилдилар.

<sup>12</sup> Якубовский А.Ю. Из истории археологического изучения Самарканда//ТОВЭ, Л., 1940. –с.285-337.

<sup>13</sup> Вяткин В.Л. «Самария», описание древностей и мусульманских святынь Самарканда. СКСО. Вып. VI 1899 г. Самарканд.: 1899. С. 158-159.

Бундай олимлар қаторига Ю.Ф.Буряков, О.М.Ростовцев, F.Вафаев, И.Иваницкий, О.Н.Иневаткина ва Г.В.Шишкиналарни қўшиш мумкин.

1980 йилларда Ўзбекистон ҳудудидаги барча вилоятларни археологик ёдгорликларини мажмуасини тайёрлаш мақсадида археологик гуруҳлар тузилди. Бу археологик гуруҳларни Самарқанд вилоятини археологик ёдгорликларини мажмуасини тайёрлаш бўйича гуруҳга О.М.Ростовцев, F.Вафаев, И.Д.Иваницкий, Т.И.Лебедева каби олимлар киритилди. 1987 йилда бошлаб Самарқанд вилоятининг археологик ёдгорликларини мажмуасини тузиш бўйича ишчи гуруҳининг раҳбари этиб М.Ҳ.Исомиддинов тайинланади. Барча гуруҳ аъзолари ўртасида вилоятдаги барча туманлар бўлиб олинади. Ҳар қайси туманни мажмуасини ўрганиш бўйича тузилган бу гуруҳлар кўп вақт ўтмай Самарқанд вилоятидаги археологик обидаларнинг умумий характеристикаси бериб бўлингандилиги тўғрисида маълумот берилди. Яъни қисқа мuddат давомида бутун вилоят бўйича археологик обидаларнинг мажмуасини яратиб бўлингандилиги тўғрисида рапорт берилди.

Айниқса олинган натижаларни умумий харитага кўйиб, қачон ва қандай ҳолатда энг қадимги ёдгорликлар пайдо бўлди ва қайси даврдан бошлаб яна янги ёдгорликлар пайдо бўлганини ўрганиш имконияти туғилди.

Шундай қилиб, Самарқанд Суғди ҳудудини ўрганилиши тарихининг ҳосиласи ҳисобланган бу воҳанинг дехқон жамоалари томонидан ўзлаштирилиши тарихи бўйича яхлит иш ёзилмаганлиги билан диққатга сазовордир.

**Тадқиқотнинг манбавий асослари.** Тадқиқотнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб шуни айтишимиз керакки, бутун бир воҳанинг ўзлаштирилиши тарихи билан боғлиқ тадқиқот - археологик ёдгорликларга суюнмаса бўлмайди. Шунинг учун милоддан илгариги III-II минг йилликларга, яъни бронза даврининг илк босқичларига оид археологик

обидалар Самарқанд воҳасининг юқори қисмидан, Зарафшон дарёсининг чап қирғоғидан топилган<sup>14</sup>.

Самарқанд давлат университетининг профессори Н.А.Аванесова томонидан Зарафшон дарёсининг чап қирғоғида, Тўқайли ва Жуков аҳоли пунктлари оралиғида диний-мемориал комплекси, Жом қишлоғи территориясидан 6 жойдан бронза даврига оид моддий маданият излари топиб ўрганилди<sup>15</sup>.

Бронза даврига оид ёдгорликлар ичидаги андронова-тозабоғёб маданияти типидаги ёдгорликлар комплексига Гуджайли қабристони ва манзилгоҳлари, Даشتி Қози қабристони, Мўминобод қабристони, Чакка қабристони, Тўқайли манзилгоҳи, Сазағон II манзилгоҳи, Сайгус мозори, Сиёб мозори, Чорбоғ мозори, Даشتӣ Ўрдакон мозори каби бронза даврига оид бир қатор манзилгоҳлар ва мозорлар киради<sup>16</sup>.

Илк темир даврининг ёдгорликлари Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғидан, табиий Булунғур каналининг ўнг террасасидан топилган Кўктепа ёдгорлиги<sup>17</sup>, Зарафшон дарёсининг чап қирғоғидан, қадимги Дарғом каналининг Қорадарёга қўйилиш қисмидан топилган Лайлакуятепа ёдгорлиги<sup>18</sup>, Жом қишлоғи атрофларидан топилган бронза ва илк темир даврига оид ёдгорлик<sup>19</sup>.

Қадимги, антик давр, илк ўрта ва ривожланган ўрта асрларга оид археологик ёдгорликлар бутун воҳа бўйлаб бир текисда ва жуда кенг тарқалган. Бу ёдгорликлар тўғрисидаги умумий хулосалар М.Х.Исамиддиновнинг Истоки городской культуры... номли 2002 йилда

<sup>14</sup> Исаков А. Саразм – новый раннеземледельческий памятник Средней Азии. СА. 1989. №1.

<sup>15</sup> Аванесова Н.А., Джуракулова Д.М. Древнейшиеnomады Зеравшана. Культура Центральной Азии. Материалы международной конференции. Самарканд, ноябрь, 2007 г. Самарканд, 2008.

<sup>16</sup> Джуракулова Д.М. Зарафшон водийсининг то шва бронза даври маданияти. Тошкент, 2011. –Б.66-79.

<sup>17</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннегородского века и в период античности). Самарканд.: 2002 г. -256 с.

<sup>18</sup> Вафаев Г.А., Иваницкий И.Д. Лайлакуятепе – раннеантичное сельское поселение Самаркандского согда. Тезисы докладов конференции молодых ученых Республики. «Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда». Самарканд.: 1992. -с.40-42.

<sup>19</sup> Аванесова Н.А., Шайдуллаев Ш.Б., Яркулов А.О. К вопросу о культурной принадлежности джамских древностей эпохи палеометалла. Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. Самарканд-Бишкек, 2005.

чиқарилган монографиясида, шунингдек қисман А.Э.Бердимурадов ва М.Ҳ.Исамиддиновнинг Каталог археологических памятников Узбекистана номли 2015 йилда чиқарилган монографияларида берилган.

Шундай қилиб, тадқиқотнинг манбавий асослари дейилганда биз Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида жойлашган археологик ёдгорликлар ва айнан шу ёдгорликлар тўғрисида ёзилган илмий адабиётларни тушунишимиз керак.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Ушбу тадқиқотнинг мақсади ўрта Зарафшон воҳасининг ilk деҳқон жамоалари томонидан аста-секинлик билан ўзлаштирилиши тарихи ва унинг эгалланиши босқичларини ўрганишдан иборатdir. Бу қўйилган мақсадни амалга ошириш учун муаллиф қўйидаги аниқ вазифаларни қўяди:

- Ўрта Зарафшон воҳасининг табиий географик шароити ва унинг ilk деҳқон жамоаларининг пайдо бўлишига таъсири масаласини ўрганиш.
- Самарқанд воҳасининг юқори қисмида энг қадимги деҳқон жамоаларининг манзилгоҳларининг пайдо бўлишининг сабабларини ўрганиш.
- Қадимги деҳқон жамоалари билан чорвадорларнинг ўзаро алоқалари ва чорвадор аҳолининг ассимиляцияси масалаларини ўрганиш.
- Самарқанд воҳасидаги деҳқон жамоалари ўрнашган асосий сув манбалари, каналларга боғлиқ эканлиги.
- Ҳар қайси даврга тегишли аҳоли пунктлари ва уларнинг типларини ўзгариб бориши қонуниятларини ўрганиш.

**Диссертация тадқиқотининг обьекти** бўлиб, Самарқанд воҳасидаги археологик обидаларнинг шакли, катта-кичиклиги, уларнинг устидан терилган сопол парчаларининг қайси даврга тегишли эканлиги ва уни кимлар томонидан тайёрланганлиги, хуллас воҳадаги жамики археологик обьектлар киради.

**Назарий методологик асосларига** Президентимиз И.А.Каримов айтганларида тарихий тадқиқотлар даврида тарихийлик принципларида

туриш, тарихий жараёнларни холис, объектив тадқиқ қилиш, тарихий жараёнларни ўрганишда диалектик ёндашишдир,

**Илмий ишнинг апробацияси.** Ушбу илмий иш юзасидан “XXI аср – интеллектуал авлод асри” мавзусида 2015-йилда Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган худудий илмий-амалий конференциясида “Самарқанд Суғдининг уйжой қурилиши анъаналари”, 2016-йилда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган республика Тарих тилга кирганда номли илмий мақолалар тўпламида “Самарқанд воҳаси ва Фарғона водийси илк темир даврини даврлаштиришнинг айrim муаммолари” номли маъruzалар қилиниб, апробациядан ўtkазилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши.** Мазкур Диссертация кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **И БОБ. ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ТАРИХИЙ – ТОПОГРАФИК ТАСНИФИ**

### **I. 1. Зарафшон дарёси ва воҳасининг табиий-географик ҳолати.**

Самарқанд воҳаси Помир-Олой тоғ тизимининг гарбий чеккасига жойлашган бўлиб, Зарафшон тоғ ҳавзасининг ўртасида жойлашган. Самарқанд воҳаси шимолдан баландлиги 2169 м. иборат Нурота тоғлари билан, жануб томондан Зарафшон тоғ тизмалари билан ўралган. Воҳа шарқдан ғарбга томон пасайиб боради, агар у энг шарқий қисмида денгиз сатҳидан 750-800 метрдан иборат бўлса, гарбий қисмида эса, 350 метргача пасайиб кетади. Ваҳа энг гарбий қисмида 60-100 км гача кенгайиб кетади. Шимол томондан ҳам, жануб томондан ҳам тоғли массивлар яssi адирлар тоғолди худудларга қўшилиб кетади. Шимол томондан Нурота тоғлари бўйлаб чўзилиб кетган адирларни аста-секинлик билан ғарбга томон пастлаб бориши кузатилса, худди шундай ҳолатни жануб томондаги Зарафшон тоғларининг этакларидаги адирларни тоғлар бўйлаб шимолий шарқдан жанубий ғарбга томон, яъни Қашқадарё томонга чўзилиб кетганлигига кўриш мумкин.

Зарафшон водийсининг шимолий-гарбий қисмидан кенглик йўналишида тоғли массивлар Оқтов ва Қоратовлар чўзилиб ётадики, унинг энг баланд чўққисининг баландлиги 2003 метрни ташкил этади.

Зарафшон водийсининг асосий сув базаси Зарафшон тоғининг энг юқори чўққиси Зарафшон музлиги бўлиб 3154 м. баландликда жойлангандан тўйинадиган Зарафшон дарёсидир. Зарафшон дарёсининг энг юқори қисмида воҳанинг эни 4-5 км бўлиб, Киштутсойнинг Зарафшонга қуйиладиган жойидан Зарафшон ҳавзаси яна тораяди. Ундан қуи сари водий кенгая бориб, Ўзбекистон Республикасининг Бухоро воҳаси районларида унинг эни 60-70 км гача бориб етади<sup>20</sup>.

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд, 2002 йил, 675 бет

Зарафшон водийсининг Ўзбекистон қисмини узунлиги 480 км га яқин бўлиб, манашу масофада тарихий даврларда Самарарқанд, Бухоро ва Қоракўл воҳалари ташкил топган. Самарқанд воҳаси шимолда Ғубдинтоғ-Оқтоғ-Қоратоғ, жанубдан Қаратепа-Зирабулоқ-Зиёвуддин каби унча баланд бўлмаган тоғлар билан ўраб олинган. Мана шу районларда воҳанинг кенглиги 50 км гача боради. Водий Карманадан ўтгач, яна тораяди. Шу жойда Қизилтепа ва Офтобачи қирлари бир-бирларига яқинлашиб, кенглиги 8-10 км бўлган Ҳазар йўлагини ҳосил қиласди. Водий Ҳазар йўлагидан ўтгач, яна кенгаяди ва жанубий-ғарбга бурилиб, Бухоро воҳасини ҳосил қиласди.

Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбий қисми жанубий Ҳисор тоғлари билан туташиб кетади. Унинг ғарбга томон ястланган тизмалари Чақаликалон тоғидан Тахтақарача довонигача давом этади ва кейин эса 500-600 км ли адирлар билан тугайди. Адирлар Катақўргон шаҳридан жанубда баландлаша бориб, Зирабулоқ тоғларига туташади. Зирабулоқ ва унинг давоми Зиёвуддин тоғлари Зарафон тоғ тизмаларининг ғарбий давомидир. Бу тоғларнинг 1500-2000 метр оралигидаги баланд қисми ўрмон-дашт минтақаси ҳисобланниб, бу жойлар арча, ёнғоқ, бодом, писта, дўлана, итбурун каби ўсимликлар билан қопланган.

Зарафшон дарёсининг шимоли-шарқида Нурота тоғ тизмалари жойлашган. У Помир-Олой тоғ тизмасининг шимолий-ғарбий ирмоғи бўлиб, Нурота воҳасининг шимол ва ғарб томонидан ўраб туради. Жанубда эса, Қоратоғ (Куҳи Сиёҳ), Оқтоғ (Кўҳи Сафед) ҳамда Бахилтоғ ястаниб ётибди. Тоғ тизмасининг Ғубдин тоғ, Қароқчи тоғ, Қўйтош тоғлари билан қўшиб ҳисоблаганда жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга томон чўзилган масофа 500 км кам эмас.

Водийнинг энг пастки 400-500 м баландликкача бўлган ерлари чўл минтақаси ҳисобланади. Чўл минтақасидан кейин водийнинг адирлари бошланади. У 500 м дан 1200 м гача баландликда бўлган ерларни ўз ичига олади. Бу минтақа чорвачилик хўжалиги учун жуда қулай ҳисобланниб,

бронза давридан бошлаб хўжалик асоси чорвачиликка асосланган урuf жамоалари масканига айланган. Водийнинг 1200 м дан юқориси тоғ минтақаси ҳисобланади. Бу минтақа ўзлаштирувчи хўжалик соҳибларига хос ўз табиий имкониятларига кўра, қадимги тош даврининг мустеъ босқичидан эътиборан ўзлаштирилиб, аждодлар масканига айлантирилган.

Археологик топилмаларига кўра, бу минтақа яйловларида бронза давридан эътиборан чорва боқилган ва унинг тегишли жойларида қадимги металлурглар тоғ кон саноати билан ҳам шуғулланишган (Жилоу, Ёри, Кончач, Зиёвуддин конлари) унинг сувга яқин дарё ва сой, булоқлар ва уларнинг сув ресурслари асосида ҳосил бўлган ҳудудларда эса энеолит давридан бошлаб қадимги дехқончилик хўжаликлари ташкил топган. Милоддан илгариги II-I минг йиллик ва милодий I минг йиллик давомида эса микроаазис типидаги дехқончилик ўчоқларидан йирик сугорма дехқончилик марказлари ташкил топади<sup>21</sup>.

Бу минтақаларда қуруқ континентал иқлим хукмрон. Теккислиқ минтақаларда қишида -2 градусгача, тоғли районларда -4-8 градусгача совуқ бўлади. Ёзнинг иқлими иссиқ. Ойнинг ўртacha температураси июл ойида 25-30 градусгача иссиқ, абсолют максимум +46 градус. Ўртacha йиллик ёғиннинг миқдори 200-881 мм, шулардан 80% асосан қиш ва баҳор ойларида ёғади.

Воҳанинг иқлимий жиҳатдан қулай шароити, тоғли ландшафтларнинг мавжудлиги, суви кўп дарёларнинг борлиги, унумдор тупроқлар ва турли маъданларнинг мавжудлиги бу ҳудудни жуда эрта эгалланишига имкон яратди.

---

<sup>21</sup> Якубовский А.Ю. Из истории археологического изучения Самарканда//ТОВЭ, Л., 1940. –с.285-337.

## I. 2. Самарқанд ва унинг атрофлари қадимги манбаларда.

Суғд пойтахти ҳақидаги энг биринчи ёзма манбалар милоддан илгариги 329-327 йилларга оид Александр Македонский қўшинларининг Ўрта Осиёга бостириб келиши даврига оид манбаларда бу шаҳарнинг номи Мараканда (Maracanda) сифатида келтирилади. Мараканда ҳақидаги маълумотлар асосан иккита муаллиф – Арриан ва Курций Руф асарларида берилган. Бу муаллифларнинг бири, “Александр анабасиси” (“Александр юриши”) асарининг муаллифи Квинт Эпий Флавий Арриан эрамизнинг II асрида яшаган бўлсада, Александр юришлари давридаги манбалардан кенг фойдаланган, шу боис унинг маълумотларини етарлича ишончли деб айтиш мумкин. Аррианнинг асарида Мараканда беш марта тилга олинади ва бир марта Суғдиёна пойтахти – унинг “шоҳ шаҳри” ҳақида гапирилаётгани аниқ кўрсатилади; “Александр отлиқларни маҳаллий отлиқлар билан тўлдириб,... Маракандага – Суғдиёна пойтахтига юриш қилди”<sup>22</sup>.

Александр Суғднинг ички қисмларига ҳужуми пайтида жуда ҳам қаттиқ қаршиликка учраганлигини ҳам ёзма манбалар батафсил тасвирлайдилар<sup>23</sup>. Айнан юонон манбалари Суғд ҳудудига кўчирилган асли Милетлик бранхидлар тўғрисида ҳам маълумот беради. Улар милоддан илгариги V асрда Грецияни ташлаб кетишган бўлиб, улар ота боболаридан қолган одатларни билишларини ва шу билан бирга ҳам юонон тилида, ҳам сугд тилида гапиришлари ёзилган<sup>24</sup>. Бу манбанинг муҳимлиги шундан иборатки, унда бутун бошли Грециядан чиқсан халқ тўғрисида гап кетади. Бу шундан далолат берадики, суғдлар юонон маданияти билан анча илгарироқ таниша бошлашган. Бизнинг фикримизча, айнан юононлар ғарб маданиятини анча қадимги даврлардан бошлаб маҳаллий халққа ўргата бошлаганлар.

<sup>22</sup> Пьянков И.В. «История Персии» Ктесия и среднеазиатские сатрапии Ахеменидов в конце V в. до н.э. ВДИ. М.: 1965. №2. С.35-50., Пьянков И.В. Мараканды. ВДИ. М.: 1970. С. 32-48.

<sup>23</sup> Пьянков И.В. Мараканды. ВДИ. М.: 1970. С. 32-48.

<sup>24</sup> Курций, VII, 5, 30

Шунинг учун ҳам бу нарса сүғдларнинг моддий маданиятида ўз ифодасини топди. Сүғд ҳудудида эллинлар маданияти таъсири айниқса йирик, пойтахт шаҳарларда бўлиши керак эди. Бундай йирик шаҳар, айниқса пойтахт шаҳар бу Самарқанд бўлиши керак эди.

Манбаларда келтирилишича Александр Навтакани олгандан кейин Мараканда томон йўл олди. Албатта Навтакадан (Китоб райони) Маракандага (Самарқандга) йўл Тахта Қорача довони орқали бўлиши керак эди. Чунки ҳозирда ҳам энг яқин йўл айнан шу йўлдир. Аммо, Александр Самарқандга томон йўлни дашт йўли билан, яъни ҳозирги Жом қишлоғи орқали ҳаракат қилди. Чунки, Александр қўшини кўплаб арава ва отлик аскарлардан ташкил топган эди. Бундай қўшин тоғдан, довон орқали ўтган йўлдан юриши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам кейинги давр тарихий манбаларда Жом атрофидаги дашт ҳудудини “Дашти Искандар” деб айтилганлиги маълум.

Ёзма манбалар Александр Мараканда шаҳрини урушларсиз олганлиги, аҳоли таслим бўлганлиги тўғрисида маълумот беради<sup>25</sup>. Аммо, археологик маълумотлар айнан Александр келган даврда бу ерда жуда катта ёнғин бўлганлигини кўрсатади. Жумладан аҳамонийлар даврида қурилган коридор-галерея типидаги мудофаа деворининг ичидаги полнинг устида бўлган шолипохол ёниб кул бўлган. Яқин 4-5 см қалинликдаги кул қатлами бутун мудофаа иншооти бўйлаб ҳамма жойда сақланган.

Александр Маракандадан Сирдарё томон йўл олди. Шундай маълумот борки, унга кўра Александр Сүғд ҳудудларига кирганинг анча бўлганлигига қарамасдан биринчи мартаба маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршилигига учради. Бу қаршиликка учраган жой Самарқанддан кейинги тоғларга яқин ерларда эканлиги эслатилади<sup>26</sup>. Александрга қарши қаттиқ қаршилик

<sup>25</sup> Квинт Курций, VII, 6, 10.

<sup>26</sup> Ариан, III, 30, II; Квинт Курций, VII, 6, 2.

кўрсатган худудни Уструшона худудидаги тоғли худудлар бўлиши мумкинлигини айтишимиз керак.

Александр Сирдарё бўйларида саклар еригача етиб келди. Ёзма манбаларда Сирдарёни иккита халқни бир-биридан ажратиб турадиган чегара сифатида эслатилади. Жумладан Страбон ва Птолемейда қуидаги мазмундаги текст сақланиб қолган. “Танаис-Сирдарё саклар ерларини сұғдийлар еридан ажратиб туради”<sup>27</sup>.

Александр Сирдарё бўйларида сакларга ва сұғдарга қарши жанг олиб бораётган бир даврда Маракандани Спитамен бошчилигидаги қўзғолончилар ичидағи гарнizonи билан бирга қамал қилишганлиги тўғрисида хабар келади. Аммо Александрни Мараканда томон ёрдамга қайтаётганлигини эшитиб, Спитамен ва унинг отрядидаги қўзғолончилар шаҳарни ташлаб чиқиб, шимол томонга, басилея (пойтахтга) томон йўл олди дейишади. Антик давр манбалари билан шуғулланган олималардан бири Е.А.Мончадская бу пойтахт шаҳарни ҳозирги Бухоро шаҳрининг ўрнида бўлган бўлиши мумкинлигини ҳам айтган<sup>28</sup>. Илк темир даври бўйича йирик олимлардан бири А.С.Сагдуллаев эса, Қаршидан 10 км ғарбда, Ерқўрғон ёдгорлигини ўрнида ҳам илк темир даврига оид ёдгорлик бўлганлиги учун ҳам Александр қўшинларини қувлашидан қочган Спитамен яширган шаҳарни Ерқўрғон ўрнидаги шаҳарда бўлган бўлиши керак деб айтди. Аммо Мончадская Е.А. ва А.С.Сагдуллаевлар юқоридаги фикрларни ёзишган бир даврда ҳали ҳеч ким Самарқанд шаҳридан 35 км шимолда Кўктепа ёдгорлиги бор эканлигини ҳеч ким билмас эди. Кўктепа ўрнида илк темир даврига оид йирик шаҳар харобаси бўлганлиги тўғрисидаги маълумотни фақат 90 йилларнинг ўрталариға келибгина аниқланди. Бу шаҳар харобасида 1993-1994 йиллари М.Ҳ.Исомиддинов ва М.Ҳ.Ҳасановлар разведка мақсадидаги қазишмалар ўтказилганидан кейин бу ёдгорлик кўп қатламли ёдгорлик эканлиги, унинг

<sup>27</sup> Страбон, “География”, XI, 8, 8; Птолемей, “География”, VI, 12

<sup>28</sup> Мончадская Е.А. О «Царском городе» или «второй столице» Согдианы. ВДИ. М.: 1959. №2. С. 116-121.

куйи қатламлари илк темир давридан бошланган бўлса, юқори қатламлари Ўрта Осиё ҳудудларини Александр Македонский томонидан босиб олинган даврдан бироз кейинги даврларни қамрам олганликлари аниқланди<sup>29</sup>.

Юқорида эслатилганлардан ташқари Самарқанд Суғди ҳудудида фақат подшоларгина ов қилиши мумкин бўлган қўриқхона борлиги ва уни Базаир деган жойга (аҳоли пунктига) яқин эканлиги тўғрисида ҳам маълумотлар бор<sup>30</sup>. Аммо Базаир қўриқхонасини В.Томашек Ургут яқинидаги тоғли ҳудудда бўлган бўлиши кераклигини айтган<sup>31</sup>. Г.В.Григорьевнинг фикрига кўра бу қўриқхоналар алоҳида худоларга бағишлиланган муқаддас ўтлоқлар ҳисобланган ва бу қўриқхоналарда фақат мамлакат ҳукмдорлари ва уларнинг ёрдамчилари ҳисобланган сатрапларга ов қилиш хуқуки берилган. Чунки илк темир давридаги подшолар ҳам маҳаллий аҳоли томонидан Худо даражасига кўтарилиганлиги учун уларнинг жойлардаги ноиблари сифатида қўрилар эди. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли учун худо даражасига кўтарилиб унга сифинилар эди. Шу ов қилиш учун мўлжалланган қўриқхоналарда ҳам уларда ов қилишга ҳеч ким қўйилмас эди. Манбаларда Александр айнан шу Базаир қўриқхонасига келгандан кейин овни бошлашга буйруқ берганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Подшоларга тегишли бундай қўриқхоналарда оддий одамларни ов қилиши қатъян ман этилган.

Албатта бундай қўриқхоналарнинг Ургут яқинидаги тоғларда бўлиши ақлга сифмайдиган нарса, чунки қадимда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам бу жойларда қалин табиий ўрмонни ўсганлиги ақлга сифмайдиган нарса. Бундай ўрмонлар Зарафшон дарёсининг ҳавзасида, ҳозирги Жомбой, Булунғур туманлари ҳудудларида бўлган бўлиши керак эди.

Александринг милоддан илгариги 328 йилдаги Самарқанд воҳасида олиб борган қирғинбарот урушлари ва унда Спитамен бошчилигидаги

<sup>29</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннегородского века и в период античности). Самарканд.: 2002 г. -256 с.

<sup>30</sup> Ариан, VIII, 14

<sup>31</sup> Tomashek W. Dargomanes. RE. Bd IV, 1901.

маҳаллий аҳолининг қаршилиги, ҳамда бу урушда македонияликларга қарши қақшатқич зарба берганликлари тўғрисидаги маълумотлар жуда яхши берилган. Александр қўшинлари ҳам шу даражада қирғин ўтказдиларки, бутун бошли қишлоқларни, шаҳарларни ёқиб юбордилар. Натижада Суғд ҳудудида аҳолининг сони кескин камайганлиги сезилди. Шунинг учун Александр лашкарбоиси Гефестионни Суғдга юбориб 8 та (бошқа манбаларда 12 та) шаҳар қуриши кераклиги тўғрисида ҳам маълумотлар бор.

Юнонлар Самарқанд шаҳрида бўлганларида Самарқанд шаҳрининг аниқ топографияси тўғрисида ҳам батафсил маълумотларни беришади. Айниқса Самарқанд қалъасида лашкарбоши Клит билан Александр ўртасидаги тўқнашув масаласи ифода этилган маълумотларда Самарқанднинг шимол томонида ҳукмдорнинг йирик қалъаси бўлганлиги ва унинг орқаси эса жуда чукур жарлик эканлигини таърифлаган эпизод Самарқанд шаҳрини антик даври тарихчилари томонидан илк бор тилга олиниши ҳисобланади<sup>32</sup>. Айнан шу эпизод эслатилганда шаҳарнинг мудофаа деворлари жуда мустаҳкам бўлиб, жуда катта майдонни эгаллаб туриши таърифланган.

Самарқанд Суғди ва унинг энг йирик шаҳри Самарқандни Хитой манбалари Кан сифатида тилга оладилар<sup>33</sup>. Илк ўрта асрларга оид ёзма манбаларда ҳам Самарқанд Марказий Осиёдаги энг йирик шаҳар сифатида, уни ўз пайтидаги йирик давлатларнинг рўйхатида турганлиги эслатилади. Шунинг учун ҳам Самарқанд шаҳри ихшидларининг саройидан топилган ва Самарқанд ҳукмдорининг бутун дунё давлатларининг элчиларини қабул қилиш жараёнини акс эттирган расмда ҳам Самарқанд ихшиди худо даражасига кўтарилиган подшо сифатида тасвирланган. Подшо расмини бошқа тасвирларга қараганда катта чиққанлиги, бошқа расмларга қараганда анча юқорироқ ярусга чизилганлигидан ҳам кўринади.

<sup>32</sup> Арриан. III. 30

<sup>33</sup> Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. “Фарғона” нашриёти. 2013. -288 б.

Араб сайёхлари томонидан қолдирилган манбаларда Самарқанд ва унинг атрофлари жуда ҳам серсув мамлакат эканлиги, ҳатто баландроқ жойга чиқиб қаралса, дарахтнинг кўплигидан уйлар кўринмаслиги, “Самарқанд Суғднинг юраги” эканлиги, “одам роҳат фароғатда яшши мумкин бўлган жой” сифатида таърифланади<sup>34</sup>. Ат-Табарийнинг ёзишича, арабларнинг Ўрта Осиёдаги ноиби Сайд Самарқандга ҳужум қилаётib ўз қўшинини қаршилик қилаётган маҳаллий қўшинни қувлашдан тийилишга чақирган экан. Самарқандни араблар томонидан олиниши жараёнлари ёзма манбаларда жуда ажойиб ҳолатлар кўрсатилганлиги диққатга сазовор. Унда ҳали Самарқанд атрофлари олинмасдан турибоқ бу шаҳарни ниҳоятда йирик, иқтисодий жиҳатдан бақувват ва энг муҳими “араб халифалигини халифини боғини” сифатида талқин қилинган ва уни бузмасдан сақлаш кераклигини лашкарбошилар ўз қўшинларидан талаб қилишганлиги айтилади<sup>35</sup>.

Араб сайёхларининг Ўрта Осиё бўйлаб қилган саёҳатларида ҳам Самарқанд ва унинг атрофларини жуда яхши сугорилишини, ҳаттоки Самарқанд шаҳрини сугорадиган канални (Дарғом бўлиши керак?) “кемалар сузиши мумкин бўлган иншоот” сифатида таърифланади. Бу маълумотдан Самарқанд ва унинг атрофларини ўрта асрларда сув билан яхши таъминланганлиги тўғрисида ёзилганлигини билиб олсак, бошқа маълумотлардан Суғднинг худудий чегараларини билиб олиш мумкин. Жумладан Истахрий Суғд дейилганда Дабусиядан Самарқандгача бўлган худудларни тушунган<sup>36</sup>, Қашқадарё воҳасини ҳам Суғдга кирганлигини этнографик маълумотлардан ҳам билиб олиш мумкин<sup>37</sup>.

Бошқа ўрта аср муаллифлари, жумладан Якуби Суғдга Бухорони, Кешни, Насафни ва Самарқандни қўшса, шу муаллифнинг ўзи бир манбада Суғднинг пойтахти Самарқанд деб айтса, яна бошқасида Кешнинг олдинга

<sup>34</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. Т. II, ч.I. М.: 1963.

<sup>35</sup> Бартольд В.В. Работы по исторической географии. Соч. т. III. М.: Наука. 1965 -711.

<sup>36</sup> Бартольд В.В. Работы по исторической географии. Соч. т. III. М.: Наука. 1965 -711

<sup>37</sup> Кармышева Б.Х. Этнические и территориальные группы населения северо-восточной части Кашкадарьинской области Узбекистана. КСИЭ. Вып. XXXIII. М.: 1960. С. 47-59.

чиқиб олганлигини айтади<sup>38</sup>. Истахрий эса, Дабусия, Рабинжон, Кушания ва Иштихон “Суғднинг юраги” деб айтади. Махмуд Қашқарий эса, Суғд дейилганда Бухоро билан Самарқанд ўртасидаги ерлар тушунилишини, аммо В.В.Бартольднинг фикрига қараганда XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Суғд дейилганда фақат Зарафшон дарёсининг ўрта оқими тушунилиши айтилган.

XVI аср ва ундан кейинги манбаларида Суғд дейилганда Самарқандга яқин ерлар, айниқса унинг шимолий қисмлари тушунилган. Темурийлар даврида Оқдарё ва Қорадарё ўрталари “Ним Суғд”, ёки “Сугути Хурд” деб айтилган бўлса, Оқдарёнинг шимолий томонлари “Сугути Калон” деб айтилган<sup>39</sup>. Яъни Суғд қадимги даврларда Амударёдан Сирдарёгача бўлган ҳудудлар Суғдлар юрти дейилган бўлса ҳам, унинг аста-секинлик билан тобора кичрайиб бориш жараёнини кўрамиз. Илк ўрта асрларда Суғд гуллаб яшнаган ва уларнинг тарқалган ҳудудлари Зарафшон ва Қашқадарё ҳудудларидан ташқари Чоч, Исфиджоб, Фарғона ва Шарқий Туркистонгacha бўлган ерларни эгаллашган. Аммо кейинги ўрта асрларда Суғдлар эгаллаган ҳудудларни тобора кисқариб борганлигини кўриш мумкин.

Шу билан бирга Шайбонийлар даврида Қорадарё билан Оқдарё ўрталари Кабудан деб айтилганлигини, Оқдарёдан шимол томонлар эса, Офаринкент деб айтилиши таъкидланади<sup>40</sup>, худди шу ҳудудлар ўрта асрларда “Мионқол” деб айтилганлиги таъкидланади.

Шундай қилиб Марказий Осиёнинг энг марказий қисми ҳисобланган Самарқанд воҳасининг тарихи ва маданиятини ривожланиши жуда қадимги даврларга, қуйи тош даври маданиятларига бориб тақалади. Ҳамма гап бутун Самарқанд воҳасининг ўрта тош даври маданиятларидан бошлаб мезолит, неолит ва энеолит давригача бўлган тараққиёт узвий, тўхтовсиз, бирин-

<sup>38</sup> Бартольд В.В. Работы по исторической географии. Соч. т. III. М.: Наука. 1965 -711

<sup>39</sup> Бартольд В.В. Работы по исторической географии. Соч. т. III. М.: Наука. 1965 -711

<sup>40</sup> Климчицкий С.И. Название Согдианы в топонимике Таджикистана. Записки Института востоковедения АН. VI, М., Л.: 1937. С.9-14.

кетинлик ривожланишида ривожланганлигини алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Масалан, Омонқўтон ғори, Қўтирбулоқ маконида энг қадимги аждодларимиз яшаган бўлса, Зарафшон дарёсининг қуи этакларида, Дарёларисой этакларида, Оёқ–Оғитма чўқмасида (Қизилнур) айнан мусте даври одамларидан қолган топилмалар қолган.

Самарқанд воҳасига тегишли энг қадимги ёзма манбалар ҳам бу ердаги маданиятнинг қадимги даврдан буён ривожланган дехқончилик маданияти бўлганлигини қўрсатади.

Шундай қилиб, Зарафшон водийси қадимги тош даврининг мусте босқичидан эътиборан кенг ўзлаштирилган. Водийнинг мусте босқичидан эътиборан, асосан тог бағридан қайнаб чиқсан булоқ бўйларида, унгурларда, сувга яқин ғорларда, макон топганлар. Мусте даври меҳнат қуролларининг айrim нусхаларини Самарқанд шахри оралаб ўтган қадимги сой ёқаларида учраши ўша давр аждодларимизнинг ҳайвон ови билан боғлиқ фаолиятининг акс садоси бўлиши керак. Олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунга келиб, бу ўлкада аждодларимизнинг мусте даври ҳаётини, меҳнат фаолиятини характерловчи 10 ортиқ пунктлардан мусте даври одамларининг излари топиб ўрганилди.

## **П БОБ. ЭНГ ҚАДИМГИ ДЕҲҚОН ЖАМОАЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИДА МАҲАЛЛИЙ, ВА ЯҚИН АТРОФДАГИ МАДАНИЯТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ.**

### **П. 1. Самарқанд воҳасининг тош даври қабилалари томонидан эгалланиши ва унинг ривожланиши.**

Зарафшон водийсининг тоғли туманлари одамзоднинг илк аждодлари томонидан қадимги тош даврининг мусте босқичидан бошлаб ўзлаштирилган. Бу ҳақда дастлабки маълумотларни Самарқанд давлат университетининг археологи Д.Н.Лев асарларида ўқиш мумкин<sup>41</sup>. Д.Н.Лев Самарқанд шаҳридан 50 км лар чамаси жанубий-шарқда Тахтақарача довонининг яқинидан Омонқўтон горини топди. 1966 йилдан бошлаб эса, Гўрдара, 1951-1952 йилларда эса, Такалисой горларини топиб ўрганди. Бу ҳар иккала ғор қадимги тош даврининг мусте даврига тегишли эканлиги маълум бўлди.

1971 йили Н.Х.Тошкенбоев томонидан Зирабулоқ тоғ этакларидан мусте даврининг йирик объектлари – Зирабулоқ ва Кўтиrbулоқ ёдгорликлари топилди. Зирабулоқни қазиш вақтида (1971-1972 й) беш горизонтдан иборат маданий қатlam очилиб, 200 м. квадрат майдондан жуда бой мусте даври тош индустряси топиб ўрганилди<sup>42</sup>. Айниқса Кўтиrbулоқни ўрганиш пайтида қўйи тош даврининг мусте даври тош қуролларини топилиши катта муваффақиятлардан дарак берди.

Қадимги тош даврининг юқори палеолит босқичига келганда ибтидоий аждодларимиз нафақат Зарафшон водийсининг, тоғолди ва тоғли худудлари, балки воҳа доирасидаги адирсимон тепаликларни ёриб ўтган сой бўйларида, улар ҳосил қилган қўл ёқаларида мақон топганлар.

---

<sup>41</sup> Лев Д.Н. Древний палеолит в Аманкутане. Труды УзГУ. Вып 39. СЭ. М., 1949. №1., Лев Д.Н. Новые находки в пещере Аманкутан. Природа. М., 1958. №1.

<sup>42</sup> Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. Ташкент.: Фан, 1980. -с.5.

Юқори палеолит даврига тегишли тош қуроллар Чўпонота тепалигидан, Самарқанд шаҳрининг ҳар хил нуқталаридан, Оғалиқсой бўйларидан, Ургут туманинг Гўрдара ғоридан, Равотхўжа яқинидан, Сиёбча ва Сиёб сойи кўшилишидан, Афросиёбдан шимолда, Сиёбча жарлигидан чақмоқтошдан ишланган типик тош қирғичи топилган ва ниҳоят юқори палеолит даврига оид ноёб хўжа мазгил манзилгоҳи Булунғур тоғидан ёриб чиққан зилол чучук сув ҳосил қилган қадимги кўл ёқасидан топиб ўрганилган.

Таъкидлаб ўтганимиздек, юқори палеолит ёдгорликлари орасида Самарқанд манзилгоҳи алоҳида аҳамият касб этади. Н.Г.Харламов 1939 йил биринчи марта Чашмасиёб сойининг жарлиги ва шаҳар “Динамо” стадиони қурилиши майдонидан бир неча тош қуролларини териб олгач, бўлажак ёдгорлик майдонида 3 та шурф қазийди ва анчагина тош қуроллари ва ҳайвон суякларини териб олган. Аммо, у топилмалардан музей фондида атиги бир неча тош пароқаларигина бизгача етиб келган<sup>43</sup>. Кейинчалик ёдгорлиқда М.Жўрақулов ҳам қатнашиб, ёдгорлиқда тош қуроллар ва жуда бой маданий қатлам очишга муваффақ бўлишган. Бу ёдгорлик нафақат Ўзбекистонда, балким бутун Марказий Осиё ҳудудларида машҳур бўлиб қолди. Айниқса бу ёдгорлиқдан топилган ва мустъе даврига оид тош қуролларнинг, чопперларнинг мавжудлиги, уни маданий ривожланиш жиҳатидан Сибир-Хитой минтақалари билан яқиндан алоқада бўлганлигидан далолат беради. Яъни бу жой меҳнат қуроллари мажмуасида архаик элементлар ҳамда илк мезолит қуролларига хос баъзи белгиларни учраши билан белгиланади.

Режага кўра у тўғри тўртбурчак шаклга эга. Унинг майдонида гулхан, тошдан қурол ишлаш устахонаси, меҳнат қуроллари, охра излари, ҳайвон суяклари учрайди. Таъкидлаш жоизки, биз ўрганганд уй қолдиғи, дейди Д.Н.Лев, - чашма қайнаб нам қилган терраса асосида жойлашган. У яхши

---

<sup>43</sup> Лев Д.Н. Поселение древнекаменного века в самарканде (исследования 1958-1960 гг.). Труды СамГУ. Вып.135.. Самарканд.1964.

сақланган, диаметри 6-8 см ли устунчаларга ўрнатилган. Терраса устида устун излари учрамайди, бу ертўланинг бир қисми бўлиши мумкин. Ўрганилган ертўланинг майдони 60 кв. м.<sup>44</sup>. 1970 йилда ер сатҳидан 240 см чуқурлиқдан одамнинг болдир суюги топилди. Гарчи унинг яқинидан, қўзғатилган маданий қатламдан юқори палеолит даври тош қуроллари ва баъзи бир сопол парчалари учратилган бўлсада, топилма муаллифлари одам болдир суюгини сақланиш характерига кўра, уни *Homo sapiens* вакилига тегишли эканлигини тасдиқлайдилар. Шу жиҳатдан ҳам Самарқанд манзилгоҳининг Ўрта Осиё ҳудудларида юқори палеолит муаммоларини ўрганишда ўрни ва роли аҳамиятлидир.

Мезолит ва неолит даври манзилгоҳлари Самарқанд воҳасида Қоратепа массиви туманларида, Сазоғонсой террассаларида, Нурота тоғ тизмаларининг Қоратоғ ёнбагирларида, Учтут яқинида, Учтут яқинида, Зарафшон дарёсининг қуи ҳавзаларида, яъни Қизилқум чўлининг Амударё томон ёриб ўтган Моҳандарё ҳосил қилган Катта тузкон, Кичик тузкон, Қорангашур кўллари соҳилларида топиб ўрганилди.

Улар орасида археологик материалларнинг кўп даврга тегишлиги билан Сазағонсой террассаларида таркиб топган мезолит ва неолит даври ёдгорликлари алоҳида аҳамият касб этади.

Палеоботаника илмий изланишларига кўра, Қоратепа массиви туманлари, айниқса Сазағонсой водийси ўз вақтида қалин ўрмон билан қопланган бўлган, овчилик хўжалиги учун жуда қулай бўлган. Археологик материаллар Сазоғонсой райони мезолит давридан бошлаб аждодлар томонидан ўзлаштирила бошлаганлигидан далолат беради. Айнан шу худуд тарихимизнинг кейинги жуда кўп босқичларида ҳам маълум бир гуруҳ лалмикор-чорвадорлар макони бўлиб қелади<sup>45</sup>.

<sup>44</sup> Джуракулов М.Дж. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Отв. Ред. Г.П.Григорьев. Ташкент.: Фан, 1987. -171 с.

<sup>45</sup> Джуракулов М.Дж., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Ташкент.: Фан. 1991. -С.19.

Зарафшон дарёсининг қуи оқимларида ҳам неолит даври қабилаларининг бу худудларни кенг миқёсда ўзлаштирганликларини кўришимиз мумкин. Милоддан илгариги IV минг йилликнинг бошларида Амударёning қуи ҳавзаларини ўзлаштирган овчи қабилаларининг бир гурухи милоддан илгариги IV минг йилликнинг бошларидан Зарафшон дарёсининг қуи ҳавзаларига ҳам келиб ўрнашиди.

Ҳар икки ҳолатда ҳам қадимги аждодлар эътиборини Ўрта Осиёнинг азим дарёлари – Амударё ва Зарафшоннинг қуи ҳавзаларидан ҳосил бўлган ўлжага бой табиий чакалакзорлар ва балиққа сероб кўллар ўзига тортган эди. Шу боис, мезолит ва неолит даври ёдгорликларини Қизил қум ичра Орол денгизи томон таралган дарё ва сой бўйларида, улар йўналиши бўйлаб таркиб топган катта-кичик кўл ёқаларида, тақир ёки қум устида мавсумий манзилгоҳлар сифатида учратиш мумкин<sup>46</sup>.

Я.Ғ.Ғуломов бошчилик қилган Моҳандарё комплекс археологик экспедицияси бир неча йил давомида қуи Зарафшон дарёси ҳавзасида археологик изланишлар олиб бордилар. Бу ерда Я.Ғ.Ғуломовнинг шогирдлари Ў.Исломов (неолит), А.Аскаров (бронза) даврини ўрганишиб, биргина Катта тузкон атрофларида 35 та манзилгоҳ топиб ўрганилди. Неолит даври манзилгоҳлари Кичик тузкон, Эчки Қирон, Қорангি шўр атрофларидан, Пайкенд ва Қумсултон ва Каптарни қуми туманларида ҳам неолит даври жамоаларининг манзилгоҳлари топилди. Афсуски бу манзилгоҳлардаги тураг-жой маконларининг қолдиқлари яхши сақланмаган эди. Аммо Дарбозақир II Катта тузкон кўлининг шимоли-гарбидан топилган. Ёдгорликнинг топографик жойлашувига кўра, унинг шимолий ва шимоли-шарқий томондан баланд қиртепа ўраб олган. Унинг жануби-шарқий томонидан қирни кесиб ўтган сой ўтган. Шарқдан шимоли-гарбий томон кетган бу сойлик Одилқудук, Хўжақудук, Учбош, Газлига олиб борувчи чўл

<sup>46</sup> Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскаров А.А. Первобытная культура и возникновение орошающего земледелия в низовьях Зерафшана. Ташкент.: 1966. -296 с.

йўлига айланиб, бу жой теварак атроф маҳаллий аҳоли ўртасида “Дарвозақир” номи билан аталиб келинади.

Бу манзилгоҳда ибтидоий балиқчи ва овчилар яшаган манзилгоҳ (чайла) очиб ўрганилган. Бу чайла қолдиғи тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг ҳажми 81 кв м. ташкил этади. Чайла шакли унинг тақирга ўйилган ёғоч устун чуқурчаларини яхши сақланганлиги туфайли аниқ кўзга ташланиб турар эди. Бир-бирлари билан симметрик тартибда ўйилган чуқурчалар икки қатор бўлиб, улар бири иккинчиси ичига жойлаштирилган иккита тўғри тўртбурчакни ташкил этади. Чайланинг ичида ўчоқ излари топилмаган. Ўчоқ чайланинг ташқарисида, унинг шимоли-гарбий бурчагида бўлган.

Шундай қилиб, Дарвозақир манзилгоҳидан чайла қолдигининг топилиши, Зарафшон қуи ҳавзаларида неолит даврида истиқомат қилган ибтидоий аждодлар маданияти, ижтимоий-иктисодий ҳаёти ва уларнинг кундалик турмуш тарзини ўрганишда ноёб ҳодисадир.

## **II. 2. Зарафшон дарёсининг юқори оқимларини энеолит даври дехқон жамоалари томонидан эгалланиши.**

Зарафшон водийси Марказий Осиёнинг “юраги” ҳисобланиб, бу ерда энг қадимги даврлардан бошлаб дехқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун қулай табиий географик шароитга эга бўлган. Айниқса бу ердан азим Зарафшон дарёсини оқиб ўтганлиги, бутун Самарқанд, Навоий ва Бухоро воҳаларига ҳаёт бағишлиб, қадимда Амударё бўйларигача бўлган ерларни ҳаёт билан таъминлаган<sup>47</sup>. Аммо бу азим дарё инсоният тарихида темир пайдо бўлиб, ундан унумли фойдаланиш натижасида йирик дарёларни бўғишига, ундан чиққан сувни маълум бир масофадаги аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун сарфлаш имконияти туғилди. Инсоният тарихида юз берган худди шу жараённи текшириб кўришда Тожикистон билан Ўзбекистон Республикаларининг чегара қисмида жойлашган Саразм қишлоғининг остида ва унинг жануби-шарқий томонларидаги яқин 100 га дан ортиқ майдонни эгаллаган ёдгорлик юқорида айтилган қонуниятни тушунишда катта ёрдам беради.

Бу ёдгорлик шундоқ Зарафшон дарёсининг чап қирғогида жойлашган бўлишига қарамай, унинг сувини энг қадимги дехқончиликни пайдо бўлиши учун, ёки дехқончиликни ривожлантириш учун ишлата олишмаган. Яъни энеолит даври дехқон жамоалари Зарафшон дарёсининг сувини жиловлаб ерларга тақсимлаш имконини ҳали энеолит даврида, ҳатто бронза даврида ҳам бажара олмас эдилар<sup>48</sup>. Шунинг учун Саразм туарар-жой макони дехқон жамоаларининг жойлашган ерига эътибор берилса, фақат жануб томондаги Зарафшон тоғларидан оқиб тушадиган Отчопарсой, Чумалисой ва

---

<sup>47</sup> Мухамеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времен до начала ХХ в.). Отв. Ред. Я.Г.Гулямов. Ташкент.: Фан. 1978.-290 с.

<sup>48</sup> Исаков А. Саразм (к вопросу становления раннеземледельческой культуры Зерафшанской долины (раскопки 1977-1983 гг). Душанбе.: Дониш, 1991. – 156 с. с илл.

Шўрновасой этакларини эгаллаб, уларнинг сувларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлар.

Саразмликлар Отчопарсойнинг этак қисмида, “Ойимкўл” яқинидаги макон, кичик сойнинг сувини охирига ўрнашган эдилар. Унинг теварак атрофларида ҳам дехқончилик қилиш учун яхши унумдор ерлар қўп бўлган ва дехқончилик маданиятининг илк бошланғич даврларида айнан ана шундай жойларда бободехқонларнинг қишлоқлари қад кўтарган.

Ҳаммада ҳам савол туғилиши табиий бу ердаги “Саразм маданияти” қаердан ва қачон пайдо бўлди? Бу маданият келгинди маданиятми, ёки шу ернинг ўзида пайдо бўлган маданиятми?

Бу маданиятнинг маҳаллий илдизларини қидиришнинг фойдаси йўқ дейишади, маҳаллий мезолит ва неолит даври маданиятларини ўрганган олимлар. Чунки, Зарафшон дарёси ҳавзасида Саразмдан олдинги маданиятлар неолит даврининг калтамиор ва сазафон маданиятлари овчи қабилаларига тегишли бўлиб, улар негизидан Саразм дехқонларининг аждодларини қидиришга асос йўқ. Чунки саразм маданиятларининг илдизлари юқорида таъкидлаганимиздай, бевосита хозирги Туркманистоннинг жанубий қисмлари ва Эроннинг шимолий қисмларидағи Кўксур (Геоксур) воҳасининг қадимги дехқончилик маданияти қабилаларига бориб тақалади. Шу билан бирга саразм маданиятининг келиб чиқишида маҳаллий хисор, сазафон маданиятларининг таъсири ҳам бўлганларни ва бу жараённи ўрганишда стратиграфик қазишмалардан олинган кулолчилик маҳсулотларининг ўрнининг аҳамияти катта эканлигини М.Х.Исомиддинов ишларида кузатиш мумкин. Шунинг учун у “Зарафшон дарёсининг юқори оқимида пайдо бўлган илк дехқончилик маданияти, маҳаллий неолит даври жамоаларининг ривожланиши ва бу жараёнда албатта геоксур маданияти жамоаларининг қатнашиши асосида вужудга келди”, деган<sup>49</sup>.

---

<sup>49</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самарканского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннекорабельного века и в период античности). Самарканд.: 2002 г. -с.178.

Саразмда археологик тадқиқот ишлари билан бевосита шуғулланган А.Исаковнинг хабар беришига қараганда, бу жойда ҳаёт узлуксиз 1,5 минг ийл (энеолит ва бронза даврларида) давом этган<sup>50</sup>. Ёдгорликнинг умумий майдони 100 гектарга яқин. У катта-кичик ва ҳар хил баландликдаги 10 та тепаликлардан иборат. Ёдгорликнинг анча қисми ўтган асрларда аҳолининг ҳовли-жой қурилиши ва унинг устидан ўтказилган суғориш иншоотлари туфайли бузилиб кетган. Тепаларнинг қолган учдан бир қисмигина сақланиб қолган. Олиб борилган қазиши мақаласида бу ердаги турар жой манзилгоҳининг тўртта маданий қатламдан иборат эканлиги аниқланди.

Саразм I даврида бу жойда янги этник гурӯҳ қишлоғи пайдо бўлди ва қурилган уй-жой комплексларининг (қазишима II) шимол, шимоли-гарбий ва гарбий томондан ярим айлана мудофаа девори билан ўраб олинади. Қадимги Саразмнинг марказий қисмida (қазишима IV) Саразм I даврига тегишли уруғ жамоасининг хилхонаси пайдо бўлади. Қадимги Саразмда ўрганилган бу хилхона жанубий Сибирнинг Афанасьева маданияти хилхоналари сингари доира шаклидаги тош ғов (диаметри 15 м) билан ўраб олинган, унинг ичига 5 та қабр жойлаштирилган. Тош ғовнинг марказий қисмидаги қабрга уч киши (эркак, аёл ва ўспирин) кўмилган. Аёлга тегишли қабр ашёвий далилларга қараганда, у ўз жамоасида катта ижтимоий нуфузга эга бўлган. У ўша давр урф одатларига кўра, байрамона кийим-бошлари билан кўмилган.

Унинг кийимларига феруза, ляпис-лазур, сердолик, яшма каби қимматбаҳо тошлардан ясалган мўнчоқлар қадалган. Бош кийими ҳам бой тақинчоқлар билан безатилган. Майдалаб ўрилган соч толаларига 49 та олтин мунчоқлардан иборат мунчоқ шодалари осиб қўйилган. Қўлларига денгиз чиғаноғидан ишланган билак узуклар тақилган. Аёл жасади ёнидан дастали жез ойна, суюқдан ишланган бигиз, 5 та урчуқтош ва иккита терракота аёл

---

<sup>50</sup> Исаков А. Саразм (к вопросу становления раннеземледельческой культуры Зерафшанской долины (раскопки 1977-1983 гг). Душанбе.: Дониш, 1991. –с.5.

мабудаси топилган. Хилхонананинг бошқа қабрларида марҳум ва марҳумаларга аталган ашёвий далиллар учратилмаган<sup>51</sup>.

Саразм I даври уй-жой комплекслари ва хилхонани қазиш вақтида сиртига монохром рангли нақш солинган сопол парчалари ҳамда нақшсиз, сиртига тиник қора сир берилган кулранг сопол парчалари топилган. Стратиграфик шурфнинг Саразм I даврига тегишли қатламидан мис ханжар, I қазишмада очилган хоналардан Номозгоҳ II даврига тегишли полихром рангли мураккаб нақш (ковровый орнамент) солинган сопол парчалари ҳам учратилган. Саразм I материалларининг комплекси тадқиқот муаллифининг фикрига кўра, Жанубий Туркманистоннинг Номозгоҳ II даври қадимги дехқончилик маданиятини эслатади.

Саразм II – Саразм маданиятининг шаклланиш даври. Бу даврда қишлоқ худуди анчагина кенгаяди, алоҳида қурилган кўп хонали ҳовлилар, улар таркибида доира шаклидаги алтарли хонаки ибодатхоналар пайдо бўлади. Кенг ва тор кўча ва ҳовлилари билан йирик уй-жой массивларининг шаклланиши юз берди (2-4 қазишмалар). Марказида думалоқ меҳроблари билан алоҳида қад кўтарган қизил рангли монументал ибодатхоналар пайдо бўлади. Туар-жой хоналари тегишли ички уй жиҳози билан катталашади, яъни тўқимачилик дастгоҳларини жойлаштиришга мослаштирилади.

Меморий комплекслар бурчакларини Номозгоҳ IV (илк бронза) даври учун характерли тўрт қиррали устунлар (пилястрлар) билан безаш бошланади. Сопол идишлар сиртини турли-туман рангли бир хил рангда (монохром) безаш ва тиник сирли кулранг идишлар ясаш сопол буюмлар ишлаб чиқариш хунармандчилигига етакчи ўринга кўтарилади. Бу давр сопол идишлари орасида баъзида Калтаминор маданиятига тегишли сопол

---

<sup>51</sup> Исаков А. Саразм (к вопросу становления раннеземледельческой культуры Зерафшанской долины (раскопки 1977-1983 гг). Душанбе.: Дониш, 1991. –с.5.

парчалари учрайди. Демак, бу эса, Саразм маданиятининг шаклланишида маҳаллий аҳолининг иштироки борлигидан далолат беради<sup>52</sup>.

Саразмликларнинг ташқи алоқалари кенгаяди (Белуджистон, Кветта, Сеистан-Шаҳри Сохта). Металлургия хунармандчилиги изга тушади: мадан конларини қидириш, кондан руда қазиб олиш, уларни Саразмга келтириш, руда эритиш, ундан турли хил меҳнат ва ҳарбий қуроллар ясаш кескин ошган. Ҳар хил тоғ жинсларидан меҳнат ва жанговар ҳарбий қуроллар ясаш (қадоқтош, тумортотош, лангарча, келитош, эшик ўқи ости тоши, тош коса, тош стаканчик, қабила сардори чуқморининг тоши (булава), урчуқтош ва бошқалар) юксак даражада ривожланган.

Саразм III даврида ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаёт ўзининг юксак чўққисига кўтарилади. Манзилгоҳнинг барча территорияси уй-жой қурилиши ва хунармандчилик маҳаллалари билан қопланган. Туарар-жой массивлари ва хунармандчилик маҳаллалари орасида ижтимоий ва диний характердаги монументал бинолар пайдо бўлган (3-4 қазишималар). Кўпхонали туарар-жойларнинг ҳовлилари тобора катталашиб борган ва улар ҳудудий доирасида кулолчилик хумдонлари ва металлни қайта ишлаш устахоналари (2-4 қазишималар) пайдо бўлган. Ҳунармандчилик соҳасида ихтисослашув юз беради. Кулолчилик соҳасида ичи ва сиртига қорамтир қизғиши сир билан пардозланган қора ва қулранг сополлар кескин камаяди, уларнинг ўрнини тиниқ, қизғиши ва қизил сир берилган сополлар эгаллайди. Бу хилдаги сополлар илк Номозгоҳ VI даври сополига характерли бўлиб, бу хилдаги сополларни пардозлаш Саразм маданияти бадиий кулолчилик мактабининг услубий ананасига айланади. Бундай услубда сопол ишлаб чиқариш Сополлитепа кулолчилиги учун ҳам характерли эди.

Саразмда ўрганилган ҳовли-жойлар таҳлилига келсак, III қазиша майдонида уч қурилиш босқичларидан иборат уй-жой комплекслари очилган.

---

<sup>52</sup> Исаков А. Саразм (к вопросу становления раннеземледельческой культуры Зерафшанской долины (раскопки 1977-1983 гг). Душанбе.: Дониш, 1991. –с.121.

Биринчи уй-жой мажмуаси материк устида қад кўтарган, ундан фақат айрим хоналарнинг баъзи бир деворлари сақланган. Иккинчи қурилиш босқичи ҳовли жойлари 225 кв м майдонни эгаллаган 70 см баландликдаги платформа устига қурилган. Учинчи қурилиш босқичи уй-жойлари қалин маданий қатламлар устида пайдо бўлган. Улар иккинчи қурилиш босқичи уйларидан гарбга томон жойлашган бўлиб, булар бир ярусли икки камерали хумдон ва бир неча хоналардан иборат.

Ўрганилаётган обьект ичида иккинчи қурилиш босқичи уй-жой қолдиқлари алоҳида аҳамият касб этади. Ана шундай уй-жой комплексларидан бири маҳобатли платформа устига аниқ режа асосида қурилган 12 та хоналарни ўз ичига олган яхлит квадрат шаклидаги монументал бино бўлиб, улардан тўрттаси квадратнинг узунаси бўйича коридор шаклида қад кўтарган, бинонинг марказий қисмини қолган 8 та хоналар эгаллаган. Улар бир-бирларига параллел қилиб қурилган тўрттадан хоналарни ташкил этади. Қурилиш режасида геометрик симметрияга қатъий амал қилинган, яъни уларнинг тўрттаси квадрат ( $3 \times 3$ ), қолган тўрттаси эса, тўғри тўртбурчак ( $3 \times 3,75$  м) шаклида. Улардан баъзиларида (3-4 хоналар) девор ичига ўчоқлар жойлаштирилган, биттасининг марказида айлана шаклида алтар (мехроб) топилган. Бу бино оташпастларнинг ибодатхонаси бўлганлигига шубҳа йўқ. Саразм ёдгорлиги бронза даври маданий турмушининг турли, жумладан, ҳунармандчилик, бинокорлик, дәхқончилик каби соҳалар тараққиётини ифодаловчи бой археологик комплекс манбалар берди.

Милоддан илгариги II минг йилликнинг бошларига келганда, балким ундан сал илгарироқ саразм маданиятининг номаълум сабабларга кўра ҳалокатга учраганини қўрамиз. Орадан жуда кам вақт ўтгандан кейин Зарафшон дарёсининг юқори қисмида, яъни қадимги саразм маданиятининг ўрнида Бақтрия худудида пайдо бўлган ва ривожланган сополли маданиятининг акс садоси пайдо бўлганлигини кўриш мумкин. Бронза

даврига келиб металга бўлган эҳтиёж, уни хўжаликнинг турли соҳаларига ишлатиш имкониятининг кўплиги, ҳаётда металлнинг ўрнини жуда катта эканлигини кўрсатди. Археологик манбалардан маълумки, металл конлари ва уларни ишлаб-чиқариш билан боғлиқ ҳунармандчилик дастлаб Кичик Осиё, Яқин Шарқ ва Эрон худудларида пайдо бўлди ва ўша жойларда ривожланди. Кейинги йилларда ЎзФА Археология институтида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида илк металлургия Ўрта Осиё худудларида бошланган пайтда бронза қуиши билан боғлиқ конлар қўпроқ Эрон худудида бўлганлиги аниқланди. Бронза буюмларини анализи билан шуғулланган олим В.Рузановнинг фикрига кўра, биздан топилган жуда кўплаб бронзадан ясалган археологик буюмларнинг таркиби Эрондаги конларни металл таркибига яқин бўлган<sup>53</sup>. Бу дегани Ўрта Осиё худудларидаги бронза қуиши ва ундан турли қурол аслача ва буюмларни ясаш ҳунармандчилиги бутунлай бўлмаган деган фикрни бермоқчи эмасмиз. Ҳамма гап шундаки, бронзадан турли қуроллар ясаш ҳунармандчилиги бошланган даврда айнан ҳозирги Туркия ва Эрон худудларидаги конлар ўз даври учун жуда катта иш берган бўлиши керак. Шу билан бирга Ўрта Осиё худудларидаги конлардан ҳам фойдаланиш бошлангандан кейин бу ердаги маҳаллий конлар ҳам кенг миқёсда ўзлаштирилган.

Саразм ёдгорлиги ва шу ном билан боғлиқ маданият пайдо бўлганига 30-35 йилдан ошгани йўқ. Аммо шу нарса аниқ бўлмоқдаки, Саразм металлургия маркази хомашёларининг довруғи жанубий ва шимолий минтақалар жамоаларигача бориб етди.

Бу масалани ўрганишда Саразм ёдгорлигидан 13 км шарқда, Панжикент шаҳри яқинидан топилган Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичига тегишли мозорни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бу ёлғиз қабр 1986 йилда Зардча Халифа деб аталган жойдан чиқинди сувлар қувурини ўрнатиш пайтида топилган. Тадқиқотчи

---

<sup>53</sup> Рузанов В.Д. Металлообработка на юге Средней Азии в эпоху бронзы. Самарканд-2013. -348 с.

С.Бобомуллаевнинг ёзишича, чиқинди сув қувурини ётқизишда гигант экскватор чўмичи, қабрда ётган скелетга тегиб, унинг устки қисмини бузиб кетган. Скелет ер сатҳидан 3,5 м чуқурликда, шағал қатлами устида ётган оддий ёрма гўр бўлган<sup>54</sup>. Мозор сополли маданиятига қарашли қабрлар тузилишидан фарқ қилмайди, яъни у айвонли лаҳад шаклида бўлган. Лаҳад ғарбдан шарққа томон овал шаклида қазилган, унинг узунлиги 3,10 м. Скелетнинг оёқ-қўллари букланган, ўнг ёни билан лаҳадга қўйилган. Скелетнинг боши шимоли-ғарбий томонга қаратилган. Унинг яқинида бурама шохли архар скелети чап ёни билан қўйилган<sup>55</sup>.

Мозорга қўйилган буюмларнинг жойлашиши эътиборга лойик. Одам бош чаногининг қулоқ бўшлиғидан иккита олтин исирға топилган. Қолган буюмлар асосан қабрнинг жануби-шарқий қисмида тўп-тўп ҳолда учратилган. Умуман, қабрдан ҳаммаси бўлиб 30 та буюм топилган. Бу комплекс тўлиқ сополли маданиятининг жарқўтон босқичига тегишли археологик материалларданdir.

Топилмалар бронзадан ишланган тарнов чумакли коса, бўртма корпусли цилиндр идиш, юпқа бронза листдан ишланган тутма ва илгаклар, бронзадан ишланган иккита сувлиқ, ёлдор от бошлиқ тўғнағич, пичноқ ва ханжар, олтиндан ишланган сирға, олтин бисер-мунчоқлар, олтин занжир, суяқдан ишланган найча, 4 та суяқ тўқа (псалия), қумтошдан ишланган ҳованча сопи, феруза тошидан ясалган бисер-мунчоқлардан иборат. Зардча Халифа қабридан топилган 3 та сопол идишлар бўғзи тор шарсимон қўзалар бўлиб, улар Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичи учун характерлидир.

Зардча Халифа коллекциясида бўғзи тор шарсимон шаклдаги олтиндан ишланган митти хурмача бор. У қабрдан 10 метрлар чамаси шарқда, экскватор ковлаган тупроқ уюмидан топилган. Тадқиқотчи

<sup>54</sup> Бобомуллоев С. Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зерафшане. Stratum. Спб.: 1999. №2. С.307-313.

<sup>55</sup> Бобомуллоев С. Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зерафшане. Stratum. Спб.: 1999. №2. С.307-313.

С.Бобомуллоевнинг ёзишича, Зардча Халифада ёлғиз битта мозор бўлмаган. Чунки, чиқинди сув қувурларини ётқизиш муносабати билан траншеялар қазиш даврида бошқа бир мозор ҳам бузиб ташланган бўлиши мумкин. Олтин хурмача эса ўша мозорга тегишли.

Бироқ биз бу ёдгорликни ўтрок дехқон жамоаларидан қолган мозорлар деб ўйламаймиз. Яқин атрофда у даврга оид қадимги бободехқонларнинг моддий маданият излари учрамаганлиги бу археологик изланишларини етарли даражада ўтказилмаганлигидан дарак беради деб ўйлаймиз. Бизнингча, митти олтин хурмача айнан Зарча Халифа мозорига тегишли. Агар траншея қазиш вақтида экскватор чўмичининг скелет юзасини қўзғаб кетганлигини ҳисобга олинса, у ҳолда олтин хурмача ушбу мозорга тегишли эканлигига шубҳа қолмайди. Чунки гигант-экскватор ўз чўмичидаги тупроқни bemalol 10 метр масофага ташлаши мумкин бўлган.

Айнан шу типдаги бошқа бир қабрни жом археологик комплексидан топилиши фикримизни янада тасдиқлайди. Сополли маданиятининг тўлиқ ашёлари билан кўмилган бошқа маданият қолдиқлари, айниқса чорвадорларга оид мозорлар хақиқатдан ҳам бошқа ердан топилмаган<sup>56</sup>.

---

<sup>56</sup> Аванесова Н.А., Шайдуллаев Ш.Б., Яркулов А.О. К вопросу о культурной принадлежности джамских древностей эпохи палеометалла. Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. Самарканд-Бишкек, 2005.

## **Ш БОБ. ЗАРАФШОН ВОДИЙСИННИГ ИЛК ТЕМИР, АНТИК ВА ҮРТА АСР ДЕХҚОН ЖАМОАЛАРИ ТОМОНИДАН ЭГАЛЛАНИШИ БОСҚИЧЛАРИ**

### **III. 1. Илк темир даври дехқон жамоаларининг Зарафшон водийсини ўзлаштирилишидаги тутган ўрни**

Илк темир давригача бўлган даврдаги тарихий ва маданий жараёнлар иккинчи бобда қисқа баён қилинди. Унга кўра Зарафшон дарёсининг юқори этакларида Қадимги Шарқ ҳудудларидаги ilk дехқончилик маданиятлари таъсирида шаклланган саразм маданиятининг пайдо бўлиши ва унинг тараққий этган босқичларини кўриб ўтдик. Бу жараёнлардан фарқли ўлароқ Қўйи Зарафшон воҳасида маҳаллий калтамиор қабилаларининг ва жанубдаги дехқончилик маданиятларининг таъсири остида пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам маҳаллий ананалар қўпроқ овчилик, балиқчилик ва чорвачиликка асосланган бўлганлиги учун ҳам бу маданиятларнинг ривожланганлигининг даражаси мутлақо оддий эди. Бу маданиятда ривожланган монументал архитектура асосида иморатлар қуриш одат тусига кирмаган, айниқса ривожланган кулолчилик, металлургиянинг тараққиёти юқори чўққиларга чиқмаган эди.

Зарафшон водийсида энг қадимги даврларда пайдо бўлган ва юқорида келтирилган саразм ва замонбобо маданиятлари ўрнини қайси маданиятлар эгаллаганлиги устида қўпчилик олимлар турли фикрда эдилар. Аммо бир қатор олимлар замонбобо маданиятининг ўрнига Хоразм воҳасида шаклланган ва тараққий этган тозабоғёб маданиятининг<sup>57</sup> (Толстов С.П. 1957, с.41) Бухоро воҳасигача кириб келганлиги, шу билан бирга бу воҳа андронова маданияти чорвадорлари томонидан ҳам эгалланганлиги тўғрисида ҳам билдирилган фикрлар бор. Нима бўлганда ҳам кейинги даврларга оид илк темир даври маданиятлари пайдо бўлгунга қадар ўртада

камида 500 йиллик, бўлмасам яқин 1000 йиллик бўш, яъни Самарқанд воҳасининг археологик обидалари туширилган харитада “оқ доғ” бор эди. Айнан шу “оқ доғ” илк темир даври ёдгорликларини бронза даври ёдгорликлари билан боғлайдиган қисми етишмас эди.

Ўтган асрнинг 93-йилининг бошларида Самарқанд шаҳрининг қадимий харобаси Афросиёб ёдгорлигининг аркининг мудофаа девори ўрганилаётган бир пайитда қадимги шаҳарнинг мудофаа деворларининг остидан гувалаксимон ғиштлардан ясалган яна бошқа бир қадимгироқ мудофаа деворининг қолдигини борлиги аниқланди<sup>58</sup>. Бу мудофаа девори илгари маълум бўлган мудофаа деворларидан фарқли ўлароқ монолит тарзида курилган, қалинлиги 7 метрдан қалинроқ, гувалаксимон шаклдаги ғиштлардан тикланган эди. Бундай ғиштли мудофаа деворлари Самарқанд шаҳри атрофида учратилмаганлиги туфайли ва шу билан бирга бу девор Афросиёбнинг аҳамонийлар деворининг остидан топилганлиги сабабли бундай ғиштлардан ясалган мудофаа деворлари жуда қадимги даврларга оидлиги маълум бўлди. Шундан кейин М.Исомиддинов археологларни Афросиёбдан 35 км шимолда жойлашган Кўктепа ёдгорлигига олиб бориб шу ёдгорликнинг кесмаларида ҳам гувалаксимон ғиштлар борлиги, уларнинг шакли Самарқанднинг остидан чиққан ғиштлар билан бир хилда эканлигини айтди. 1993 йили ёк Кўктепа ёдгорлигига француз археологлари билан бирга ўзбек археологлари ҳам таклиф этилиб, уларнинг нуқтаи-назарлари ўрганилди.

Аммо Кўктепага археологларни олиб борилишига қарамасдан уларнинг биронтаси ҳам илгари бундай ғиштларни кўрмаганликлари сабабли уларни қайси даврга тегишли эканлиги тўғрисида бирон-бир нарса дейиша олмади. Шундан кейин археологлардан М.Исомиддинов ва М.Ҳасановлар Кўктепа ёдгорлигининг жарлик бўлиб қолган жойлари, булдозер билан кесилган

<sup>58</sup> Исомиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самарканского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннегородского века и в период античности). Самарканд.: 2002 г. -с.34.

ерларида тозалаш ишларини ўтказишиб, ёдгорликнинг стратиграфиясига оид маълумотларни икки йил давомида тўплайдилар. Натижа яхши бўлиб чиқди. Афросиёбнинг мудофаа деворининг пастки қисмидан топилган мудофаа девори Кўктепанинг устки қатламларидан топилган археологик материаллар – гувалаксимон гишт, монументал биноларнинг остидан қўтарилиган платформалар, қўлда ясалган кулолчилик буюмлари билан бир хилда эканлиги маълум бўлди. Шундан кейин Кўктепанинг қуи қатламларининг материаллари ўрганилганда уларнинг жуда кўпи, айниқса қуи қатламларидан топилган топилмалар илк темир даврига оидлиги аниқланди.

Юқоридаги тахмин аниқ бўлиб чиққандан кейин Афросиёбда ишлаётган ўзбек-француз экспедициясининг бир групх археологлари Кўктепада ишлашга розилик беришди.

Кўктепа ёдгорлиги аслида Зарафшон дарёсининг жуда қадими ўзанининг ўнг қирғоидаги аслида табиий Булунғурнинг терассасида жойлашган табиий тепалик бўлиб, унинг устида нотўғри туртбурчак шаклидаги мудофаа деворлари билан ўралган. Шаҳар харобасининг қолдиқлари Ернинг томонларига тўғри йўналишда жойлашишган. Масалан шаҳарни шимол томондан ўраб турган мудофаа деворининг қоқ ўртасида шимолий дарвоза, жануб томондан ўраб турган мудофаа деворининг ўртасида жанубий дарвоза, шунингдек шарқий ва ғарбий дарвозалар ҳам шарқий ва ғарбий деворларнинг қоқ марказида жойлашган<sup>59</sup>.

Шаҳарнинг мудофаа деворлари билан ўралган 23 гектарлик яssi қисмида иккита алоҳида тепа атрофдан яққол ажралиб туради. Уларнинг бири ёдгорликнинг қоқ марказий қисмида жойлашган бўлса, иккинчиси жанубий-шарқий қисмида жойлашган.

Марказий қисмдаги тепа тахминий ўрганиб қўрилганда унинг асосий қисми атрофлари қалинлиги 2,5 м ли девор билан ўраб олинган йирик

---

<sup>59</sup> Исамидинов М.Х. Истоки городской культуры Самарканского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннегородского века и в период античности). Самарканд.: 2002 г. -с.31-48.

ибодатхона борлиги, унинг жануб томонида асосий кириш дарвозаси бўлганлиги, дарвозанинг икки томони думалоқ шаклдаги буржлар билан мустаҳкамланганлиги аниқланди. Бу дарвозадан кирилганда ичкари қисми 9x9 м иборат катта залга кирилган. Залнинг марказий қисмида томонлари 2x2 м иборат суфасимон кўтарилиган оташдон, унинг атрофида эса, коридорсимон йўлак бўлиб, бу йўл орқали оташдон атрофида bemalol айланиш имкони бўлган.

Бу хонага ва умуман ибодатхона дарвозасига кириш қисми пастдан юқори томон аста-секинлик билан кўтарилиган йўлак бўлган. Йўлак ибодатхонанинг ичкари томонига кирганда, кириш қисмининг икки тарафида ўчоқ бўлиб, бу ўчоқлар ибодатхонага кирган одам билан кириб келган инсузинслардан сақлаб турган.

Ибодатхонанинг ичкари томони албатта хўжалик юритиш билан боғлиқ бўлган иморатлар билан банд эди. Масалан, илк темир даврининг қатламларида жуда йирик бронза қуиши билан шуғулланган устахона очилган бўлиб, бу устахонанинг бронзани эритиб уни маҳсус қолипларга қуиши ва ярим тайёр бўлган материалларга ишлов бериш, тайёр бўлган маҳсулотни реализация қилиш билан шуғулланишган.

Кўктепанинг жануби-шарқий тарафида эса, мутлақо бошқа типдаги монументал ибодатхона бўлиб, унинг атрофи қалинлиги 5 м атрофида бўлган монолит мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлган. Бу албатта оддий одамнинг уйи эмас, балким шаҳар ҳокимининг қароргоҳи бўлган бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, бу ўрганилаётган ёдгорликнинг жануби-шарқий қисмида йирик мудофаа иншооти билан ўраб олинган монументал бинонинг очилиши, бу оддий хонаки уйлар эмас, балким йирик қароргоҳ, балким шу шаҳар ёки шаҳар типидаги қишлоқ ҳокимининг қароргоҳи бўлган бўлиши мумкин.

Бу қароргоҳнинг тўрт томонини ўраб турган деворларнинг аксарият қисми очилди, қолганлари эса, катта-кичик шурфлар ёрдами билан

аниқланди. Тўрт томони девор билан ўралган қароргоҳнинг ичкари қисмини тархи қандай бўлганлигини аниқлаш албатта археологлар, тарихчилар учун қизиқ бўлиши керак эди. Буни аниқлаш учун атрофи мудофаа деворлари билан ўралган майдоннинг марказий қисмларига солинган қазишмалар атрофдаги деворлар бўйлаб хоналар тушганлиги, ва бу хоналарнинг киришчиқиши қисми ҳовли томонга йўналганлиги аниқланди. Бундай тархли саройлар Ўрта Осиёning деярли барча даврлардаги, айниқса қадимги даврлардаги саройларга хос бўлган ҳолатdir.

Нима бўлганда ҳам, Кўктепа ёдгорлигидаги олиб борилган археологик изланишлар бу ёдгорликнинг қуий қатламлари илк темир даврига оид эканлигини, топилган топилмалар ичидаги ҳатто бронза даврига хос бўлган топилмалар борлиги аниқланди ва энг муҳими бу ёдгорликни стратиграфик жиҳатдан муҳим этalon ёдгорлик эканлиги тўғрисида маълумотлар олинди. Бунга кўра Кўктепа ёдгорлиги бирин-кетин келган 7 та қатламдан иборат эканлиги аниқланди<sup>60</sup>:

**Кўктепа I даври** бўлиб, бу даврда бутун Ўрта Осиёning асосий дарё воҳаларида кўлда ясалиб, устидан рангда нақш берилган маданият кенг тарқалган эди. Бу даврда Кўктепа дехқон жамоалари дехқончилик билан шуғулланишиб, уйда чорва молларини боқиши билан ҳам шуғулланишган. Бу илк темир даврининг бободехқонлари Булунғурнинг терассасига келиб жойлашишган даврда айнан шу жойда бирон-бир одамни яшагани тўғрисидаги маълумотлар умуман йўқ. Шунинг учун улар дастлабки ертўла, яrim ертўла учун чукур қазишганда бу жойлар фақат тозза лёсс тупроқларидан иборат эди. Яъни бу ерда дастлабки бободехқонлар келишганда Кўктепа ўрнида одамлар яшаганлигидан бирон-бир нишона бўлмаган.

---

<sup>60</sup> Исамиддинов М., Рапен К. О культурной преемственности в Согда в эпоху раннего железа (по данным строительной традиции. Изучение культурного наследия Востока. Культурные традиции и преемственность в развитии древних культур и цивилизаций. Материалы Международной конференции в Санкт-Петербурге. Европейский Дом. Санкт-Петербург.: 1999, с. 74-75.

Кўктепалик дехқон жамоалари фақат ярим ертўлаларда эмас, балким пахсадан, ғиштдан кўтарилган бир хонали ва қўп хонали уйларда ҳам яшашган. Бу ердан жуда қўплаб тошдан ясалган чуст типидаги ўроқларнинг борлиги, ёрғучоқ ва қўлда ясалиб устидан нақш берилган сопол идишларнинг қўплаб топилганлиги, ва бу ердаги аҳолининг ўтроқ ҳаёт кечирганлигидан далолат беради. Шу билан бирга бу даврда ҳоким қароргоҳининг шарқий тарафидан мудофаа девори билан ўраб олинганлиги, яъни айнан дастлабки ҳаётни бошланган давриданоқ бу ерда ҳоким қароргоҳи ажралганлигидан дарак беради. Ҳозирги пайитда Ўрта Осиёдаги илк темир даври XI-VIII асрлар билан даврланади.

**Кўктепа II даврида** Кўктепа худудида иккита атрофини мудофаа деворлари билан ўраб олинган ансанбл пайдо бўлади. Кўктепанинг жанубий-шарқий қисмида пайдо бўлган биринчи ансамблнинг атрофидаги мудофаа деворлари ҳакиқий мудофаа деворларини эслатадиган даражада йирик ва маҳобатли бўлган. Бу ерда очиб ўрганилган мудофаа деворининг қалинлиги 6 метрдан ошиқ бўлган. Аммо бу деворнинг ташқи томонидан мудофаа девори бўлган, ёки бўлмаганлиги ҳозирча бизга аён эмас. Бу деворларни қуришда ишлатилган асосий қурилиш материали илк темир давриданоқ пайдо бўлган гувалаксимон ғиштлардан иборат эди. Кўктепанинг жануби – шарқий қисмидаги бу иншоотга кириш қисмининг қаерда бўлганлигини сақланиб қолган рельефга кўра, ёдгорликнинг шарқий тарафида бўлган бўлиши мумкин бўлган. Аммо буни аниқ айтиш учун археологик материалларнинг камлиги тўсқинлик қиласи.

Кўктепанинг рельефидан топилган иккинчи мустаҳкамланган иншоот ёдгорликнинг марказий қисмидан топилган бўлиб, унинг атрофи регуляр бўлмаган мудофаа иншооти билан ўраб олинган. Биринчи монументал иншоотдан фарқли ўлароқ, бу иншоотнинг мудофаа деворининг ташқи томонидан ярим доира шаклидаги буржлар билан мустаҳкамланган. Буни археологлар табиий тепанинг шаклидан келиб чиқиб тахмин қилишади. Бу

мудофаа иншооти ҳам гувалаксимон ғиштлардан кўтарилиган бўлиб, деворнинг қалинлиги уни маҳобатли қилиб кўрсатишга хизмат қилган. Иншоотнинг кириш қисми жануб томондан бўлганлиги диққатга сазовордир.

Бу иккинчи иншоотга кирадиган қисмидан йирик маҳобатли зал очилган бўлиб, унинг марказий қисмida квадрат шаклидаги оташдоннинг топилганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, биринчи иншоотнинг асосий марказий қисмидан ёдгорликнинг чор атрофи бўйлаб регуляр, бир линияда ва бир типдаги хоналар очилган бўлса, иккинчи иншоотнинг марказий қисмидан эса ибодат билан боғлиқ топилмаларнинг топилганлиги, айниқса оташдоннинг топилганлиги бу ерда яшаган дехқон жамоаларининг идеологик тасаввурларида ўт билан боғлиқ диний маросимларини ўтказилганликларидан далолат беради.

Шундай қилиб, Кўктепанинг жануби-шарқий ва марказий қисмida сақланган ҳар икки иншоот ҳам ижтимоий характердаги иншоотлардан бўлиб, ўша бободеҳқонларнинг ҳаётида жуда муҳим роль ўйнаган.

Бу қатламлардан топилган археологик материаллар ичida қўлда ясалган ташқи томонидан жуда яхши қилиб сайқал берилган думалоқ асосга эга бўлган косалар диққатни тортади. Аслида бундай косалар Кўктепа I даврида ҳам кенг тарқалган идишлар қаторига кириб, кўп ҳолларда улар ташқи томонидан рангли нақш билан безатилган бўлган. Кўктепа II даврининг энг характерли белгиси ҳам айнан шу даврга келиб, яъни милоддан илгариги VIII-VII асрлардан бошлаб кулолчилик буюмларининг ташқи томондан рангли нақш билан безатиш одати йўқ бўлади. Иккинчи белгиси эса, гувалаксимон ғиштларнинг монументал биноларни ва мудофаа иншоотларини қурилишларида кенг ишлатилишидир.

**Кўктепа III** даврида қадимги шаҳар юзлаб гектар ерни ўраб олган ташқи мудофаа девори билан мустаҳкамланади, шу билан бирга ёдгорликнинг ички мудофаа деворининг ичидаги қадимги иккита йирик монументал иншоотнинг энг юқори қисмida квадрат шаклидаги йирик

платформалар кўтарилади. Бу платформаларнинг устки қисмида яна қандай иншоотлар бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Бу ҳар икки платформа ҳам гувалаксимон ғиштлардан кўтарилган бўлиб, ўз пайтида жуда маҳобатли иншоотнинг асоси бўлиб хизмат қилганлиги қўриниб туриди.

Бундай платформаларнинг қурилишини Ўрта Осиё ҳудудларини аҳамонийлар империясининг таркибига кирганлигининг натижаси сифатида қаровчилар ҳозирда кўпчиликни ташкил қилишади. Аммо, бизнинг фикримизча, бу даврда энг кўп тарқалган кулолчилик буюмлари, яъни цилиндр-конус шаклидаги идишлар ҳеч қачон аҳамонийлар маданияти билан боғлиқ эмас, балким бу даврда қадимги сополли маданиятида шаклланган кулолчилик ананаларини таъсири остида вужудга келган, аммо бироз шаклини ўзгартирган сопол идишларининг комплексидир. Кўктепада олиб борилган археологик изланишлар асосида бу давр археологик комплекслари милоддан илгариги VII аср охиrlари ва VI асрнинг бошлари билан даврланади.

**Кўктепа IV** давридан бошлаб ёдгорликдаги стратиграфик ҳолат аҳамонийлар даври ҳукмдорларининг инқирози даври ва Ўрта Осиёning македонлар томонидан босиб олиниши босқичларини жуда батафсил ва кенг ёритиш имконини беради. Бу давр билан Кўктепанинг квадрат шаклдаги ғиштлар билан коридор-галерея типидаги ички мудофаа деворини қурилиши даври билан характерланади. Мутахассислар бу даврни милоддан илгариги V асрнинг охиrlари ва IV асрнинг бошлари билан даврланади. Александр Македонскийнинг Суғд ва Бақтрияга юришлари даврида, ҳамда салавкийлар даврида Кўктепа ёдгорлигининг марказий қисмларида жуда кўплаб алоҳида турган уйлар қурилади. Археологларнинг фикрича бу квадрат шаклдаги ғиштлардан қурилган уйлар айнан юнонлар томонидан қурилган уйлар бўлиб, уларнинг асосий мақсади маҳаллий аҳолини босиб туриш мақсадида юнонлар томонидан қолдирилган армияни казармалари бўлиб хизмат қилган.

Ёдгорлик худудидаги ҳар бир ғиштни алоҳида ўрганиш шуни кўрсатдики, шаҳарнинг ички мудофаа деворлари ҳам, шунингдек шаҳар ичидағи янги қурилган алоҳида уйлар ҳам бир неча мартадан қайта таъмирланганлиги кўриниб турибди. Ҳамма гап шундаки, юононлар томонидан қурилган бу уйлар ва мудофаа деворлари ҳам тўғри бурчакли ғиштлардан эмас, балким квадрат ғиштлардан тикланган. Шунинг учун бу иншоотлар ё сўнгти аҳамонийлар, ёки илк эллинлар даврида қурилганлиги аниқ. Қазишмалардан шу нарса маълум бўлдики, мудофаа деворлари ҳам, шаҳарнинг ичида қурилган казармалар ҳам, янги қурилган даврда бу худудларда яшаётган барча аҳоли, қундалик турмушда қадимги сугд даврига оид цилиндр-конус шакллардан иборат бўлган кулолчилик буюмларини ишлатишар эди. Аммо, маҳаллий стратиграфияга кўра, квадрат ғиштлардан қурилган бу иншоотларнинг иккинчи қурилиш босқичидан бошлаб илгариги тўлиқ цилиндр-конус шаклидаги кулолчилик буюмларининг ўрнига эндиликда илк эллинизм даврига оид кулолчилик буюмларини пайдо бўлганлигини кўрамиз. Яъни бу даврдаги кулолчилик буюмлари очик типдаги Афросиёб Па типидаги идишлар пайдо бўлганлиги кузатилади.

Афросиёб ёдгорлигидаги ҳаёт Александр Македонский юришларидан кейин 50 йилдан ошиқ бўлмаган. Ҳозирча бу қадимги деҳқончилик пунктидаги ҳаётнинг тўхтаганлигини сабаблари маълум эмас. Бу шаҳардаги аҳоли шаҳарни ташлаб кетгандан кейин жуда кўп вақт ўтмай бу қадимий шаҳар харобага, кейинроқ эса, оддий тепага айланиб қолган.

**Кўктепа V** даври бу ерда грек-бактрия ҳукмдорлари даври, айниқса Евкрадит (мил.ил.150-145 йй.) ҳукмронлиги даврида шаҳарнинг мудофаа деворини жуда шошилинч равишда таъмирлаш ишлари бошланади. Шу даврдан бошлаб, айниқса бироз вақт ўтгандан кейин Кўктепа территориясини ўрни чорвадор аҳолиси томонидан қабристон сифатида фойдаланиш бошланган.

**Кўктепа VI** даврида қадимги шаҳар ўрнининг ташқи қўриниши жиҳатидан атрофдаги табиий тепалардан фарқи қолмаган эди. Шунинг учун ҳам, қадимги шаҳар ҳокими қальясининг устки қисмининг ташқи қўриниши атрофдаги адирли жойларнинг энг баланд қисмига ўхшаш бўлганлиги учун ҳам энг баланд тепанинг қоқ марказидан қабрнинг чуқури 6 метр бўлган ва зинапоя шаклида пастга тушиб, кейин катакомба лаҳатга кирилган.

Кўктепада олиб борилган изланишлар Самарқанд воҳасини илк темир давриданоқ тўлиқ ўзлаштирилганлигини кўрсатди-ки, чунки, илк темир давридан сал илгарироқ дехқончилик маданиятини Самарқанд воҳасининг юқори оқимида пайдо бўлганлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Шу билан бирга воҳанинг жанубий томонида жом қишлоғининг атрофларида ҳам бронза даври дехқон жамоалари билан бирга шу даврга оид чорвадорларнинг қабрлари топиб ўрганилди. Нима бўлганда ҳам, бронза даври дехқон жамоалари билан илк темир даврининг дехқонлари ўртасини боғловчи звено, яъни ёдгорликлар жуда кўп изланишлар бўлишига қарамасдан топилмаган эди.

### **III. 2. Самарқанд воҳасининг антик давр дехқон жамоалари томонидан эгалланиши**

Самарқанд воҳасидан топилган илк темир даврига оид ёдгорликлар ичида Кўктепа ҳозирча энг биринчи ўринни эгалласа, иккинчи ўринни Афросиёб ёдгорлиги, ёки Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидан топилган ёдгорликлар эгаллайди. Айнан Афросиёб ёдгорлигининг ички мудофаа девори атрофларидан бир нечта илк темир даврига оид бир нечта сопол парчалари топилганлиги айнан шу илк темир давридан бошлиб бу ерда дастлабки дехқон жамоаларининг манзилгоҳи пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Милоддан илгариги VIII-VII асрлардан бошлаб Афросиёб ўрнида Ер юзидаги энг қадимги шаҳарлар қаторидан ўрин олган Самарқанд шаҳри пайдо бўлди. Буни шаҳар ҳокимининг аркини ички томондан ўраб олган мудофаа иншоотининг борлиги, шу билан бирга шаҳарни ташқи тўртинчи девори милоддан илгариги VIII-VII асрларда пайдо бўлган шаҳар девори бу ерда урбанизация жараёнлари бошланганлигидан далолат беради. Бу шаҳар майдони 219 га майдонни эгаллаган эди. Бу шаҳар эса, Кўктепа ёдгорлигининг ўрнида пайдо бўлган шаҳарнинг ёши билан тенг эди. Кўктепа ёдгорлигидан фарқли ўлароқ Афросиёбдаги шаҳарнинг шимолий қисмида алоҳида арк пайдо бўлган эди. Бу аркнинг умумий майдони 19 га майдонни эгаллаган бўлиб, бошқа шаҳарларнинг аркига ўхшаб унда шаҳар ҳукмдорининг арки жойлашган бўлган.

Албатта Афросиёбнинг мудофаа тизими анча мукаммал ўрганилган бўлиб, унинг энг дастлабки босқичида валсимон мудофаа иншооти лўмбоз усулида тикланган. Мудофаа иншоотининг иккинчи босқичида монолит тарзидаги мудофаа деворини гувалаксимон ғиштлардан қалинлигини 7 м. ошиқ қилиб тиклаганликлари маълум бўлди.

Афросиёб атрофларида анча қадимги манзилгоҳлар ҳам топилган. Айнан Афросиёбнинг шимоли-ғарбий қисмида, ҳозирги Археология институтининг ўрнида Кўрғонча деб аталган ёдгорликни бўлганлиги аниқланган бўлса, ҳозирги Самарқанд шаҳрининг Сиёб колхоз бозорининг ўрнидан ҳам иморатлар учун котлованлар қурилганда бу ерлардан ҳам энг қадимги даврга оид қатламлар чиққан.

Кейинги манзилгоҳ ҳам Самарқанд шаҳрининг ғарбий томонидаги Лолазор аригининг қирғоғидан топилган бўлиб, бу ердан энг қадимги шаҳарни сув билан таъминлаган каналнинг тармоқларга ажраган қисми топилган<sup>61</sup>. Бу ердан топилган каналларнинг ичи тозаланганда, унинг ичи

---

<sup>61</sup> Бурякова Э.Ю. Поселение Лолазор – предшественник города на Афрасиабе. В кн. К исторической топографии древнего и средневекового Самарканда. Ташкент.: Фан, 1981. С. 3-22.

милоддан илгариги VII-VI асрларга оид ёргучоқ, турли темирдан ясалган буюмларнинг парчалари, жуда ҳам кўплаб сопол буюмлар топилдики, уларнинг ичида қўлда ясалган кулолчилик буюмларнинг қўплиги алоҳида ажралиб туради.

Самарқанд ва унинг атрофларидан топилган энг йирик кулолчилик хунармандчилиги маркази, қадимги Дарғом каналининг ўзанларидан бирининг ёқасида, ҳозирги Саттепа даҳасининг жанубида жойлашган ва яқин 3 га майдонни эгаллаган маҳалла топилди. Бу ерда И.Д.Иваницкий томонидан олиб борилган қазишима ишлари натижасида милоддан илгариги V-IV асрларга оид 20 ортиқ икки ярусли кулолчилик хумдонлари ва 80 ортиқ ишлаб чиқариш билан боғлиқ чуқурлар топилган. Топилган минглаб кулолчилик идишларининг ичида қадимги сүғд даврида жуда кенг тарқалган цилиндро-конус шаклидаги идишлар билан бирга эллининзм даврига хос бўлган идишлар комплекси археологлар дикқатини ўзига тортди<sup>62</sup>.

Бу ердан топилган ҳамма кулолчилик хумдонлари икки ярусли бўлиб, юқори қисмида думалоқ шаклдаги кулолчилик хумдонининг сопол идишларни куйдириш хонаси бўлган. Уларнинг энг йирик диаметри уч метрдан ошиқ бўлган. Бу кулолчилик хумдонларининг техник томондан жуда юқори нуқтага чиққанлигини бутун тарихий тараққиёт давомида унга бирон-бир янгилик қўшилмаганлигидан ҳам билса бўлади. Остидаги ярусда эса, ўт ёқадиган хонаси бўлиб, ҳар икки қисмни думалоқ шаклдаги иссиқликни ўтказувчи тешиклари бирлаштириб турган.

Самарқанд вилояти ҳудудида милоддан илгариги I минг йиллик ўрталарига оид ёдгорликлар яқин 10 та жойдан топилган. Шулардан утаси Самарқанд туманида, яна утаси Пастдарғом туманида, иккитаси Тайлоқ ва яна иккитаси Ургут туманида топилган. Бундай унчалик йирик бўлмаган аҳоли пунктларининг катта йирик шаҳарларнинг атрофларида

<sup>62</sup> Иваницкий И.Д. Саратепе-2 поселение керамистов середины I тысячелетия до н.э. под Самарканом. ИМКУ-26. Ташкент.: 1992. С.22-41.

жойлашганлиги бу типдаги маконларнинг биринчи характерли хусусияти бўлса, уларнинг сув манбаларининг ёқаларида, айримларини булоқларнинг бўйида жойлашганлиги уларнинг иккинчи характерли хусусиятидир.

Ўрта Осиё ҳудудларини милоддан илгариги IV асрнинг бошларидан Александр Македонский томонидан эгалланиши, ундан кейин салавкийлар ва юонон-бақтрия давлатини тузилиши натижасида бу ерда элинистик ёки эллинлашган маданиятнинг тарқалиши тарқалиш жараёни яққол сезилди. Натижада жуда қисқа муддат ичидаги бу ҳудудда бутун моддий маданият тубдан ўзгаради<sup>63</sup> (Шишкина Г.В.1975. с.60-79).

Юнонлар даврининг тарихчиларини берган маълумотларига кўра, Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юришлари даври тарихчиларининг берган маълумотлари бўйича Мараканда бу жуда йирик шаҳар қолдиги бўлган. Тарихчилардан Квант Курций Руфнинг берган маълумотларига кўра, Маракандани ўраб турган деворларининг умумий узунлиги 10 км дан ошиқ бўлган<sup>64</sup>. Манбаларнинг хабар беришича, Александр шаҳарни олгандан кейин шаҳар бутунлай бузилган ва уни қайтатдан тиклагани тўғрисида маълумотлар бор.

Эллинизм даврида Самарқанд вилоятида шаҳар ва қишлоқларнинг сонини кескин ошганлигини кўриш мумкин. Бу даврга келиб янги ерларни ўзлаштирилишини кўриш мумкин. Йирик ирригация каналлари қурилади. Шундай туманлар қаторига, яъни янги каналлар қурилган ҳудудлар қаторига айнан Булунгур туманини кўшиш мумкин. Археологлардан Х.Ахунбабаевнинг фикрига кўра милоддан илгариги II асрдан бошлаб шу туман ҳудудидан бошланган Булунгур канали ва Самарқанд воҳасининг шимол томондан ўраб олган “Кампир девор” қурилади<sup>65</sup>. Бу девор Самарқанд воҳасини шимол томондан келадиган чорвадор аҳолининг хужумларидан

<sup>63</sup> Шишкина Г.В. Эллинистическая керамика Афрасиаба. СА. М.: 1975.

<sup>64</sup> Квант Курций Руф. История Александра Македонского. Сохранившиеся книги. Под ред. В.С.Соколова. М.: Наука, 1963. -477 с.

<sup>65</sup> Ахунбабаев Х.Г. Археологическое изучение Булунгурского района в 1979-1980 гг. ИМКУ-18. Ташкент.: 1983. С.154-164.

химоя қилиши керак эди. Воҳаларнинг атрофларида қалъалар қурилабошлади. Жуда кўплаб архаик даврларга оид анча кенг, лекин унчалик чуқур бўлмаган ариқлар ўрнига йирик ва шу билан бирга чуқур каналлар қурилади. Балким айнан шу даврда энг йирик каналлардан бири Дарғом канали ўзининг йўналишини ўзгартиради. Яъни эски каналнинг янги, тўғрироқ қилиб ўзгартирилган варианти ишга тушади.

Янги каналларнинг қурилиши, катта микдордаги ерларнинг ўзлаштирилишини сабабларини қўпчилик олимлар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши билан боғлашади, айниқса бу даврга келиб қулдорлик тизимини вужудга келиши билан боғлиқ ҳолатдир деган баҳони беришади. Аммо шу билан бирга бу даврга келиб халқаро алоқаларни, айниқса халқаро савдо-сотикини ривожланганлигини кўриш мумкин.

Суғлар салавкийлар давлатидан ажралганидан кейин ўзларининг тангаларини чиқара бошлайдилар. Бу чиқарилган тангалар таҳлил қилинганда уларнинг чиқарилган жойлари, яъни худудларини ажралиши мумкинлиги айтилади. Масалан, Антиох I тангаларига ўхшатиб чиқарилган тангаларни Самарқандда чиқарабошлайдилар. Бухорода эса, грек-бақтрия тангаларидан Евтидем тангаларига, Қашқадарё воҳасида эса, салавкийлар дирхамларини нусхаларига ўхшатиб, Буюк Александр портрети билан тангалар чиқариш бошланди<sup>66</sup>.

Бу даврда Буюк Ипак йўли вужудга келган бўлиб, бу йўлнинг шаклланишида ва ривожланишида Самарқанднинг роли ва ўрни жуда катта бўлган эди. Фақат Самарқанд вилоятининг худудидан топилган 15000 ортиқ ёдгорликнинг 200 дан ортиғи антик даврга оидлигини алоҳида айтиш керак бўлади. Бу худудлардаги аҳоли пунктларининг, айниқса шаҳар ва қишлоқларнинг сонини аста-секинлик билан бир хилда кўпайганлигининг ўзи бу ердаги аҳолининг, айниқса дехқон жамоаларининг сонини табиий равища кўпайганлигини кўрсатади.

---

<sup>66</sup> Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии. Ташкент.: 1987. -182 с.

Албатта бу даврда чорвадор аҳолининг кўплаб кириб келганлигини кўриш мумкин. Улар айниқса воҳанинг шимоли-шарқий қисмига кириб келиб жойлашганликлари кузатилган. Шунинг учун ҳам воҳага кириб келаётган чорвадор аҳолининг йўлини беркитиш учун “Кампир девор” қурилган. Бу девор фақат Самарқанд воҳасинигина эмас, балким Бухоро воҳасини ҳам атрофини ўраган<sup>67</sup>. Милоддан илгариги II асрларда воҳанинг адирлар қисмида, яъни воҳанинг атрофларида чорвадор аҳолининг кўплаб мозор-қўрғонлари пайдо бўлади. Бу даврларда пайдо бўлган шаҳарлар ва қишлоқларнинг шакли квадрат ёки тўғри бурчакли шаклдадир. Бундай ёдгорликларнинг ичида айниқса Самарқанд туманида жойлашган Тали Барзу ёдгорлигининг борлиги алоҳида диққатга сазовордир. Унинг шакли квадрат шаклида бўлиб, деворлари дунё томонларига мос тушган ва шаҳар харобасининг марказий қисмида қалъа сақланган бўлиб, унинг баландлиги 18 м. иборат<sup>68</sup> (Григорьев Г.В. 1940. С.87-104).

Миаёнқолдаги Қурғонтепа, Арктепа, Умарминтепа айнан йирик, тўғри бурчак шаклдаги ва квадрат шаклидаги мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шу билан бирга унчалик йирик бўлмаган шаҳар харбалари топилганки, булар Кумушкенттепа, Хаузтепа ва Алпомиштепа ёдгорликлари ҳам тўғри бурчакли ёдгорликлардан бўлиб, атрофлари квадрат шаклдаги мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шу билан милоддан илгариги IV-III асрларга оид бирга бир қанча тўғрибурчак шаклдаги қишлоқлар ва қалълар ҳам бўлганлиги аниқланган. Бундай масканларга Иштихон туманининг Камар қишлоғидан топилган Амирсупа, Каттақўргон туманидан топилган бўлса, Қўрғонтепа ва Бозоржойтепа ёдгорликлари Булунғур туманидан топилган.

Бундай квадрат ёки тўғри бурчак шаклдаги туар-жой масканлари илгаритдан ўйланган план асосида қурилган бўлиб, улар фақат воҳаларнинг

<sup>67</sup> Мухамедов Х. Қадимий мудофаа деворлари. Тошкент.: Фан, 1973. -58 б.

<sup>68</sup>

атрофларидағина әмас, балким унинг марказий қисмларида ҳам кенг тарқала бошлайды. Бундай типдаги тураг-жой масканлари Суғд ҳудудларида фақат антик даврдан бошлаб кенг тарқалабошлаган бўлиб, илгариги даврларда бундай типдаги шаҳар ва қишлоқлар бўлмаган эди. Бундай типдаги шаҳар ва қишлоқлар бронза давридан бошлаб жанубда, Бақтрия ва Маргиёна ҳудудларида маълум эди.

Ёзма манбаларнинг хабар беришича, Александр замонида ва шунингдек салавкийлар даврида қурилган аҳоли масканлари аслида ҳарбий гарнizonлар шаклида қурилган бўлиб, кейинчалик шаҳарларнинг асоси бўлиб хизмат қилганлиги маълум. Г.А.Пугаченкованинг хабар беришича, Миёнқолда думалоқ шаклдаги, шу билан бирга шаклсиз аҳоли пунктлари ҳам бўлиб, улар унчалик кўп эмас.

Кўпчилик қишлоқ ва шаҳарларнинг атрофлари мудофаа иншоотлари билан ўраб олинган эди. Шаҳарнинг қалъалари эса мудофаанинг бир элементи бўлган ҳандақлар билан ҳам ўралган бўлган. Шунинг учун ҳам шаҳар қалъаларига кирадиган дарвозаларнинг олдидаги ҳандақнинг устидан ўтиш учун кўтарма кўприклар қўйилган. Шаҳарларнинг мудофаа деворлари ташқари тарафдан қўшимча буржлар билан мустаҳкамланган бўлган, шу билан бирга деворнинг ичкари тарафидан коридор-галерея, ўқ отадиган нишаклар, ташқи тарафидан эса, буржлардан ташқари пилястрлар билан безатилган.

Г.А.Пугаченкова суғд ҳудудидаги монолит тарзидаги мудофаа деворлари тўғрисида ёзар экан, уларнинг келиб чиқиши тўғрисида мулоҳаза юритиб бундай типдаги мудофаа деворларни юононлар билан бирга кириб келганми, ёки қадимги даврларда маҳаллий фортификация асосини ташкил қилгами деган саволларга жавоб топилмаганлиги тўғрисида ёзади. Чунки Арриан Суғд шаҳарларини олиш даври тўғрисида ёзар экан, уларни тупроқдан ясалганлиги ва унчалик баланд әмаслиги тўғрисида ёзади. Аммо унинг фикри ўз пайти учун тўғри бўлса ҳам, аммо XX асрнинг охирлари ва

XXI асрнинг бошларида бунга аниқ қилиб жавоб топилган. Афросиёб мудофаа иншоотларини ўрганиш даврида горидор-галерея типидаги мудофаа деворининг остидан монолит тарзидаги деворнинг топилиши, Кўктепа ёдгорлигининг эллинизм даврига оид мудофаа иншоотларининг шакли коридор-галерея шаклида эканлиги ва шу билан бирга ундан қадимги мудофаа иншоотлари эса, монолит тарзда қурилганлиги аниқланди. Худди шундай монолит тарзда қурилган мудофаа иншоотларини Фаргона водийсининг қадимги ва илк ўрта аср қатламларига оид деб айтиб келишади. Бизнингча Арриан Суғддаги “тупроқдан кўтарилигани валлар” деб айтганида албатта Суғд худудида кўрган пахсадан ёки квадрат шаклидаги ғиштлардан кўтарилигани пахсадан кўтарилигани назарда тутган бўлиши керак<sup>69</sup>.

Шундай қилиб, илк антик даврда Зарафшон водийси тўлиқ эгалланди. Ҳатто бу даврда Самарқанд воҳасининг энг серсув қисмларидан бири Мионқол ҳам ўзлаштирилиб, унинг илгариги кўриниши мутлақо ўзгаради. Чунки, қадимги даврларда бу худудларда еости сувларининг сатхи ер юзасига яқинлиги туфайли бу ерлар кўпроқ қамишли, бутасимон ўсимликлар ўсиб ётган жойлар бўлганлиги сабабли бу жойларда катта аҳоли масканлари бўлмаган.

Мионқолда йирик шаҳарлар ҳам фақат антик даврдан бошлаб пайдо бўла бошлаган. Бизнинг фикримиз бўйича илгаритдан бу ерларда бўлган тўқай ва қамишзорлар Зарафшон дарёсининг бироз юқорироқ қисмида сақланиб қолган бўлиши керак. Чунки Самарқанд атрофларида “ов қилинадиган боғ” бўлганлиги тўғрисидаги Александр замонидан қолган хабар айнан шу тўқайзорларда бўлган бўлиши мумкин<sup>70</sup>.

Милоддан илгариги III-II асрларда Самарқанд воҳасида эллинлашиш жараёнлари анча юқори даражада бўлганлигини кўрсатади. Айниқса бундай халқаро миқёсдаги маданиятларининг таъсири айнан эллинизм даврида

<sup>69</sup> Арриан. Поход Александра. Пер. М.Е.Сергеенко. М.,Л.: Наука, 1962.-382 с.

<sup>70</sup> Пьянков И.В. «История Персии» Ктесия и среднеазиатские сатрапии Ахеменидов в конце V в. до н.э. ВДИ. М.: 1965. №2. С.35-50., Пьянков И.В. Мараканды. ВДИ. М.: 1970. С. 32-48.

ўзининг юқори даражасига чиққанлигини кўрсатади. Афросиёбда мудофаа деворлари яна қайтадан қурилади. Бу иншоотни қуришдаги архитектуравий ечим умумий тарх, мудофаа деворининг майда элементлари, айнан эллин маданияти стандартларига тўғри келганлигини таъкидлашимиз керак бўлади<sup>71</sup>. Шу билан бирга мудофаа иншоотларининг жуда кўплаб элементлари Қадимги Шарқ ананаларини ўзида сақлаб келади.

Афсуски, Афросиёбда шу пайитга қадар эллинлар даври архитектураси ҳали яхши ўрганилган эмас, тўғрироғи бу қатламлар ҳали ҳозирча яхши очилган эмас. Шунинг учун кўпчилик олимлар бу давринг уй-жойларининг тузилиши бўйича фақат тахминлар қилишади. Жумладан кўпчилик олимлар бу даврдаги уй-жойлар ҳам ананавий равишда ертўла ва ярим ертўлалардан иборат бўлган дейишса, яна бошқалар бу даврдаги архитектура обидалари Бақтрия ҳудудидагидай тўлиқ эллинистик ананаларга ўтган эди дейишади. Аммо Суғд худудида йирик шаҳарларда ҳам айрим турар-жой иншоотлари ертўла ва ярим ертўлалардан иборат бўлган. Буни айниқса Жанубий Суғдинг милоддан илгариги IV-III асрларига оид Кўргонча манзилгоҳи ва милоддан илгариги II-I, милоднинг I-V асрларига оид Киндиктепа ёдгорликларидан билиш мумкин<sup>72</sup>.

Эллинистик маданиятнинг Суғдга таъсирининг энг юқори нуқтаси албатта терракота ҳайкалчаларини кенг тарқалганлигига кўринади. Илгариги даврларда Суғд худудида терракота ҳайкалчаларини ясаш ва уларни ишлатиш одати умуман бўлмаган бўлса, бу даврда эллинистик дунёдан кириб келган диний-илоҳий дунёқарааш таъсирида жуда кўплаб эллинларнинг худоларини образлари маҳаллий динлар билан уйғунлашиб кетганлигига кўришимиз мумкин<sup>73</sup> (**Грене Ф. 2013. 24с.**).

---

<sup>71</sup> Rapin Cl., Isamiddinov M. Fortifications hellénistiques de Samarcande (Samarcand-Afrasiab). Orient-occident. Volime 4/2, 1994, p.547-565.

<sup>72</sup> Хасанов М. К истории культуры античного Согда. Фергана. 2016 г.

<sup>73</sup> Грене Ф. Лекции в Колледж де Франс по теме: В центре внимания Центральная Азия. College de France <http://books.openedition.org/4101> ISBN:9782722604315

Милоддан илгариги I ва милоднинг I асрларидан бошлаб Самарқанд Суғди худудида аҳоли пунктларининг сони илгариги давларга нисбатан кескин қўпаяди. Бутун вилоят бўйича бу даврга оид ёдгорликларининг сони 150 ортиқ қўпаяди. Бу ёдгорликларнинг ичида 10 ортиғи шаҳарларни ташкил қиласди. Лекин моддий маданиятни ўзгаришида катта ўзгаришлар бўлганлигини яққол сезилади. Милоднинг биринчи асрларидан бошлаб кулолчилик буюмларининг ўзгаришида Жанубий ва Ғарбий Суғд худудлари билан алоқаларининг жуда яхши бўлганлигини қўриш мумкин. Айниқса бу худудлардаги қадаҳларни шаклини ўзгаришидаги жараёнларни қўриш мумкин. Қадимги даврлардаги каби қалта, остки қисми думалоқроқ шаклдаги қадаҳлар ўрнига юқори қисми цилиндр-конус шаклидаги қадаҳлар пайдо бўлди. Милоднинг биринчи асрларига келиб эса, илгариги пастқам қилиб ясалган қадаҳлар ўрнига чўзиқ қилиб ясалган қадаҳлар кириб келган ва улар кенг тарқалган. Бу даврда жанубий Суғд худудида нозик қилиб ишланган, вертикал бортга эга бўлган ва устки қисми қизил ангоб билан бўялган косалар ишлаб чиқарилиши жуда яхши урфга кирган эди. Суғд худудидаги тарихий-маданий бирликни айнан кулолчилик маҳсулотларининг ҳар қайси учта худудда ҳам бирдай такрорланишида, демак тарихий-маданий ананалар бир хилдалиги кузатилади.

Антик даврнинг охирига келиб, Самарқанд воҳасининг шимолий худудларида аста-секинлик билан Сирдарё воҳасининг ўрта ва қуий оқимларида шаклланган қовунчи маданиятининг кириб келабошлаганлигини кўрамиз. Бу эса, бу ерларга қуий Сирдарё воҳаларида яшаган кўчманчи-чорвадор аҳолининг кириб келганлигини қўриш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам Самарқанднинг шимолий қисмларидаги мозор-қўрғонларнинг аксарият қисми чорвадор аҳолидан қолдирилганлиги маълум.

Бу даврлардан қолган археологик материаллар Самарқанд воҳасидаги аҳволни қандай бўлганлигини яққол кўрсатади. Жуда кўп олимлар милоднинг биринчи асрларидан бошлаб Самарқанд шаҳрининг

ривожланишида кризис бўлганлигини тўғрисида ёзишади. Аммо, бундай кризиснинг аломатлари мутлақо кулолчилик буюмларининг ривожланиши кузатиладиган бўлса бундай катта кризис кўзга ташланмайди. Бунинг тескариси кузатилганки, у ҳам бўлса, Афросиёбнинг шимоли-шарқий қисмида бутун бошли маҳалланинг гуркираб ривожланганлигини, бу маҳаллани архитектураси ҳақиқий шаҳар маданияти ривожланганлигини кўрсатиб турибди. Бундай монументал архитектура илгариги замонларда мутлақо бўлмаган эди.

Милоднинг биринчи асрларига оид терракота ҳайкалчаларининг шаклларида ҳали антик даврининг ҳайкалтарошлиқ ананалари яққол сезилиб турибди.

### **III. 3. Самарқанд воҳасининг илк ўрта ва ривожланган ўрта аср дехқон жамоалари томонидан эгалланиши**

Милоднинг IV асрларидан бошлаб бутун Афросиёб бўйича, шу билан бирга бутун воҳа бўйича вазалар ишлаб чиқариш тўхтаган бўлса, бунинг ўрнига елкасидан краска қувиш усули билан нақш солиш одати кенг тарқалади.

Терракота ҳайкалчаларининг ичида кенг юзли, тор пешонали, катта ва нисбатан қисиқ кўзли антропологик типли одамларнинг сиймолари кенг тарқалганга ўхшайди. Моддий маданиятдаги бундай ўзгаришлар энг аввалло Қуий Сирдарё воҳаси томонидан кириб келган хионийлар ва ундан бироз кейинроқ кириб келган эфталийлар билан синхрон равишда ривожланганга ўхшайди. Бу аҳолининг бутун воҳага аста-секинлик билан ўтириши натижасида яна янги шаҳарлар ва қишлоқлар пайдо бўла бошлади.

Қуий Сирдарё ҳавзасидаги аҳолининг оммавий кириб келиши ва уни маҳаллий аҳоли билан ассимиляцияси натижасида бутун урбанизацион жараёнларга катта импульс берди. Бу аҳолининг кириб келиши билан барча

шаҳарларнинг мудофаа деворлари қайта таъмирланади. Яна янги жуда мустаҳкамланган йирик қишлоқлар пайдо бўлади. Айниқса баланд платформаларнинг устига қурилган кўшкларнинг сони бу даврга келиб жуда кўпаяди. Бу даврга келиб йирик шаҳарлар яна бир бор қайта таъмирланади.

Эфталийлар давлатининг қулаши натижасида Ўрта Осиёning катта қисми, шу жумладан Зарафшон водийси ҳам Ғарбий Турк ҳоқонлигининг таркибиغا ўтади. Бу даврда, яъни 629 йилда Ўрта Осиё ҳудудларида, шу жумладан Қашқадарё ва Зарафшон водийларида бўлган хитойлик сайёҳ Сюань Цзан бу ҳудудларда 8 та мулклик бўлганлигини ёзади. Бу мулкликлар Суғд конфедерациясига кириб, уларнинг бариси Самарқанд томонидан бошқарилган.

Жуда кўплаб илк ўрта асрларга оид деворий суратларда тасвиirlанган персонажларнинг жуда кўп қисмида кўзлари қисиқроқ туркий башарадаги одамларининг кўплаб тасвиirlарини кўриш мумкин. Бундай тасвиirlарнинг пайдо бўлиши албатта Марказий Осиёning марказий ҳудудларидаги этник ҳолатни кескин ўзгариши билан боғлиқ ҳолатлардир. Айниқса бундай тасвиirlар Афросиёбдан ва Панжикент ёдгорликларидан топилган деворий суратларда кўплаб берилган.

Суғдининг шарқий ва шимолий томонларида, айниқса Шарқий Туркистонда, Фарғонада, Еттисувда суғдарнинг колониялари пайдо бўлади. Ҳатто Хитойнинг Хуанхе дарёсининг бўйларида бир нечта суғд савдогарларининг мақбаралари топилган. Ҳиндистонга борадиган савдо карвонларининг йўлларини бўйларида, айниқса Ганг дарёсининг бўйидаги тоғларнинг қояларига ўйиб ёзилган суғд ёзувлари топилган. Буларнинг ҳаммаси суғдарнинг интенсив савдо алоқаларини ва уларнинг маданиятини дунёning турли қисмларига тарқалиш жараёнларини кўрсатади.

Суғд Турк ҳоқонлиги таркибиغا киргандан кейин уларнинг Буюк Ипак Йўлида тутган ўрни янада ошиб кетди. Чунки Суғд ҳақиқатдан ҳам Шарқ билан Ғарб ўртасидаги савдо чорраҳасида марказий ўринни эгаллар эди.

Шарқда Шарқий Туркистон, Чу ва Или дарёларининг ҳавзасида, Фарғонада суғдлар яшайдиган йирик манзилгоҳлар пайдо бўлади.

Буларнинг ҳаммаси суғдларни дунёнинг турли қисмларида интенсив савдо билан шуғулланганликларидан далолат беради. Хитой худудида суғдлик мусиқачиларнинг мусикий асбобларининг тасвирланган суратлар топилган. Бу ҳолат суғдларни ривожланган мусиқа, куй ва қўшиқлари билан, рақслари билан бошқа мамлакатларда ҳам танилганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам суғдларнинг маданиятини жаҳоннинг турли қисмларига тарқалишига олиб келди.

Суғдларнинг Буюк Ипак Йўлида энг асосий йўл бошловчи, халқаро савдони ташкиллашга ёрдам бериб юрганликларини, таржимонлик қилганликларини кўриш мумкин эди. Бундай дунё миқёсидаги алоқалар маданий алоқаларни мустаҳкамланишига, ҳамкорликни янада тараққий этишига олиб келди. Халқаро миқёсдаги бундай ҳамкорлик ва бундай алоқаларга қулай шароит бу худудда кўп динлиликнинг вужудга келишига олиб келди. Маҳаллий зардўштийликдан ташқари буддизмни, христианликни ва шу билан биргаликда монийликни кенг тарқалишига олиб келди. Буларнинг ҳаммаси суғдларнинг деворий суратларида жуда яхши акс этган.

Самарқанднинг Ғарб билан Шарқ ўртасидаги савдо алоқаларида воситачилик қилганликларини бу ҳар икки худудлар ўртасидаги муносабатларни юқори даражага кўтарилиганлигини биз бу ерда тарқалган жуда кўплаб тангалардан ҳам билсак бўлади. Ҳозирда Ўрта Осиё ва шу билан бирга Самарқанд атрофларида чиқарилган Суғд тангалари Хитойдаги Пекин шаҳрининг музейларида сақланаётган минглаб тангалар бу ҳар икки худуд ўртасида бўлган интенсив савдо алоқалари ва уларда суғдларнинг ўрнини жуда юқори бўлганлигини кўрсатади.

Милоднинг 712 йили арабларнинг Самарқанд ва унинг атрофларини эгалладилар. Аммо Самарқанддан 60 км шарқда жойлашган ва ўз бағрига 5 минг олти минг кишини сиғдириши мумкин бўлган Панжикент шаҳрининг

харобаси сақланган. Самарқанд билан Панжикент орасидаги масофа 60 км бўлишига қарамасдан бу шаҳарни араблар томонидан босиб олиниши жараёни яқин ўн йилга чўзилди. Бу нарса маҳаллий аҳолининг жуда ҳам катта қаршилик кўрсатганлигидан дарак бермоқда. Француз археологларидан бири Франц Грененинг фикрига қўра ўртадаги ўн йил давомида Самарқанд шаҳрининг жуда ҳам кўп зодагон оиласлари Панжикент шаҳрига бориб жойлашишган.

Француз олимининг бундай фикрини пайдо бўлишига айнан Панжикент шаҳрининг харобасида ўтган асрнинг 50-90 йилларида олиб борилган катта археологик изланишларнинг натижалари сабаб бўлди. Дастреб йирик шарқшунос олим, форс ва араб тилларида ёзилган қўлёзмалар бўйича йирик мутахассис, Абу Райхон Берунийнинг Минералогиясини араб тилидан рус тилига таржима қилган А.М.Беленицкий бошчилик қилди. Бу олимни шарқшунослик фанини қўйиб археология фанига ўтишининг сабаби собиқ Иттифоқдаги сталинизм қурбонига айланишдан қочганлиги туфайли бўлган. Чунки сталинизм ўзининг умрини охирларига келганда шарқшунос олимларга хужум бошлаган эди. Айнан шу даврда А.М.Беленицкий ўзининг касбини бироз ўзгаририб уни археологияга йўналтириди. Аммо қўлёзмалар берган маълумотларни иконография санъатига боғлаб жуда кўп ишларни қилди. А.М.Беленицкий вафотидан кейин унинг жуда иқтидорли шогирди Б.И.Маршак Панжикент экспедициясига бошчилик қилган бу экспедиция Панжикентда жуда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бутун бошли йирик шаҳар харобасининг яқин 40% ортиғи археологик қазишмалар даврида очилган. Бу шаҳарнинг атрофлари тўртбурчак шаклидаги мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, тўрт томонида дарвозалари ва шахмат шаклида кесишган йўллари билан алоҳида ажralиб турган. Бу йўл ёқаларида пахса деворлари ёрдамида кўтарилган икки ва айрим пайитларда уч қаватли иморатлар бўлиб, жуда ҳам камдан кам ҳолларда бу хонадонлар деворий суратларсиз бўлган. Аксарият хонадонларнинг айниқса меҳмонхона

қисмлари жуда ҳам юксак дид билан деворий суратлар билан безатилган. Худди шундай хашаматли уйларнинг бутун шаҳар миқёсида солиштирилганда уларнинг катта қисми айнан шундай бой хонадонлардан иборат эканлигини инобатга олиб бу ердаги аҳолини жуда кўпчилик қисмини арабларнинг 712 йилги Самарқандга ҳужуми пайтида ва ундан кейинги 10 йил давомида жуда кўплаб бой хонадонлар кўчиб ўтишганлигини айнан Франц Грэне айтган. Француз археологи Панжикентни Италиядаги Везувий вулқони остида қолиб кетган Помпейга ўхшатади. Панжикент шаҳри милоднинг V асрларида пайдо бўлган бўлса ҳам, бу шаҳардан илк ўрта аср шаҳарларининг барча жозибаси сақланиб қолган. Бу ерда Помпей билан солиштирилишининг асосий сабаби ҳам унинг сақланиб қолган тўлиқ шаҳарнинг илк ўрта аср шаҳарлари тўғрисидаги информациясининг кўплигидир. Солиштирилаётган шаҳарларнинг нафақат катта ёки кичиклиги, балким унда бутун бошли илк ўрта асрлардан, яъни араблар истилоси давридаги шаҳарлар қандай бўлса шундайлигicha қолиб кетган. Ҳамма гап шундаки, Самарқанддан қочиб келган бой хонадонлар суғдарнинг Зарафшон водийсидаги охирги таянч пунктида ўзаро амал поғоналарини эгаллаш, ижтимоий зинапоялар учун курашишди. Бошқа гуруҳдаги хонадонлар ўзларига катта-кичик саройлар, йирик уйлар қуришди. Бу уй ва саройларни деворий суратлар ва ҳайкалтарошлик асарлари билан безашди.

Панжикент қазишимларининг бошидан охиригача қатнашган В.И.Распопованинг фикрига кўра шаҳар структурасидаги бой хонадонларнинг кўплигини энг аввало суғдлар жамиятидаги аҳолининг кундалик турмуши, урф-одатлари ва энг муҳими жамиятда ўзларини тутишларидан келиб чиқиб, уларнинг бу дунёда яшаш мезонларини ўзига хослигини таҳлил қилган. Унинг фикрича суғдлар бой-бадавлат яшашга доимо ҳаракат қилишган. Уларнинг имкони борича хашаматли иморатлар қуриш, қўшни хонадондан кам бўлмаган тарзда уйининг ичларини безаш, деворий суратларда зодагон одамларни кўпроқ тасвирлаш, меҳмондўстлик,

зардўштийликнинг жуда кўплаб илоҳларини, бу илоҳлар тўғрисидаги турли афсоналарга йўғирилиб кетган ривоятларнинг мазмунларини чизиш шу сұғдлар жамиятининг ҳамма томонидан эътироф этилган характерли хусусияти, белгиси, дейилади. Аммо бу йирик шаҳар араблар истилосининг иккинчи босқичида, яъни 721 йилда босиб олингандан қўп ўтмасдан ташлаб кетилган бўлса, Помпей шаҳри эса, Везувий вулқонининг куллари остида қолиб кетган.

Помпей шахрининг харобаларида ҳам, Панжикент шахрининг харобаларида ҳам деярли ярми қазиб очилган бўлса ҳам унинг иккинчи ярмида қазишишлари ўтказилмоқда.

Француз тадқиқотчиси ва археологи сұғдлар тўғрисидаги фикрларга яна қўшимча қилиб шуни айтадики, сұғдлар тўғрисида гап кетганда ҳамма бир овоздан уларнинг Буюк Ипак йўлида асосий боғловчи вазифасини ўтаганликлари тўғрисидаги фикрни беришади. Аммо бу маълумотлар Панжикент харобаларида 60 йилдан ошиқроқ вақт давомида қазишмалар олиб борилган даврда аниқланмади. Аммо Панжикент қазишмаларига ҳавола қилиб сұғдларнинг V-VII асрлардаги бутун жаҳон тарихий тараққиётига қўшган ҳиссаси уларнинг бутун Ипак йўлида Осиё билан савдосига – Хитойдан Византиягача, Муғалистондан Ҳимолай чўққиларигача бўлган худудларда ташкилий жиҳатдан бошчилик қилганидир дейиш мумкин. Аммо Панжикент қазишмаларида топилган суратлари қарайдиган бўлсак кўпроқ жамиятда тақводор бўлиб яшаш, мардлик, жасорат улуғланганлиги яққол кўриниб туради.

Яна бошқа бир ёш француз тадқиқотчиси Этьен де ла Васьер айнан сұғдларнинг савдо билан шуғулланганликлари масалаларини ўша даврлардан етиб келган сұғд савдогарларининг ўз ватанларига ёзган хатларини, Хитой божхона ходимларининг ҳужжатлари, карвонлардан қолган кўпроқ қоятошларга ўйиб ёзилган ёзувларни ўрганиб муҳим хulosалар чиқариб, Франциядаги йирик Олий ўқув юрти Коллеж де Франсда нашр эттирди.

Марказий Осиёдаги сұғдар яшаган шаҳар ва қишлоқ харобаларини ўрганиш яна қайта Ҳиндистон ва Хитойга қайтишимизга олиб келди. Айнан Суғдиёна ва Бақтрия археологияси гүннлар ва әфталийлар даври тарихини қайта күриб чиқишимизни тақозо қилди. Чунки биз илгари ҳозирги буддавийларнинг ва арман манбаларининг жуда аниқ бўлмаган хулосаларига эътибор берар эдик. Эндиликда янги маълумотлар асосида шу нарса маълум бўлмоқдаки, Ҳиндистон билан Марказий Осиё ўртасидаги алоқалар узок перспективада жуда қучли бўлганга ўхшайди.

Айнан шу даврда Марказий Осиёнинг марказий қисмларида пайдо бўлган урбанизациянинг янги ўчоқлари унчалик йирик бўлмаган, атрофлари йирик мудофаа деворлари билан ўраб олинган шаҳарчалар пайдо бўлади. Айнан шу пайтда кушонлар салтанатида пайдо бўлган деворий суратлар солиш мактаблари Суғдиёнагача етиб келади. Суғдиёна ҳудудида бу санъат яна янги поғонага қўтарилади. Эндиликда бу сұғдар маданияти зардўштийлик даҳмалари, барча динларга мансуб худолар, Эрон эпопеялари, турли халқ эртакларидаги қаҳрамонларни тасвирлаган деворий суратлар пайдо бўлди.

Шимолий Хитойда 1990 йилларнинг бошларидан бошлаб суғдий савдогарларнинг шимолий Хитой ҳудудларидан кўплаб қабрларининг устига қўйилган қабртошлари топилди. Бу милоднинг VI асрларига оид топилмаларнинг топилиши нафақат сұғдарнинг ва Марказий Осиёдаги тақводор одамларни Шимолий Чжоу асри ва Суй династиясидаги ишлари тўғрисида ва умуман зардўштийликдаги олам, нариги дунёдаги ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлдик.

Ҳозирги кунда бизга Суғдиёнанинг жуда ҳам кўплаб аҳолиси тўғрисидаги, шунингдек уларнинг қўшнилари Бақтрия ва Хоразм тўғрисидаги маълумотларга эгамиз. Шу билан бирга жуда кўп ҳолатларда биздаги маълумотларга қарама-қарши ҳолатлар ҳам бор.

Энг биринчи парадокс шундан иборатки, бу давлат структураси ва бу структурада подшонинг ўзини ўрни масаласидир. Бу даврда Марказий

Осиёдаги энг йирик давлатлардан бири Сосонийлар давлати бўладиган бўлса, уни барча олимлар қадимги Эроннинг маданий жиҳатдан давоми деганлар. Ҳозирда маълум бўлишича бу фикрларда оз бўлса ҳам ҳақиқат борга ўхшайди. Айниқса давлат белгисининг символикасида бу яхши кўринади. Бу даврдаги Марказий Осиёдаги давлатларни кўрадиган бўлсак, бу давлатларнинг давлат бошлиқлари ўзларини Эрон сосонийлари билан баробар кўришади. Айниқса Эронда монархия эълон қилингандан бошлаб бу нарса катта куч билан давом этади. Милоднинг 660 йилида Марвда сосонийларнинг энг охирги подшосининг ўлдирилиши муносабати билан Самарқанд подшоси, Хитойнинг Танг династиясини иттифоқчиси ўзининг Самарқанддаги саройида рассомларга ўзини бутун дунёдаги мамлакатларининг жаноби олийлари эканлигини кўрсатадиган, янги йил байрамларини бошқарувчиси, чет эллик элчиларни кутиб оладиган ва хуллас илгари фақат Эрон сосонийлари томонидан бажариладиган ваколатларни эндиликда ўзлари бажаришлари ва бунга ўзларини масъул дейишади. Панжикентда топилган топилмалар, айниқса деворий суратлар арабларнинг омавийлар сулоласи бу шаҳарни олиши даврида бу ҳудуд бир-бирига қарама-қарши сулолалар ўртасида жанг кетаётган бир даврда реал ҳокимият турклар қўлида эди.

Жуда кўплаб ҳайрон қоладиган ва бир-бирига қарама-қарши далиллар ичида диний тасаввурлар ва диний тушунчаларга тўғри келади.

Кўп мақолалар ва китобларда Марказий Осиёнинг марказий ҳудудларидаги будда динига мансублар кўпроқ савдо билан шуғулланадиган савдогарлар эди деган тасаввур ва тушунчалар бор. Кейинги тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, юқоридаги фикр фақат Бақтрия учун тўғри бўлган экан. Бу ҳудудда ҳақиқатдан ҳам буддизм асосий дин бўлмаса ҳам аҳолининг кенг табақасини қамраб олган кўринади. Аммо Суғдиёна ҳудудида бундай деб бўлмайди. Чунки бу ҳудудда буддизмга оид йирик археологик топилмалар топилгани йўқ. Самарқанд ва унинг атрофларида

савдо-сотиқ гуллаб яшнади. Аммо дин масаласида, диний тушунчалар тўғрисидаги тасаввурлар Бақтриядагига қараганда мутлақо тескариси бўлди. Самарқанд ва унинг атрофларида биронта ҳам будда ибодатхоналари ёки будда дини билан боғлиқ ёдгорликларини топилмаган. Милоднинг 630 йилида Самарқанд орқали ўтган хитойлик зиёратчи Сюаньцзан бу ерда биронта ҳам монарх қолмаганлигини, будда билан боғлиқ монастирларда уларнинг кетидан зардушт динидаги фанатлар таъқиб қилиб юришганлигини ва уларни зардўштийларнинг тозаловчи ўтида қуидиришларини ёзади. Суғдлик буддавий динига мансуб аҳоли ўзидан қўплаб ёзма манбалар қолдиришди. Суғдлик будда динига мансуб аҳоли асосан Шарқий Туркистон худудида бу динни қабул қилган ва кўпроқ ўша жойда бу дин ривожланган.

Эрон ҳудудидаги зардўштийлик Марказий Осиёдаги зардўштийлик билан бир хил бўлса ҳам, у ердаги зардўштийлик ўзининг ниҳоятда камбағал диний илоҳий тасвирлари бўлган. Айнан зардўштийлик Марказий Осиёни Эрон сосонийлари билан боғловчи звено бўлди. Айнан Эронда бу дин давлат дини эди. Бадиий ижодкорликдаги ҳар қандай ёндошиш албатта ягона ҳукмронлик санъати билан боғлиқ бўлиши керак эди.

Марказий Осиёдаги зардўштийликда аслида Эрондагидан қонун қоидалар бир хил бўлсада, бу ерда анча эркинлик сезилади. Бу ерда диний тасаввурларни вужудга келишида иконографик тасвирлардан кенг фойдаланилди. Дастрлаб греклардан олинган жуда кўплаб афсонага йўғирилиб кетган худолар, диний илоҳий тушунчалар, кейинчалик Рим империяси билан бўлган маданий алоқалар ва кейинча хиндуизмнинг таъсири Суғд иконографияси ва диний-илоҳий тасаввурларини пайдо бўлишида, тўлиқ шаклланишида жуда катта роль ўйнади. Марказий Осиёдаги диний-илоҳий тасаввурларни пайдо бўлишида грекларга, римликларга ёки ҳиндистонликларга кўр-кўrona эргашиш эмас, балки улардаги маълумотлар қайта ишланиб, маҳаллий зардўштийлик қонун-қоидаларига мослаштирилди. Яқин атрофдаги турли халқларнинг бундай диний илоҳий таъсирларини

катта бўлганлигини маҳаллий календарларда 27 та худонинг тасвиirlари туширилган бўлиб, уларнинг ҳар қайсиинисини ўзини тасвири алоҳида бўлган. Булардан ташқари жуда оригинал тасвиirlар туширилган бўлиб, уларни пайдо бўлишида қадимги даврлардан қолган текстлар хизмат қилган. Шулар билан бирга Эрон сосонийларининг зардўштийлик дини элементларига мутлақо қарши бўлган, шу билан бирга маҳаллий зардўштийликка кириб келган, ҳатто байрам календарларига ҳам киритилган Мессопотамиянинг культи Иштар, Марказий Осиёда уни Нана деб айтишган, кейинги йилларда топиб ўрганилган турли мавсумий байрамларда Деметрий культини ҳам кенг тарқалгани қайд қилинди. Шу билан бирга шуни қайд қилишимиз керакки, Бақтриядан топилган жуда ҳам кўплаб тангаларда юқоридаги “сирли худоларнинг” тасвиirlарини чизилмаганлиги одамни ҳайратга солади.

Марказий Осиёдаги зардўштийликнинг Эрондаги сосонийлар даври зардўштийлигидан яна бир бошқа фарқи суғдларнинг зардўштийлик дини ҳеч қачон буддизмдан бошқа динларни қувғин остига олмаган. Чунки, уларни ҳеч қачон давлат структуралари қўллаб қувватламаган. Шунинг учун суғдларнинг дини ўзлари билан бирга бошқа динларни ёнма-ён бўлишига қаттиқ қаршилик кўrsатмаган. Масалан Бақтрия подшолигида илгари буддизм ва хиндуизм күшонлар давлатининг подшолари томонидан қўллаб – қувватланган.

Суғдларнинг илк ўрта асрларда қўлга киритган ютуқларидан бири бу архитектура соҳасидаги ютуқлариdir. Бу даврдаги архитектура соҳасидаги муваффақиятлар ўзининг энг юқори нуқтасига чиқди. Айниқса илк ўрта аср феодал ер эгалари томонидан солинган қалъалар, кўшклар ўзларининг бетакрор архитектура ечимлари билан кишини ҳайратга солади. Айниқса уларнинг тархини тугалланганлиги, қўшкларнинг такрорланмайдиган композициялари ва айниқса қурилиш материалларининг – пахса, ғишт кабиларни комбинация асосида ишлатилиши натижасида зилзилаларга бардошлиқ даражаси янада ошди. Масалан, пахса деворлари ишлатилишида

блокларга бўлиб ишлатилган. Бу унинг зилзилага бардошлилик даражасини янада оширган. Зилзилага бардошлиликни ошириш учун бир қатор пахса деворини уйнинг тўрт тарафига айлантириб чиқилгандан кейин уч қатор ғишт терилган. Гиштдан кейин яна бир қатор пахса девор кўтарилиган. Илк ўрта асрлардаги сугдлар томонидан қўлга киритилган энг катта муваффақиятлардан бири ҳам айнан шу зилзилага бардош берадиган ғишт ва паса девор қаторларини уйғунлигини ўйлаб топганлариdir.

Суғд шаҳарсозлигининг архитектурасининг турли деталлари зардуштийларнинг оссуарийларида жуда ҳам яхши берилган. Маълумки, оссуарийлар зардуштийликнинг кўмиш маросимларида ишлатиладиган сополдан ясалган, “яшиксимон”, қопқоқли идиш бўлиб, унга ўлган одамни тозаланган суюклари солиб қўйилган. Айнан шу идишнинг ташқари тарафидан ўша даврдаги уйларнинг умумий кўриниши, асосий деталлари билан бирга тасвирланган. Айниқса суғдлар жамиятида жуда ҳам кенг тарқалган архитектура иншоотларидан бири кўшклар бўлиб, уларнинг архитектура ечими ҳар қандай одамни ҳам лол қолдирадиган даражада бўлган. Уларнинг умумий ташқи кўринишидан ташқари, устунлари, арклари, тишсимон қилиб ясалган парапетлар, ва бошқа деталлари ўша давр архитектурасини яққол кўрсатиб берарди.

Суғд шаҳарсозлигини яққол кўрсатиб берадиган деталлардан яна бири ҳозиргача сақланиб қолган Бухоро шаҳридаги сомонийлар мақбараси ва Самарқанд шаҳридаги Кусам ибн Аббос мақбарасини ташқи томондан безаклари бўлиб, унда оддий пишиқ ғиштни турли шаклларга солиш йўли билан бинога-шу иншоотларга нақш берилган.

Милоднинг X асирида Самарқандга келган араб сайёхи Ибн Хаукалнинг ёзишича, “Самарқанд гуллаётган шаҳар”, шу билан бирга у шаҳардаги кўшклар, юқорига кўтарилиган миноралар, ажойиб қилиб қурилган уйлар, ҳашаматли саройлар бўш, ташландик ҳолга тушиб қолган”. Бу албатта Самарқанднинг (Афросиёбнинг) араблар истилосидан кейинги кўриниши

эди. Археолог, санъатшунос олималардан бири Г.А.Пугаченкова юқоридаги ҳолат бўйича иккита сабабни келтиради. Биринчиси, араблар истилосидан кейин ташландик ҳолатга тушиб қолганлиги тўғрисидаги факт бўлса, иккинчиси эса, ўз замонасининг феодалар жамиятининг ривожланиши билан боғлик ҳолат бўлиши керак, деб айтади.

Аббосийлар даврига келиб малакатнинг майда алоҳида, мустақил давлатчаларга бўлинишига қарши кучларнинг, яъни марказлашган давлатни мустаҳкамлаш йўлидаги уринишлар билан боғлик ҳолат бўлиши керак деб ўйлаймиз. Ҳар қандай янги ташкил этилган давлат ўзининг тузуми, ўзининг тартиб ва қонунлари учун курашган ва бу йўлда илк ўрта асрлардаги тарқоқлик аббосийлар давлатининг қаршилигига учраши табиий эди. Бу ҳаракатнинг тарафдорлари албатта янги қабул қилинган ислом динининг тарафдорлари бўлди.

Ривожланган ўрта асрлар (Х-ХІІІ асрлар) га оид ёдгорликлар Самарқанд вилоятининг ҳудудида 150 яқин жойда аниқланган. Бу ёдгорликлардан 15 таси катта-кичик шаҳарларнинг харобалари бўлса, қолганлари қишлоқлардан иборат эди. Бу шаҳар ва қишлоқлар ўтган даврга нисбатан анчагина камдир. Бу албатта ёзма манбалардаги маълумотлар билан археологик маълумотларнинг бир-бирига тўғри келмаслигидандир. Чунки айнан шу даврга оид араб сайёҳлари берган маълумотларга кўра Самарқанд ва унинг атрофларида ҳолат гуллаган, яшнаган ўлка сифатида таърифланади. Истаҳрийнинг берган маълумотларига кўра Самарқанд вилоятида 12 та рустак бўлиб, улардан олтига рустак Зарафшон дарёсининг жануб томонида жойлашган. Булар Бунджикент (ёки Панжикент), Варагсар, Маймург, Санжерфеган, Дарғом ва Абгардир.

Юқоридаги хабардан қўринадики, Зарафшон дарёсининг юқори қисмида Буджикат жойлашган бўлса, ундан қуйироқда Варагсар бўлиб, айнан шу манбаларда Дарғом канали Варагсардан чиқсан ариқлардан сув олиши маълум қилинади. Варагсардан чиқсан каналнинг бошидан каналнинг

охиригача бўлган узунлик 10 фарсахни ташкил қиласа, унинг кенглиги 4 фарсахни ташкил қилган. Ёки Дарғом канали ривожланган ўрта асрларда ҳам максимал даражада суғориши мумкин бўлган майдонларни тўлиқ суғориб бўлган. Дарғом суғорган майдон 70x20 км ни ташкил қилган.

Яна бир аҳоли зич жойлашган рустаклардан бири Маймурғ бўлиб, унинг бош шаҳри Ривдатdir. Ёзма манбаларда Ривдатни Самарқанд шаҳридан бир фарсаҳ масофада жойлашгани тўғрисида сўз кетади. Айнан араб сайёҳи Мақдисийнинг берган маълумотларига қараганда Самарқанд ҳукмдорлари, яъни Самарқанд ихшиidlари айнан шу Ривдатдан туриб бутун мамлакатни бошқарганлар. А.М.Беленицкий бу шаҳарни Талли Барзу ўрнида бўлган бўлиши кераклигини тахмин қилади. Аммо А.Бердимуродов ва М.Исомиддиновлар бу фикрга қарши чиқиб, Ривдат Кофир Қалъя ўрнида бўлган бўлиши керак дейишади.

Ибн Ҳаукал Ваздикер қишлоғи Шавдар тоғларида бўлганлигини ва унда несторианларнинг монастири (ибодатхонаси) ва хужраси бўлганлигини ёзади<sup>74</sup>. Олиб борилган археологик қазиашма ишлари шуни кўрсатдики, В.В.Бартольд томонидан тахмин қилинган Ваздикер қишлоғи ҳозирги Ургут шаҳрининг жанубий чеккасида бўлганлиги ва у ерда тоғдаги қоятошга ўйиб чизилган хож тасвири топилди.

Араб сайёҳларидан Саманий ва Ибн Якут Уструшона билан Самарқанднинг чегараларида, (яъни ҳозирги Самарқанд вилоятининг энг шимолий чеккасида) Яркет ва Бурнамед бўлиб, улар Зарафшон сувидан эмас, балки ёмғир сувларидан ва булоқ сувларидан фойдаланишларини ёзиб қолдиришган. Балким ҳақиқатдан ҳам Яркет Булунгур туманидаги тоғли ва тоғолди худудларида бўлган бўлиши мумкин. Аммо Бурнамед Уструшонада бўлган бўлиши керак.

Мақдисий Бузмаджан рустаки тўғрисида ҳам ёзилган бўлиб, Самарқанддан Уструшонага томон 4 фарсаҳ йўлда бўлганлигини ва бу

<sup>74</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. М.: Наука, 1963.

рустакнинг Баркет ёки Абаркет шаҳарлари бўлганлигини ёзади. А.М.Беленицкий Баркет шаҳрини ҳозирги Булунғур райони ҳудудида бўлган бўлиши кераклигини ёзган бўлса, бу шаҳарни шу тумандаги Оқтепа ёдгорлигига бўлган бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикрни X.Ахунбабаев томонидан берилди<sup>75</sup>.

Иштихон ва Кушания рустаклари ҳамда Самарқанд шахри ўртасида Ведар рустаки жойлашганлиги, чунки Истахрийнинг ёзишича Ведардан Синаваб ариғи ўтган бўлиб, бу ариқ Иштихонгача етиб борган дейилади. Бу ариқ сувни Самарқанд яқинида олиб, Кебудаджакент ва Марзбан рустакларини сугорганлиги тўғрисидаги маълумотлар бор. Бу ерда ҳозирги пайтгача ишлаб келаётган Иштихон канали тўғрисида гап кетаётган бўлиши керак, чунки бу канал ҳозирги кунда ҳам бор.

Кебуданджакет ва Ведарнинг шаҳарлари Самарқанддан 2 фарсаҳдан нарида жойлашган бўлишиб, уларнинг ҳар қайсиси мустақил эдилар.

Иштихон ва Кушания рустакларининг жойлашган ўрнини анча осон аниқлаш мумкин. Чунки ўрта асрларга оид Иштихон ҳозирги пайтгача Иштихон деб айтилади. Истахрийнинг хабар беришича, Иштихондан Кушаниягача 5 фарсах, яъни бир кунлик йўл, яъни 35 км дейилса, Самарқанддан Иштихонгача 7 фарсах ёки 50 км иборат.

Айнан шу ўрта аср тарихчиларининг берган маълумотларига кўра Иштихон шахри анча йирик шаҳар бўлиб, шаҳристон, арк ва работ қисмларидан иборат. Иштихоннинг мамлакатимиз тарихида тутган ўрнини жуда ҳам катта эканлигини шундан билиш мумкинки, айнан араб тарихчиларининг хабарларида Самарқанд араб халифалиги томонидан эгаллангандан кейин суғд ихшидлари ўзларининг пойтахтларини Иштихонга кўчирганликлари тўғрисида ёзишган.

Араб тарихчиларининг маълумотларига қараганда Иштихон рустакининг узунлиги 5 кунлик йўлдан иборатdir, кенглиги эса, 1 кунлик

<sup>75</sup> Ахунбабаев X. Археологическое изучение Булунгурского района в 1979-1980 гг. ИМКУ, вып. 18. Ташкент, 1983. С.154-164.

йўлдан иборатдир. Агарда бир кунлик йўл 30-36 км бўладиган бўлса, бу рустакнинг умумий узунлиги 150 км ва кенглиги 30-36 км кам бўлмаган.

Кушания рустакининг аҳамияти Иштихоннинг аҳамиятидан кам бўлмаган. Унинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 2 кунлик йўлдан иборат бўлган. Шу билан бирга араб географлари Кушания рустакига таъриф беришар экан, “Кушания Суғд шаҳарларининг ичидаги энг гуллаган рустаклардан бири эканлигини ёзишган. Иштихон ва Кушания Суғд дарёсининг шимолий томонида жойлашишган эканлигини, ва энг муҳими, “... Суғд шаҳарларининг юраги Кушания ва унинг аҳолиси Суғднинг бошқа рустакларнинг аҳолисига нисбатан бой яшашади” дейди.

М.Исомиддинов томонидан Самарқанд вилоятининг Мионқол қисмининг археологик ёдгорликларини ҳисобга олиш даврида иккита йирик шаҳар харобаси – Сугат ва Оқтепа археологик обидалари уларни диққатини тортганлиги тўғрисида хабар беради. Муаллифнинг фикрича Оқтепа ёдгорлиги араб манбаларидаги Кушания ёдгорлиги билан, Сугат эса, темурийлар давридаги Сугатикалон тумани билан бир хил эканлиги таъкидланади. Юқоридаги ҳар икки тепа Мионқолнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган.

Ибн Хаукал томонидан Сагардж деган йирик қишлоқ эслатилган бўлиб, бу қишлоқни Сагардж тоғлари яқинида эканлигини ёзган. Бу қишлоқнинг харобаси ҳозирги пайтда маҳаллий аҳоли томонидан Согиштепа деб айтилади. Бу ерда олиб борилган археологик қазиашма ишлари ёдгорликнинг мудофаа деворлари йўқ эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам араб географлари томонидан бу аҳоли пунктини шаҳар эмас, балки қишлоқ деб айтишган. Бу қадимги қишлоқ харобаси ҳозирги пайтда маҳаллий аҳоли томонидан “Соғиштепа” деб айтилади ва Пойариқ тумани билан Иштихон туманининг чегарасида айнан шу номдаги қишлоқ ҳам бор.

Сагардж қишлоғи XIV-XV асрларда ҳам интенсив равища ўсганлигини кўрамиз. Бунинг асосий сабабларидан бири Бухородан чиқкан

савдо карвонлари Жиззахга, Ўтрор ва Туркистон томонларга айнан шу йўл орқали ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар бор. Сўнгги ўрта аср манбаларида Сагарджда Шайхзода яшаганлигини ва унинг барча авлодлари Самарқанднинг шимоли-гарбий дарвозаларини қўриқлашганликлари тўғрисидаги хабарни берадилар ва шунинг учун ҳам бу дарвозани “Шайхзода” деб айтадилар дейилади. Самарқанд шаҳрида Бурхониддин Сагаржий номи билан аталадиган мақбара бўлиб, унинг ислом динида тутган ўрнини катта бўлганлиги учун ҳам Амир Темур мақбараси ҳам унинг пойи тарафига қўйилган. Айнан шу даврда Сагарж қишлоғининг атрофи мудофаа девори билан ўраб олинади ва 20 га ерни эгаллайди. Унинг катталашиш жараёни ўзбек хонликлари даврига тўғри келади ва XVIII асрга келиб бу жой аҳоли пункти сифатида ташлаб кетилади.

Самарқанд Суғди ҳудудида энг катта шаҳарлардан бири Рабинжон бўлиб, бу шаҳар тўғрисида араб манбаларида эслатилади. XXудди шу ном билан Нарпай туманида археологик обида харобаси сақланган.

Бу шаҳар тўғрисида Ибн Хаукал қуидагиларни ёзади: “ ... дарё Самарқанддан чиқиб икки кунлик йўлдан кейин ундан “Фай” номи билан аталадиган канал оқиб чиқади... бутун Суғд ҳудудида биронта ҳам канал йўқки, унинг атрофи бунчалик кўп ишлов берилган, аҳолиси кўп, дехқонлари кўп, улуғвор қўшклари, мустаҳкам қишлоқлари бўлсин. Бу шаҳар Суғднинг юраги ва ундан жуда кўплаб ариқлар оқиб чиқади. Ибн Хаукал жуда катта ҳудудни сугорган “Фай” (ҳозирги Пай) канали ва унинг энг йирик шаҳри Рабинжон тўғрисида, ўша канал сугорган дехқончилик ҳудуди тўғрисида ёзган эди.

Рабинжон ёдгорлиги шаҳристони ва работи билан бирга 100 га майдондан ошиқ ерни ташкил этади. Аммо ёдгорликнинг работ қисми анчагина бузилган ва шунинг учун ҳам бу ёдгорликнинг работ қисмини умумий майдони шу атрофда тарқалган кулолчилик буюмларининг, ҳамда пишиқ ғиштларнинг парчаларига қараб аниқланади. Араблар истилоси

даврида Рабинжон Суғддаги энг йирик шаҳарлар қаторида босқинчиларга қарши курашган мамлакат сифатида қаралади. Айниқса X-XI асрларга келиб Рабинжон йирик ҳунармандчилик ва айниқса турли матолар тайёрлайдиган марказ сифатида танилган. Бу шаҳарда тайёрланган тўқимачилик матолари бутун Шарқдда “Рабинжони” номи билан машҳур бўлган.

Ўрта асрларга оид (X аср) яна бир муаллиф Ал-Мақдисийнинг ёзишича, “Рабинжондан халқаро бозорга қизил жундан тикилган елкага ташлаб юрадиган енгиз енгил кийимлар, гиламчалар, металлдан ясалган идишлар, теридан тикилган буюмлар, қаттиқ каноп маҳсулотлари ва олтингугурт ишлаб чиқилган.

Бу ерда ишлаб чиқилган барча ҳунармандчилик маҳсулотлари бу ердаги қадимги шаҳарнинг иқтисодий потенциалини катталигини кўрсатадиган кўрсатгич ҳисобланади. Худди шу шаҳарнинг рабод қисмидан иккита тангалар коллекцияси топилган бўлиб, шулардан 44 таси олтин динорлар бўлиб, уларнинг умумий оғирлиги 185 г. ташкил этади ва X асрнинг биринчи ярми билан даврланади. Топилган бу танга пуллар коллекцияси яна қўшимча равишда Рабинжон шаҳрининг Шарқдаги иқтисодий потенциалини кўрсатадиган далилардандир.

Бу ёдгорлик ҳудудида ўтган асрнинг 70 йилларида О.М.Ростовцев билан Ю.Ф.Буряков қазишка ўтказишиб, ёдгорликнинг рабод қисмida йирик бинонинг борлиги ва бу бинонинг хоналарининг деворлари битта зал билан бирга нақшинкор ганч билан безатилганлиги аниқланди. Айнан шундай ганчдан нақшинкор декорли бинолар Афросиёбдаги биноларда ҳам бор эди.

Археологлар юқоридагилардан ташқари шаҳарнинг ёзма манбаларда эслатилган рабод қисмини ва унинг атрофларини чегараларигача аниқлаб ўрганишди. Ибн Хаукал бўйича Рабинжон атрофлари Суғднинг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган Дабусия атрофларидан кўра ҳам йирикроқдир. Рабинжон шаҳри 1157 йилги Самарқанд ҳукмдори

Ҳасантегиннинг ўғли Чагрихон Жалолиддин билан Хоразм хукмдори Ил-Арслон ўртасида бўлган жанг давридаги ёнғин, вайроналар натижасида вайронага ва кейин эса оддий тепага айланди<sup>76</sup>.

Самарқанддан Бухорога борища учрайдиган кейинги йирик шаҳар Дабусия шаҳридир. Ёзма манбаларда Дабусия шаҳри Рабинжондан 5 фарсах масофада жойлашган шаҳардир. Бу шаҳарни Зиёвуддин қишлоғидан шарқ томондаги Қальяи Дабусия деб аталадиган археологик обида билан қиёслаш мумкин. Охирги йилларда бу ёдгорлик Халқаро ўзбек-япон қўшма экспедицияси томонидан ўрганилди.

Самарқанд воҳасидаги, балки бутун Мавараунардаги энг йирик шаҳар ва аҳоли сони жиҳатидан ҳам энг кўп аҳоли яшаган масканлардан бири албатта Самарқанд шаҳри бўлган. Бу шаҳарнинг бутун воҳани ўзлаштиришдаги ўрни беқиёсdir. Аммо шаҳарнинг бундан 2750 йил илгари барпо этилганлигини аниқлаш масаласи, албатта Мустақиллик мевасидир. Бундай дейишимизнинг албатта сабаби бор, чунки айнан Мустақиллик йилларининг бошиданоқ собиқ Иттифоқ исқанжасидан чиққан бошқа республикалар иқтисодий жиҳатдан жуда ночор аҳволда турган бир пайтда Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон тарихимизни, манавиятимизни ўрганишни биринчи планга қўйди. Чет эллик ҳамкорлар биргалиқдаги олиб борилган экспедициялар ўз пайтида ва жуда тўғри чет эллик ҳамкорларни археология йўналишида олиб борилган ишлари бўлди. Чет эллик археологларнинг Самарқанд ва унинг атрофларини ўрганиш учун киритган инвестицияси ўз ҳосилини жуда тез берди. Бу халқаро экспедицияда 20 йилдан ортиқ вақт давомида Ўзбекистон томонидан раҳбарлик қилган М.Исомиддинов француз ҳамкорлардан кўра илгарироқ Самарқанд ёшини илгари таҳмин қилингандан кўра 200 йилга қадимгироқ эканлигини аниқлади. Бу экспедиция фақат Самарқанд шаҳринигина эмас,

---

<sup>76</sup> Буряков Ю.Ф., Ростовцев О.М. Археологические исследования Рабинджана. ИМКУ-19. Ташкент.: 1984. С.153-168.

балки унинг атрофларини ўрганди, янги, илгари бошқа археологларга маълум бўлмаган ёдгорликлар топилди.

Халқаро Ўзбек-Француз экспедицияси тузилгани билан унинг қатламлари осонгина ўзининг қадимги сирларини очган эмас, балки унинг қатламлари батафсил ўрганилгандан кейингина Самарқанд шаҳрининг шаҳар сифатидаги, унинг қадимги тарихи, маданиятининг илдизлари, аҳолисининг диний, илоҳий тушунчалари тўғрисидаги маълумотлар олинди.

Самарқанд шаҳрининг ҳажми тўғрисида Ибн ал-Факих “Самарқанд Балх ва Бухорога ўхшаб 12 фарсаҳдан иборат бўлган ва 12 та дарвозасига эга мудофаа девори билан ўраб олганлиги тўғрисидаги хабарни беради. Ҳар қайси дарвозанинг икки қаноти бўлиб, шаҳарнинг ичкари қисмидан яна бошқа дарвоза билан ҳам беркитилган. Бу ерда гап шаҳарнинг дарвозаларини ёғочдан ясалганлиги, фақат икки қанотлилиги эмас, балки ички ва ташқи дарвозалардан иборат эканлиги тўғрисида гап кетмоқда. Ҳар икки дарвоза ўртасида дарбозабонларни туриши учун алоҳида хона борлиги” тўғрисида ёзилган. Бу шаҳарнинг ҳажми тўғрисида ҳам турли-туман фикрлар бор.

Хитой сайёхи Сюан Цзян маълумотларига асосланиб М.Е.Массон Самарқанднинг атрофлари билан 20 ли (ли-0,5 км) эканлиги тўғрисида ёзади. Бу муаллиф Самарқанд шаҳрининг катталиги VII асрда Афросиёбдан ташқарига чиққанлигини ёзади. М.Е.Массоннинг бу фикри ўз пайтидаёқ археологлар томонидан танқид қилинган эди. Аммо М.Е.Массоннинг фикрига қарши турадиган асос жуда ҳам бўш бўлиб, асосан М.К.Пачос қазишмаларига асосланган эди. М.К.Пачоснинг қазишмалари жуда бўш, ҳеч қандай танқидий қарашларни кўтара олмайдиган қазишмалардан иборат эди. Унинг нуқтаи-назари бўйича Афросиёб шаҳристонини ўраб турган антик даврларга оид мудофаа иншооти умуман бўлмаган деб ёзган<sup>77</sup>.

---

<sup>77</sup> Пачос М.К. Археологические исследования Афрасиаба. 1967, №1. С. 60-73

## ХУЛОСА

Зарафшон водийсининг юқори ва ўрта оқимлари жуда қадимги даврлардан одамларнинг яшаси учун қулай иқлимий шароитларга, бой фаунага эга бўлган. Мутахассисларнинг фикрига кўра ўрта палеолит давридан бошлаб бу худудларнинг юқорида айтилган қулай иқлимий шароитлари бу ерларга илк одамларни келиб ўрнашишига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам Самарқанд воҳасини илк ва ўрта палеолит давридан бошлаб узлуксиз одам яшаган маконлардан биридир деган фикрларни беришган. Бу фикримизга Омонқўтон, Такалисой, Гўрдара, Кўтирабулок, Зирабулоқ, Қизилнурга каби ёдгорликларнинг борлиги фикримизни тасдиқлайдиган далилларданdir.

Бизнинг фикримизча, қуи ва ўрта палеолит даврининг одамлари кўпроқ тоғли худудлардаги ғорларни, ғорсимон табиий “айвон”ларни, шунингдек теккислик ерлардаги тўқай, қамишзор, бўтасимон дарахтлардан иборат ўрмонларни макон қилишган. Худди шундай жойллар йирик ёввойи ҳайвонларни яшасига қулай табиий шароит бўлган. Шунингдек илк одамларнинг асосий меҳнат қуролларини тайёрлаш учун ҳар қандай табиий тошлар керакли қуролни ясаси учун ярамаган. Бундай минералларнинг энг қулайи ва юксак сифатли қурол ясаш имконини берадигани обсидиан минерали бўлиб, ундан турли шаклдаги меҳнат қуролларини ясаш мумкин бўлган. Аммо Ўрта Осиё шароитида обсидиан минерали жуда камёб минераллардан бўлиб, бу худудларда кўпроқ чақмоқтошлардан, жуда қадимги давларда эса, оддий галка (дарёларни остида кўп ювилиши натижасида ҳосил бўлган табиий тош қуроли) лардан ҳам фойдаланишган. Шунинг учун ибтидоий даврда одамлар ўз манзилгоҳларини танлаган даврда тош қуролларини ясаш учун қулай конлар бўлган жойларни танлашга аҳамият беришган.

Инсониятнинг бу қадимги давр тарихи яқин бир миллион йилдан ошик бўлган даврни эгаллаган давр бўлиб, бу давр инсониятни ҳайвонот

дунёсидан, маймунлар оламидан ажралиб чиқсан даври, инсониятни илк ривожланиши давридаги инсоний кўникмаларга эга бўла бориш давридир.

Юқори палеолит давридан бошлаб ҳозирги замон одамининг тарихи бошланган бўлиб, қадимги яшаш масканлари тоғлардан пастга тушган. Бу даврга келиб, катта ва кичик дарёларнинг бўйларида, адирларни кесиб тушган сувларнинг ёқалари, кичик кўлларнинг бўйлари, унинг атрофларидағи табиий қамишзор ва бўтазорлардаги ҳайвонларни, турли паррандаларни, сувдаги балиқларни овлашиб кун кўришган. Шунинг учун бу даврга келиб одамлар кўпроқ тоғлардан оқиб тушаётган сувларнинг этакларидағи табиий кўллар ҳосил бўлган жойлар, ёки ер остидан чиқиб табиий оқиб ётадиган сувларнинг қуи қисмидаги кўлларни атрофларини макон қилишган. Чунки, бу даврга келиб ҳозирги замон одами пайдо бўлганлиги учун ҳам, унинг онги неандертал одамидан кўра бир неча баробар юқори бўлган. Айниқса унинг ов қилиш имкониятлари ўсди, ривожланди. Эндиликда илгариги жуда қўпол, йирик ҳажмдаги тош қуроллари эмас, балки юпқа пластиналардан ясалган кесувчи, қиравчи қуролларни ишлаб чиқарадиган технологиялар пайдо бўлди. Натижада ов қилиш технологиялари ҳам ўзгариб янги ов қилиш масканларини қидириш, янги ерларни ўзлаштириш кучайди.

Самарқанд воҳасидаги юқори палеолит даврига оид энг йирик манзилгоҳларидан бири Самарқанд юқори палеолит даври манзилгоҳи табиий булоқ сувларидан тўйинадиган Сиёбча сойининг ўнг соҳилидан Самарқанд ўлкашунослик музейининг ходими Н.Г.Харламов томонидан топилган бўлиб, кейинча Д.Н.Лев ва М.Ж.Жўракуловлар томонидан ўрганилди.

Самарқанд воҳасидаги юқори палеолит даврига оид иккинчи йирик археологик ёдгорлик Хўжамазгил ёдгорлиги бўлиб, бу ёдгорлик Булунғур туманидаги тоғ қаъридан ёриб чиқсан, чучук сув асосида ҳосил бўлган қадимги кўлча бўйидан топиб ўрганилган. Демак, ҳар икки юқори палеолит

даврига оид ёдгорлик ҳам табиий булоқлардан тўйинадиган сувларнинг бўйида жойлашган бўлиб, бундай жойларни яна ўн минг йиллар давомида макон бўлганлигидан далолат бериб туради.

Мезолит давридан бошлаб табиий шароит тубдан ўзгарди. Бутун палеолит даврида йирик ҳайвонлар жуда кўп бўлган эди. Аммо улар яшаган муҳит бу даврга келиб мутлақо ўзгарганлиги сабабли илгариги йирик ҳайвонларнинг жуда кўпи қирилиб кетди. Эндиликда тез югурувчан, енгил, кичикроқ ҳайвонларни ва ҳатто қушларни яшаши учун қулай иқлимий шароитлар вужудга келди. Шунинг учун ҳозирги замон одамини онгини имкониятлари ишга тушиб, шу даврга келиб камон ва унинг ўқини, найза, жуволдиз каби меҳнат қуролларини ихтиро қилди. Бу мезолит даврининг энг буюк ихтиrolаридан бири эди.

Бу даврдаги Самарқанд воҳасидаги табиий шароит, яъни иқлим анча иссиқ, ҳозиргидан кўра намроқ ҳаво бўлганлиги учун ҳам Самарқанд воҳасининг атрофларидағи тоғлар ўрмонлар билан қопланган эди<sup>78</sup>. Айниқса Самарқанднинг жанубий тарафидаги Қоратепа ва Сазағон тоғларида қалин ўрмонзорлар бўлганлигини палеоботаниклар ва тупроқшунослар олиб борган илмий текшириш ишлари тасдиқлади. Шунинг учун ҳам бу жойларда, айниқса тоғли ва тоғолди ҳудудларидағи қабилаларнинг хўжалигини юритиши учун, овчиликни юргизиш учун жуда қулай имконият бўлган. Бу даврга оид археологик обьектлар Сазағон I ва қисман Сазағон II обьектлариdir. Бу ёдгорликлар мезолит даври қабилалари томонидан ўзлаштирилган ҳудудларни кўрсатса, кейинги неолит даврида Самарқанд воҳасининг марказий ва қуи қисмлари ҳам неолит даври жамоалари томонидан тўлиқ эгалланганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга археолог олимларимиз Самарқанд воҳасида ва Ўзбекистоннинг бошқа барча ҳудудларида қанчалик кўплаб ёдгорликларида қазишима ишларини олиб боришган бўлишмасин, барibir мезолит даври

---

<sup>78</sup> Петров Ю.М. Самарканд. Климат и погода. Л.: 1982.

билан неолит даврининг стратиграфияси, уларнинг аниқ чегараси, бошланган ва тугаган даврларида қатор муаммовий масалалар бор.

Зарафшон водийси, айниқса, унинг марказий ва ғарбий ҳудудлари неолит даври ёдгорликларига бой. Зарафшон водийсининг тоғ олди адирли минтақаларида (турли даврларга оид Сазагон маданияти, Учтут шахтаси, Сармишсой қоятош суратлари) ҳамда Зарафшоннинг қуи ҳавзаларида, яъни чўл минтақасида (калтамиор маданияти) неолит даври ёдгорликлари кенг кўламда ўрганилган.

Зарафшон воҳасида неолит даврида Марказий Осиёning жанубий ҳудудларидагидай дехқончилик вужудга келмаган. Аммо бу даврда дунёдаги барча ҳудудларда бўлгани каби бу воҳада ҳам “неолит даври инқилоби”нинг таъсири сезилабошлайди. Биринчи марта кулолчилик пайдо бўлди. Кулолчилик буюмлари латтадан қолип тайёрлаб унинг атрофига лой ёпишириш усули билан турли идишларни ясашган. Бундай идишлар мато ёрдамида ясалганлиги сабабли идишнинг ички тарафидан матонинг изи қолган. Бундай изларнинг ёрдамида неолит жамоаларининг илк маротаба кулолчилик маҳсулотларини тайёрлашганликларини билишдан ташқари бу даврда тўқимачиликни пайдо бўлганини билиб олиш мумкин. Бундай маконлар Қуи Зарафшон, Тузкон ва Каптарникуми манзилгоҳларида сопол парчалари топилган бўлиб, ундаги мато излари айнан тўқимачиликдан далолат берар эди.

Бу даврда қилинган яна бир ихтиро бу неолит даврининг шахталари бўлиб, бундай шахталар Навоий вилоятининг Учтут қишлоғидан топилган. Неолит даврининг охирига келиб одамлар вертикал чуқурлар ёрдамида чақмоқтош конларини қидиришган. Бундай чақмоқтошлар шахта конлардан қидириб топишиб, унга ишлов бериш йўли билан турли тош қуролларини ясашган.

Демак, мезолит даврида инсоният томонидан Самарқанд шахри атрофларида унча баланд бўлмаган тоғлар, тоғолдидаги адирлик ерлар

ўзлаштирилди. Неолит даврида эса, тоғли ва тоғолдидаги жуда катта ерлар эгалланди, чунки Самарқанд атрофидаги унчалик баланд бўлмаган тоғлар турли бўтасимон дараҳтлардан иборат ўрмонлар билан қопланганлиги учун турли ҳайвонларни, қушларни кўпайиши ва яشاши учун қулай шароитни ташкил қиласр эди. Бу эса, табиий равишда шу неолит даври жамоаларини яшаши учун қулай шароитни вужудга келтирган.

Милоддан илгариғи IV минг йилликни охири, III минг йилликнинг бошларида Қадимги Шарқ худудларининг таъсири остида Марказий Осиёning жанубий худудларида ҳам инсоният биринчи маротаба мисдан фойдаланиш бошланди. Аслида мисдан кенг миқёсда фойдаланиш Олд Осиё ва Кичик Осиё худудларида бошланган бўлса ҳам, аммо Марказий Осиёning жанубий худудлари таъсирида Зарафшон воҳасига ҳам металга эга қабилаларнинг анча катта гуруҳи кириб келди. Металлургияни билган бу қабилалар аслида Эрон билан ҳозирги Туркманистон ўртасидаги чегараларда жойлашган ва бу даврда дехқончилик ва чорвачилик борасида катта тажрибалар ортиришган эди. Шунинг учун Зарафшон дарёсининг юқори оқимида пайдо бўлган дехқон жамоаларининг бунчалик узоқдан келиб қолиш сабаблари тўғрисида олимлар икки фикрни берадилар. Уларнинг бир гуруҳи жанубдаги геоксюр маданияти дехқон жамоаларининг бир гуруҳ вакиллари кўшимча ер қидириб келишган дейишса, яна бошқа гуруҳ олимлар уларни металл конларини қидириб келишган дейишади.

Бизнинг фикримизча Самарқанд воҳасидаги дехқон жамоаларининг пайдо бўлишида маҳаллий Ҳисор ва сазағон маданиятларига жанубдаги Геоксюр маданиятининг таъсири туфайли саразм маданияти пайдо бўлган дейилса тўғри бўлиши керак.

Самарқанд воҳасидаги бронза даври маданиятларини пайдо бўлишида бевосида энеолит даври дехқон жамоаларининг айниқса саразм маданиятининг таъсири катта бўлган. Бундан ташқари бу ерда қазишма

ишлари ўтказган Абдулла Исақовнинг фикрича Саразмдан жуда кўплаб айнан Ҳисор маданиятининг таъсири катта бўлганлигини таъкидлаган.

Зарафшон дарёсининг қуи қисмидаги Замонбобо маданиятини келиб чиқишида жанубдаги энеолит ва бронза даври маданиятларининг таъсири катта бўлган. Айнан бронза даврига келганда Зарафшон дарёсининг қуи ва юқори қисмлари эгалланганлиги кўриниб турибди. Албатта энеолит ва бронза даврининг дехқон жамоаларини дастлабки ўзлаштирган ерлари тог дарёларининг этаклари ва йирик дарёларнинг ҳам этак қисмлари ўзлаштирилганлиги кўриниб турибди.

Бу даврда шимоли-шарқий ҳудудлардан кўплаб чорвадор аҳолининг кириб келганлиги кузатилади. Бу аҳолини археологлар илгари “дашт маданияти” деб айтишган бўлишса, эндиликда бу маданиятни “андронова маданияти” деб айтишади. Воҳада бу маданиятнинг жуда кўплаб вакилларининг қабрлари билан бирга Тўқайли манзилгоҳида маҳаллий дехқон жамоалари билан биргаликда металлургия билан шуғулланишиб уни реализация қилишгани аниқланди. Демак, металл қадимги энеолит даври жамоаларигагина керак бўлиб қолмасдан балки бронза даврида ҳам шимоли-шарқий ҳудудлардаги жамоалар ҳам бундай нодир материалдан фойдаланишган ва бундай металлургия марказларидан бири албатта Зарафшон дарёсининг юқори оқими эди.

Самарқанд воҳасидаги илк темир даври яқин пайтлагача археология харитасидаги “оқ доғ”лардан бири эди. Аммо ўтган асрнинг 90 йилларида ўзбек-француз халқаро экспедициясининг аъзолари томонидан Самарқанд шаҳридан 35 км шимолда Кўктепа ёдгорлиги топилганлиги сабабли бу давр тарихи ва маданияти масалаларига жавоб топилди. Ҳозирги пайтда ушбу маданиятнинг келиб чиқиши муаммолари ўрганилмоқда.

Бу маданият дехқончилик маданияти бўлиб, кейинроқ шаҳарсозлик маданиятларига асос бўлган. Бу даврдан бошлаб ёзма манбалар пайдо бўлган бўлиб, Марказий Осиё ҳудудидаги энг қадимги ва йирик диний-фалсафий

асар “Авесто” анча тарихий ва маданий маълумотларни беради. Авесто бўйича бу даврда жамият оқсоқоллар томонидан бошқарилган, қишлоқларда дехқон жамоалари дехқончилик қилишиб уй чорвачилиги билан ҳам шуғулланишган.

Кўктепа ёдгорлиги мисолида милоддан илгариги VIII-VII асрлардан бошлаб урбанизация жараёнларини бошланганлигини ва бу ерда гувалаксимон ғиштлардан “ҳоким қароргоҳи” билан бирга “шаҳар ибодатхонаси” қурилганлиги аниқланди. Худди шундай ғиштлардан Самарқанд шаҳрида ҳам йирик шаҳар қурилиб, уларнинг мудофаа деворлари, ҳоким қароргоҳининг остки қисми кўтарилди.

Милоддан илгариги VI-V асрларда, яъни бу худудлар аҳамонийлар томонидан босиб олинган пайтда Самарқанд шаҳри ҳудудида Сиёбдан сув олган Обираҳмат канали қурилган. Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларини суғориша Дарғом каналини қурилиши катта роль ўйнади.

Эллинизм даврида Самарқанд воҳаси тўлиқ ўзлаштирилди. Милоднинг биринчи асрларидан Нарпай канали, худди ша даврдан Булунғурдан сув олган Пойариқ каналлари ишга тушади ва қўшимча катта майдонларни суғоради.

Илк ўрта асрлардан бошлаб айнан дехқончилик туфайли, суғдларнинг бутун Осиё билан Европа ўртасида пайдо бўлган Буюк Ипак йўли савдосини юргизиша воситачилик қилишгани учун ҳам бу даврдаги ривожланиш ўзининг энг юқори даражасига кўтарилди. Турк ҳоққонлиги даврида мамлакатнинг ички сиёсати, унинг маҳаллий ҳукмдорлари суғдларнинг ўзида қолганлиги сабабли бу ердаги ривожланишда катта ўзгаришлар сезилмади. Шаҳарсозлик, диний бағрикенглик ўзининг энг юқори нуқтасига етди. Самарқанд ҳукмдорларининг саройларидағи деворий суратлар бундан дарак беради. Милоднинг 712 йили Самарқанд араблар томонидан босиб олинишига қарамасдан Панжикентнинг яна ўн йил давомида мустақил

яшаши бу худудда мустаҳкам, юқори тараққий этган шаҳарлар бўлганлигидан далолат беради.

Ривожланган ўрта асрлар бутун Самарқанд ва Бухоро воҳаси учун ривожланишнинг энг юқори нуқтаси ҳисобланади. Шунинг учун бу воҳадаги ҳамма худудларда шу даврга оид ёдгорликлар кўп бўлиб, уларнинг ташлаб кетилган пайти XIII асрнинг бошларидир. Бу муғуллар юришининг натижаси ҳисобланади. Шу даврдан кейин аҳоли пунктлари, йирик шаҳарлар, қўрғонлардан пастга тушиб, ҳозирги қишлоқлардаги каби аҳолининг тарқоқ ҳолда яшаш шароитига ўтишади.

Амир Темур даврида Дарғом каналидан жануб томонга Эски ангор канали тортилади ва бу канал билан Самарқанд воҳасининг жанубдаги катта майдонлари суғорилган бўлса, темурийзода Мирзо Улуғбек даврида Зарафшондан сув олган Мирзаариқ қадимги Пойариқ томон, яъни шарқий томонларга йўналтирилади ва яна катта майдонларни суғоради.

Шундай қилиб Самарқанд воҳасининг дехқон жамоалари томонидан ўзлаштирилиши тарихи бу ҳалқимизнинг кундалик тарихи, ривожланиш тарихидир.

## **Фойдаланилган манба ва адабиётгар рўйхати**

### **Раҳбарий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантия прогресса и стабильности развития. По пути безопасности и стабильности развития. Ташкент.: «Узбекистан». 1998. Т. VI. С. 29-244.
2. Каримов И.А. Одамлар истаги билан яшаш – бизнинг олий бурчимиз. Т.: 2001.

### **Асосий манбалар:**

3. Ариан. Поход Александра. Пер. М.Е.Сергеенко. М.,Л.: Наука, 1962.- 382 с.
4. Вяткин В.Л. «Самария», описание древностей и мусульманских святынь Самарканда. СКСО. Вып. VI 1899 г. Самарканд.: 1899. С. 153-159.
5. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Сохранившиеся книги. Под ред. В.С.Соколова. М.: Наука, 1963. -477 с.
6. Птолемей. «География», XI, 12.
7. Страбон. «География», XI. 8, 8.

### **Асосий адабиётлар:**

8. Бурякова Э.Ю. Поселение Лолазор – предшественник города на Афрасиабе. В кн. К исторической топографии древнего и средневекового Самарканда. Ташкент.: Фан, 1981. С. 3-22.
9. Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскarov А.А. Первобытная культура и возникновение орошающего земледелия в низовьях Зерафшана. Ташкент.: 1966. -296 с.
10. Джуракулов М.Дж. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Отв. Ред. Г.П.Григорьев. Ташкент.: Фан, 1987. -171 с.

11. Джуракулов М.Дж., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Ташкент.: Фан. 1991.
12. Исаков А. Саразм (к вопросу становления раннеземледельческой культуры Зерафшанской долины (раскопки 1977-1983 гг). Душанбе.: Дониш, 1991. – 156 с. с илл.
13. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самарканского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). Самарканд.: 2002 г. -256 с.
14. Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент.: Фан. 1980.
15. Мухамеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времен до начала XX в.). Отв. Ред. Я.Г.Гулямов. Ташкент.: Фан. 1978.-290 с.
16. Мухамедов Х. Кадимий мудофаа деворлари. Тошкент.: Фан, 1973. -58 б.
17. Петров Ю.М. Самарканд. Климат и погода. Л.: 1982.
18. Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии. Ташкент.: 1987. -182 с.
19. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Ташкент.: 2000.
20. Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. Ташкент.: Фан, 1980. -130 с.
21. Хасанов М. К истории культуры античного Согда. Фергана. 2016 г.
22. Хўжаев А. Фаргона тарихига оид маълумотлар. “Фаргона” нашриёти. 2013. -288 б.
23. Шишкина Г.В. Северные ворота древнего Самарканда. История культуры народов Средней Азии (древность и средние века). М.: 1976. С. 99-104.

**Қўшимча адабиётлар:**

24. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. Т. II, ч. I. М.: 1963.

25. Бартольд В.В. Работы по исторической географии. Соч. т. III. М.: Наука. 1965 -711.
26. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Соч. Т. III. М.: 1965. С.97-232.

#### **Авторефератлар:**

27. Бобомуллоев С.Г. Земледельческо-скотоводческая культура верховья Зарафшана во II тысячелетии до н.э. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Душанбе.: 1996. -25с.
28. Рузанов В. История древней металлургии и горного дела Узбекистана в эпоху бронзы и раннего железа. Автореф. дисс... канд. ист. наук. М.: 1982. -24 с.
29. Шишкина Г.В. Древний Самарканда в свете стратиграфии западных районов Афрасиаба. Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. Ташкент.: 1969 - 20 с.

#### **Илмий журналлар:**

30. Bernard P. Maracanda-Afrosiab colonie grecque. La Persia e l'Asia Centrale da Alessandro al X secolo. Atti del convegni Lincei, 127. Roma. 1996. P.331-365.
31. Bernard P., Grenet F., Isamiddinov m. et alii. Foulles de la mission franco-ouzbeque a l'ancienne Samarcand (Afrosiab): deuxieme et troisieme campagnes (1990-1991). Academie des inscriptions Belles - Lettres, Paris.: 1992, pp. 275-311.
32. Rapin Cl., Isamiddinov M. Fortifications hellenistiques de Samarcande (Samarcand-Afrosiab). Orient-occident. Volime 4/2, 1994, p.547-565.
33. Tomashek W. Dargomanes. RE. Bd IV, 1901.
34. Ахунбаев Х.Г. Археологическое изучение Булунгурского района в 1979-1980 гг. ИМКУ-18. Ташкент.: 1983. С.154-164.

35. Бернар П., Грене А., Исамиддинов М. Основные результаты раскопок узбекско-французской экспедиции на Афрасиабе в 1990-1992 гг. ОНУ, Т.: 1994, №3-4, с. 34-42.
36. Иваницкий И.Д. Саратепе-2 поселение керамистов середины I тысячелетия до н.э. под Самаркандом. ИМКУ-26. Ташкент.: 1992. С.22-41.
37. Исаков А. Саразм – новый раннеземледельческий памятник Средней Азии. СА. 1989. №1.
38. Исамиддинов М.Х. О дате основания Самарканда. ОНУ. Ташкент.: 1997. №5. С.62-67.
39. Исамиддинов М.Х., Рапен К. 35. (44). Исамиддинов М., Рапен К. К стратиграфии городища Коктепа. ИМКУ, вып. 30, Самарканд.: 1999, с. 68-79.
40. Кармышева Б.Х. Этнические и территориальные группы населения северо-восточной части Кашкадарьинской области Узбекистана. КСИЭ. Вып. XXXIII. М.: 1960. С. 47-59.
41. Климчицкий С.И. Название Согдианы в топонимике Таджикистана. Записки Института востоковедения АН. VI, М., Л.: 1937. С.9-14.
42. Лев Д.Н. Древний палеолит в Аманкутане. Труды УзГУ. Вып 39. СЭ. М., 1949. №1.
43. Лев Д.Н. Новые находки в пещере Аманкутан. Природа. М., 1958. №1.
44. Мончадская Е.А. О «Царском городе» или «второй столице» Согдианы. ВДИ. М.: 1959. №2. С. 116-121.
45. Немцева Н.Б. Стратиграфия южной окраины Афрасиаба. Сб. Афрасиаб. Вып. I. Ташкент.: 1969. С. 153-205.
46. Пьянков И.В. «История Персии» Ктесия и среднеазиатские сатрапии Ахеменидов в конце V в. до н.э. ВДИ. М.: 1965. №2. С.35-50.
47. Пьянков И.В. Мараканды. ВДИ. М.: 1970. С. 32-48.

48. Тереножкин А.И. Вопросы историко-археологической периодизации древнего Самарканда. ВДИ. М.: 1947. С. 127-135.
49. Тереножкин А.И. Вопросы периодизации и хронологии древнейшего Самарканда. СА. М.: 1972. №3. С. 90-99.
50. Тереножкин А.И. Согд и Чач. КСИИМК. Вып. XXXIII. М., Л.: 1950. С.152-169.
51. Федоров М.Н. К вопросу о последнем караханидском дворце на Афрасиабе. СА. М.: 1965. С. 239-242.
52. Филанович М.И. К истории сложения городских укреплений Афрасиаба. Афрасиаб. Вып. II. Ташкент.: 1973. С.85-95.
53. Филанович М.И. К характеристике древнейшего поселения на Афрасиабе. Сб. Афрасиаб. Вып. I, Ташкент.: 1969. С. 206-220.
54. Шишгин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей. Сб.Афрасиаб. Вып. I. Ташкент.: 1969. С.3-121.
55. Шишкина Г.В. Древнейшая оборонительная стена Самарканда. ОНУ. Ташкент.: 1970. №9. С.102-107.
56. Шишкина Г.В. О местонахождении Мараканды. СА. М.: 1969. №1. С.62-75.
57. Шишкина Г.В. Эллинистическая керамика Афрасиаба. СА. М.: 1975.

#### **Илмий тўпламлар:**

58. Бобомуллоев С. Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зерафшане. Stratum. Спб.: 1999. №2. С.307-313.
59. Грене Ф. Лекции в Колледж де Франц по теме: В центре внимания Центральная Азия. College de France <http://books.openedition.org/4101> ISBN:9782722604315

**Халқаро ва Республика анжуманлари материаллари:**

60. Аванесова Н.А., Шайдуллаев Ш.Б., Яркулов А.О. К вопросу о культурной принадлежности джамских древностей эпохи палеометалла. Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. Самарканд-Бишкек, 2005.
61. Исамиддинов М., Рапен К. О культурной преемственности в Согде в эпоху раннего железа (по данным строительной традиции. Изучение культурного наследия Востока. Культурные традиции и преемственность в развитии древних культур и цивилизаций. Материалы Международной конференции в Санкт-Петербурге. Европейский Дом. Санкт-Петербург.: 1999, с. 74-75.
62. Исамиддинов М.Х. К вопросу о возникновении древнего города на Афрасиабе. Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития. Материалы Международного научного симпозиума, посвященного 2750-летнему юбилею города Самарканда. Ташкент-Самарканд.: «Фан», 2007, с.18-21.
63. Исамиддинов М.Х. Ремесло древней Средней Азии и общество Авесты. Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы Международной конференции Самарканд, 7-8 сентября 2009 г. Самарканд-Ташкент. 2010. с. 151-155.
64. Исамиддинов М.Х. Стратиграфия городища Коктепа и некоторые стороны истории и культуры Согдианы эллинистического периода. Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии. Сборник статей в честь академика Поля Бернара. Издательство «Noshirlik yog`dusi». Тошкент.: 2010. с.131-140.
65. Исамиддинов М.Х. Южные части Самаркандского Согда в период включения в империю Александра Македонского. В сб. Материалы по античной культуре Узбекистана. К 70-летию Геннадия Андреевича Кошеленко. Самарканд.: 2005, с. 55-60.

66. Исамиддинов М.Х., Рапен К. Городище Коктепа и некоторые вопросы ранней урбанизации на территории Самаркандинского Согда. Средняя Азия: Археология, история, культура. Материалы международной конференции посвященной 50 летию научной деятельности Г.В.Шишкиной. Москва.: 2000 г.
67. Рапен К., Исамиддинов М.Х. 77. (86). Рапен К., Исамиддинов М. Коктепа и процесс урбанизации долины Зерафшана в эпоху железа//Древняя и средневековая урбанизация Евразии и возраст города Шымкент. Материалы Международной научно-практической конференции 16 октября 2008 г. Шымкент.: 2008, с.49-57.-